

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ



№2 (10) 2012



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Ниғматилла Йўлдошев
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Ҳалимов
Алишер Шарафутдинов
Шўҳрат Узаков
Толибжон Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Шавкат Ёдгоров

Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Баҳодир Исмоилов
Аббосхон Сангинов
Мухтор Зоиров
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олманган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмаҳонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

МУНДАРИЖА

Т.УМАРОВ.	Оилани мустаҳкамлаш: асосий йўналишлар ва истиқболдаги вазифалар.	1
Х.ТУРДИБОЕВ.	Оила — ҳаётимиз таянчи ва суюнчи.	5
О.ПАРПИБОЕВА.	Маънавий баркамоллик — оиладан бошланади.	8
Г.АЛИМОВА.	Мустаҳкам оила ва баркамол инсонни шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли.	10
А.ИСМОИЛОВ.	Оилани мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни.	14
М.ЮЛДАШЕВ.	Оила мустаҳкамлиги — эл-юрт таянчи.	16
Х.МАМАДАЛИЕВА.	Оила давлат ҳимоясида.	19
А.АБДУЖАББОРОВ.	Фуқаролик процессида даъвони таъминлаш: хорижий тажриба ва миллий амалиётнинг ўзаро уйғунлиги ва нисбати.	22
М.ҚУРБОНОВА.	Аёллар манфаатлари қонун ҳимоясида.	26
С.ЮЛБАРСОВ.	Оила — жамиятнинг мустаҳкам таянчи.	29
Н.РАҲМОНҚУЛОВА.	Чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокида тузилган никоҳни тан олиш.	31
С.НИЁЗОВА.	Оилада шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг сабаблари.	35
Д.БАЗАРОВА	Никоҳ тузилиши — мустаҳкам оила вужудга келишининг асоси сифатида.	38
И.УСМОНОВ.	Оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти.	41
О.ҲАМРОЕВ.	Мустаҳкам оила ижтимоий тараққиёт гарови.	44
Х.АРТИКХОДЖАЕВА.	Оила қонунчилигини такомиллаштириш — давр талаби.	47
Д.ЮНУСОВА.	Мустаҳкам оила — жамият таянчи.	49
Р.ВАЛИШЕВА.	Семья — источник духовности и культуры нации.	53
С.НАЗАРОВА.	Ёшларда мустаҳкам оила туйғусини тарбиялашда ижтимоий ҳамкорликнинг долзарб муаммолари.	56
О.ХУДОЁРОВА.		
Д.ТАШПУЛАТОВА.	Оила — муқаддас даргоҳ.	59
Ш.АКНАЗАРОВА	Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг криминоген омиллари	64
Тақризлар		68
Суд амалиёти		74

Толибжон УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи ю.ф.д.

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШ: АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Оила — авлодлар давомийлиги, кадриятлар, урф-одатлар ва аъноналарни, қолаверса, халқимиз маънавий меросининг авлоддан-авлодга ўтишини таъминловчи омилдир. Оиланинг мустаҳкамлиги жамият тараққиётининг гаровидир.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор”¹.

Оилага берилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатда бугунги кунда 7 млн. га яқин оилада аҳолининг 95,3 фоизи истиқомат қилади. Бу эса мустаҳкам оила жамият ва давлатнинг тараққиётга эришиши учун асосий унсурлардан бири эканлигидан далолат беради.

“Инсон ҳуқуқлари” Умумжаҳон декларациясининг 16-моддасида, “Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир”² — деб белгиланган.

“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактлар, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, “Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция оилага ғамхўрлик кўрсатишнинг минимал даражасини белгилаб, давлатлар учун муайян мажбуриятларни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланиб, унинг 63-моддасида: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” деган норма универсал халқаро ҳужжатлардаги принципларга ҳамоҳангдир.

Барча давлатлар оилани мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, бу борадаги ишларнинг асосий йўналишлари ва истиқболларини белгилаб боради.

2012 йилнинг Ўзбекистонда “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши узоқ давом этиб келаёт-

ган ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг навбатдаги амалий ифодасидир.

Муҳтарам Президентимиз оилани мустаҳкамлаш учун оила қончилигини ислоҳ қилиш, оилага давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш, “маҳалла” институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва оиладаги маънавий муҳитни юксалтириш йўналишларини белгилаб берди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг 2011 йил 13 декабрдаги фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ишлаб чиқилган бўлиб, 2012 йил 27 февралда Президент қарори билан тасдиқланди. Жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини кучайтиришга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чоратадбирлар комплексини амалга ошириш Давлат дастурининг мақсади этиб белгиланди.

Давлат дастурида “Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор” деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиққан ҳолда “Мустаҳкам оила йилида” амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим йўналишлар белгилаб берилди. Ушбу йўналишлардаги ишларни бажаришдан олдин ўтган йиллар давомида биз бу борада қандай ишлар амалга оширилганлиги, ижобий натижалари ва ҳақиқий мустаҳкам оила шаклланишида қандай тўсиқлар мавжудлигини аниқлаб олишимиз мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик йилларида “кучли ижтимоий сиёсат” ривожланишнинг “ўзбек модели” асосий тамойилларидан бири бўлиб, оилани қўллаб-қувват-

лаш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-этиборида турибди. Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган ҳолда, аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди³.

Ижтимоий дастурлар бевосита оилани ҳимоя қилишга қаратилиб, жорий йил давлат бюджети харажатларининг 60 фоиздан ортигини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилган⁴. Никоҳга киришаётганларнинг соғлигини текшириш мақсадида 2003 йилда “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Президентнинг 2007 йилдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бўйича ёш оилаларга моддий-маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда⁵.

Оилага қўмаклашиш дастурлари ижроси устидан “Оила” илмий-амалий маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси каби фуқаролик жамияти институтлари фаол жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда.

Масалан, МФЙнинг маслаҳатчилари томонидан 2011 йилда 4 млн.дан ортиқ оила ўрганилиб, 336 мингтаси ишга йўналтирилган, ҳомийлар иштирокида 185 мингтасига моддий, 256 мингтасига тиббий, 582 минг оилага маънавий ёрдам кўрсатилган, яраштириш комиссиялари томонидан 26 мингдан ортиқ оила яраштирилган.

Оилани мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган ишлар натижасида никоҳдан ажралишлар 1991 йилдаги 33,3 мингдан, 2010 йил 20,5 мингга, ўтган йили бу кўрсаткич 18,5 мингга камайди.

Мамлакатдаги демографик ҳолат яхшиланиб, одамлар ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга етган, аҳоли сони 28 млн.дан ошди (мустақиллик йилларида 6,1 млн. ёки ўртача йилига 365 минг кишига кўпайиб борди).

Қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қурилишига катта аҳамият берилиб, 2011 йилда 7400 та оила ҳар томонлама қулай уй-жойларга, замонавий шароитларга эга бўлган бўлса, 2012 йилда 8510 та оила ана шундай янги уй-жойга кўчиб кириши мўлжалланмоқда⁶.

Аҳоли саломатлиги ҳақидаги ғамхўрлик ва турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланиши натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар, уларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилиши 2 баробар камайган. Бунда 2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилган, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланган, болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этган⁷.

2011 йилда “Save the children” томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида Ўзбекистон 9-ўринда қайд этилди. ЮНИСЕФнинг минтақавий офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурлар учун давлатимизни минтақадаги намунавий модел сифатида эътироф этди.

Эришилган улкан ижобий натижаларга қарамай, оила институтини янада мустаҳкамлаш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар кўзга ташланмоқда. Айрим ҳолатларда эса маиший зўравонлик, ишсизлик, оилаларнинг тўлиқ эмаслиги (ота ёки она иш қидириб четга чиқиб кетиши), алкоголь ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш, баъзи тоифадаги (аёллар, болалар, ногиронлар ва б.) шахсларга нисбатан салбий муносабат каби муаммолар ҳам учраб турибди.

Жамоатчилик фикрида фуқаролик никоҳларига нисбатан салбий муносабат (61%) мустаҳкамланаётган бўлса-да, афсуски никоҳсиз муносабатларга киришиш ва никоҳсиз туғилган чақалоқлар сони 2 мартага ошди, натижада оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар сони 2010 йилдаги 1693 тадан 2011 йилда 2061 тага етган. Кейинги йилларда никоҳга қириувчилар сонининг камайиши кузатилмоқда.

Айрим оилалар ўзларининг тарбия билан боғлиқ ижтимоий вазифасини етарли даражада бажармаётганлиги сабабли ўтган йилда аёллар томонидан 12322, болалар томонидан 2180 та жиноят содир этилган.

Оила доирасидаги зўравонликлар ҳолати ташвишли бўлиб, шу даврда маиший сабабларга кўра 199 қотиллик, 1425 оғир тан жароҳати етказиш каби жиноятлар қайд этилган.

Айрим ҳудудларда оиладаги барқарор муҳитнинг мавжуд эмаслиги туфайли мактабни ташлаб кетган ўқувчилар ва фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар сони юқориликча қолмоқда.

Ўтган йилда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва чеклаш бўйича 1002 та даъво қўзғатилган бўлиб, 594 та ҳолатда қаноатлантирилган. Жумладан, фуқаро Н. хотинини оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўраган. Уларнинг 5 нафар қизи бўлган, онаси 4 нафар қизини фоҳишалик йўлига бошлаган. Отаси 15 ёшли кенжа қизини ҳам онаси шу йўлга ундаётганини асослаган. Суд қарорига асосан бу аёл қизига нисбатан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият” кўринишида мамлакатимизга кириб келаётган турли ахлоқсиз ва маънавиятга зид бўлган иллатлар, айниқса, ёшлар онгу шуурига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Оилавий ҳаёт ҳақида зарур ахборотга эга эмаслиги ва жинсий саводхонлик даражасининг пастлиги айрим ёш оилаларни арзимас сабаблар билан бузилишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, судда фуқаро С. никоҳни бекор қилишни сўраган. Никоҳ

қайд этилганида С. 17 ёш, эри А. 18 ёшда бўлган. Даъвогар эри уни ғайритабиий жинсий алоқа қилишга мажбур этганлиги ва у бошқа никоҳни давом эттира олмаслигини билдиради.

Аҳолининг 51,2 фоизини, ишчи кучининг 47,8 фоизини ташкил этган Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, фаоллик даражаси, маънавий ва оила институтини мустаҳкамлашда энг муҳим омиллардан бири⁸. Миллий анъаналар туфайли оилада эркакка устунлик берилишининг айрим ҳолатларда суиистеъмол қилиниши гендер тенгликнинг тўлиқ шаклланишига тўсқинлик қилмоқда.

Маълумки, сўнгги 60 йил давомида инсон ҳуқуқлари борасида ижобий ўзгаришлар туфайли кўпчилик давлатларда оила билан боғлиқ муносабатларда “кенг эркинлик бериш” тенденцияси кузатилмоқда.

Ғарбда “иккинчи демографик ўтиш” деб номланган жараён юз бериб, бунда расмий никоҳ тузишнинг сони кескин камайиши, боланинг камол топиши учун ота-онанинг иккаласи бўлиши мажбур эмаслиги, аёллар хоҳлаганда ёлғиз ўзлари бола тарбиялашлари мумкинлиги, абортларга бўлган ижобий муносабат кучайиб бормоқда. Оилавий муносабатларга ўта либерал ёндашув натижасида ноанъанавий оилавий муносабатлар шакллана бошлади. 1989 йилда Данияда бир жинсли никоҳга рухсат берилди, кейинчалик Голландия, Англия, Швеция ва бошқа давлатларда бир жинсли никоҳлар расман тан олинди. Айрим давлатларда (АҚШ айрим штатлари, Франция) бунга қарши қонунлар қабул қилинсада, улар қутилган самарани бермаяпти.

Қатор давлатларда эса никоҳни, болаларни қўллаб-қувватлаш, васийлик, ажрим ҳолатида болага нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни алоҳида белгилаш, фарзандликка олиш, оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш бўйича қонунлар ва ижтимоий ҳимоя, қариялар билан ишлаш махсус тизимлари фаолият кўрсатаётганлигини кўришимиз мумкин. Айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида эса ота-оналик мажбуриятлари, шу жумладан, болага нисбатан васийлик ва ҳомийлик ҳуқуқлари, фарзандликка олиш билан боғлиқ суд қарорлари, ишончли васийлик ва ворислик, болалар жиноят содир этганида қабул қилинадиган чоралар муҳим ҳолатлар сифатида қайд этиб кўйилган.

АҚШда оилани давлат томонидан кенг моддий қўллаб-қувватлашда хайрия жамғармаларига оилага қаратилган ижтимоий дастурларни амалга ошириш юклатилмоқда. Давлат маблағлари қисқарган ҳолда фақат ночор оилаларга кўмак бериш, хотин-қизлар ва болаларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлашга қаратилмоқда.

Швецияда ижтимоий суғурта тизимида оилага кучли имтиёзлар, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилиб, ҳар қандай вазиятда ҳимояни сўраб мурожаат қилиш имконияти берилаяпти. Бу ерда “фуқаро ўз тақдири ҳақида қай-қуриши шарт эмас, давлат унга туғилганидан бош-

лаб ғамхўрлик қилади” мазмунидаги шиор ижтимоий ҳимояга асос қилиб олинмоқда.

РФда демографик таназзулнинг олдини олиш учун туғишни рағбатлантиришга катта маблағлар сарфланганига қарамай вазият жиддий ўзгармади, аслида одамлар маънавий қиёфасини ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги фикрлар устуворлик қилмоқда.

Миллий анъаналар катта аҳамиятга эга бўлган Жанубий Кореяда ҳам сўнгги 30 йилда ноанъанавий оилалар пайдо бўлиши, туғишнинг камайиши, ишловчи аёллар сони ўсиши, кам фарзандли оилаларнинг кўпайиши, эр-хотин бирга ишловчи оилалар сонининг кескин ортиши, ёш авлоднинг катта авлодга ва урф-одатларга ҳурматида таназзул кузатилди.

Бу ўзгаришларнинг олдини олиш мақсадида махсус давлат дастури асосида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида оила муҳофазага олинди. Миллий урф-одатлар руҳида катта авлодга ҳурмат кўрсатувчи авлод тарбия қилишга эришилди. Балки айни шу сабабли дунё томонидан тан олинган иқтисодий ривожланишнинг “корейс модели” юз бергандир.

Оилани мустаҳкамлашда хорижий тажрибани ўрганиш муҳим, лекин бунда тайёр ёндашувлар бўлиши мумкин эмас, бир давлатда ижобий натижа берган тизим бошқасида натижа бермаслиги, аксинча зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Биз миллий анъаналарни сақлаб қолган ҳолда, ривожланган давлатларнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати ва фуқаролик жамияти институтлари тажрибасидан омилкорлик билан фойдаланишимиз мумкин.

Оила институтига берилётган эътиборни янада кучайтириш — оилани мустаҳкамлаш масалалари тўғрисида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, оила муҳитига таъсир этувчи омилларни аниқлаш⁹, фуқароларда оиланинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни, баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамияти ҳақида тушунчаларни мустаҳкамлашни тақозо этади.

Фикримизча, ижтимоий сиёсатда ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақида пухта билим ва кўникмаларга эга бўлиши, никоҳга кираётганда унинг ҳақиқий моҳиятини англаши ҳамда оилада юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларга тайёрлаш; оилада ўзаро ҳурмат, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқчилигига эришиш; оиланинг тарбия маскани сифатида маънавий кадриятларни сингдириш ва мафкуравий таҳдидларга иммунитетга эга бўлган шахсни шакллантиришга эришиш; оиладаги зўравонликлар, маиший ҳуқуқбузарликлар сонини камайтириш, ота-оналарнинг ахлоқсиз ҳулқ-атвори орқали фарзандларига салбий таъсир кўрсатиш даражасини чеклашни назарда тутиш талаб қилинади.

Фикримизча, никоҳга кириш масъулиятини ошириш ва бўлғуси эр-хотиннинг оила-никоҳ муносабатлари ҳақидаги билимларини кучайтириш мақсадида ФХДЁ органларида махсус ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик, маънавий консультация фаоли-

ятини ташкил этиш лозим. Бу борада никоҳга кираётганлар учун оилавий ҳаёт бўйича махсус курсларда ўқитиш тизими яхши самара берган бўлар эди.

Қизларнинг (ҳозирда никоҳга киришнинг ўртача ёши эркекларда 24,3, аёлларда 21,5 ёш) никоҳга кириш ёшининг камида 20 ёш бўлиши, эркекларга никоҳга эрта кирмаслик ғоясини сингдириш, оилаларда 2-3 нафар фарзанд кўришга интилишни шакллантириш (тадқиқотларга кўра, ҳар 100 оилага 260 нафар фарзанд тўғри келса, жамият бир маромда ривожланади, бизда бир аёлга 2,7 бола тўғри келмоқда), никоҳ шартномалари тузишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Мустаҳкам оилани шакллантиришга қаратилган фаолиятда қонунчиликни такомиллаштириш ҳам жуда муҳим.

Жумладан, ОКнинг 16-моддасидаги никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар 2-бандига “тоға (хола, амаки, амма) ва жиянлар, тоғавачча, холавачча, амкивачча ва аммаваччалар ўртасида” — деган мазмундаги жумлани қўшиш зарур. ОКга ФХДЁ органлари келин ва кўёвни бўлажак эр-хотин ва ота-оналар сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида таништириб ўтишлари шарт¹⁰ деган қонидани киритиш лозим. Никоҳдан ФХДЁ органида ажралаётганда ариза берилганда ўтиши лозим бўлган уч ойлик муддатни олти ойга узайтириш, ОКнинг 40-моддасига никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасини никоҳ қайд этилганидан бошлаб 6 ой ўтгач бериш мумкинлигини киритиш лозим. Фарзандликка олиш жараёнида болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, фарзандликка олишни маъмурий тартибдан суд тартибига ўтказиш ўринли бўлади.

Фикримизча, оилани мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятнинг асосий йўналишлари сифатида:

— оила институтини ўрганиш бўйича комплекс илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, оила институтининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш мақсадида таълим ва тадқиқот муассасалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

— оилани ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш;

— соҳавий қонунчиликка оила мавқеини янада кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларни киритиш, бу борадаги илғор халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

— оилани ҳимоялаш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш, маҳалла институтининг имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш, бу мақсадларга йўналтирилаётган давлат маблағларининг сарфланиши устидан уларнинг назоратини кучайтириш;

— оиланинг моддий имкониятларини кенгайтириш, айниқса, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— эҳтиёжманд оилаларга гамхўрликни кучайтириш, йўналтирилаётган моддий қўллаб-қувватлашни янада ривожлантириш, айниқса, ёш болалар ва аёллар ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш;

— жамият маънавий негизларини ривожлантириш, ташқи мафкуравий хуружларга қарши мустаҳкам иммунитетга эга бўлишда оиланинг маънавий ва маданий жиҳатдан баркамол шахсни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш;

— мустаҳкам оила туйғусини жамият ва давлатнинг барча институтларида кенг тарғиб қилишни кучайтириш зарур бўлади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена основным направлениям и перспективным задачам укрепления института семьи в нашей стране. Автором проводится подробный научно-правовой анализ законодательных основ Республики Узбекистан, направленных на защиту прав и законных интересов семьи, положительной зарубежной и национальной правоприменительной практики в данной сфере. Автором определены основные проблемы в данной сфере и изложены пути их эффективного решения.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият — енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008.

² Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл. —Т.: Адолат, 1992, 14-бет.

³ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

⁴ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

⁵ Ёрматов Ф. Оилани ижтимоий ҳимоялашда давлатнинг гамхўрлиги. //Жамият ва бошқарув. 2010 № 2 109 б.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги. //Халқ сўзи. 2012 йил 1 январь, № 1 (5421).

⁷ Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги bosқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи. 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

⁸ Толибоева Н. Хотин-қизлар: ижтимоий фаоллик омиллари. //Жамият ва давлат. 2010 № 3, 117-б.

⁹ Тўраева А. Оилавий муҳитга таъсир кўрсатувчи омиллар. //Жамият ва бошқарув. 2011 № 1, 128-129 б.

¹⁰ Украина Оила кодексининг 29-моддасида шундай норма назарда тутилган.

Худойкул ТУРДИБОЕВ,
Қашқадарё вилоят прокурори

ОИЛА — ҲАЁТИМИЗНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Оила бу — кичик Ватан, муқаддас кўрғон, эртанги кун эгалари камол топадиган буюк мактаб. У ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлиги рамзи бўлиш билан бирга, урф-одатларимизни сақлайдиган муқаддас даргоҳ ҳамдир.

Оила ўз фарзандлари қалби ва онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайди. Шу тариқа уларни катта оқимга — жамиятга қўшиб, жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини белгилашга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Шунинг учун Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас кўрғон ҳисобланиб келинган. Хусусан, ўзбек оилаларининг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари ҳозир ҳам сақланиб турибди. Оилаларда муайян турмуш тарзи шаклланиб, фарзандлар ҳаётий тажриба орттириб борадилар, тежамли ва саришта рўзғор тутишни ўрганадилар. Ўғил-қизларнинг маънавий етук бўлиб камол топишларида кексалар ва ота-онанинг роли катта.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, халқимизнинг азалий миллий урф-одат ва маросимлари қайтадан тиклана бошланди. Бу удумлар оилани мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон ҳукумати оила масалаларига давлат сиёсати даражасида бажарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. Конституциямизнинг XIV бобда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. Шу асосда тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, такомиллаштирилди. Булар ўндан ортиқ қонунларда ўз ифодасини топди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалий тадбирлар белгиланган. Жумладан, 1994 йил 22 августда "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Президентимиз Фармони қабул қилиниб, муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришнинг қўламини кенгайтирилди.

Жамият равнақ топишида оиланинг тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳамда

манфаатларини изчил таъминлаш мақсадида Президентимиз 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилди. Шу муносабат билан Давлат дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурда "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилди. Оилавий ҳаёт масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди.

2012 йилнинг Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши эса нур устига нур бўлди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суюнчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ".

Ушбу йилда оила мустаҳкамлигини таъминлаш баробарида, никоҳ тушунчаси муқаддаслигини тарғиб қилиш, она ва бола манфаатлари устуворлигига эришиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Чунки оилани асраб-авайлаш, уни ҳар томонлама таъминлаш масъулияти ўзбек менталитетига хосдир. Мазкур йилда барча давлат ва жамоат ташкилотлари олдида қўйиладиган энг катта вазифалардан бири ҳам шубҳасиз, бу жамиятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий бўғини бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларда оила туйғусини шакллантириш, уларда оилага ғамхўрлик ҳиссини уйғотиш, шунингдек, оила қонунчилигини янада такомиллаштиришдан иборат. Бунинг учун, албатта, фуқаролар, ёшлар, кенг жамоатчилик ўртасида оила муқаддаслиги, унинг аҳамияти тўғрисида ҳуқуқий-маънавий тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим бўлади.

Бунда мамлакатимиздаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари қатори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари олдида ҳам масъу-

лиятли вазифалар қўйилиши кўзда тутилган. Хусусан, оила тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш, оиланинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёшларни оилага тайёрлаш, уларни оилапарвар этиб тарбиялашга қаратилган кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бирламчи вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган давлат дастурлари ушбу сиёсатни амалга ошириш шакллари ташкил этади.

Оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, нотинч оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, улар ҳузуридаги яраштириш комиссияларининг ўрни бекиёс. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларнинг маҳаллада ва оилада тинч-тотув ҳамда ҳамжиҳат яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган яраштириш комиссияси таркибига хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисаси, ҳудуд профилактика инспектори, ёшлар билан ишлаш комиссияси, ҳудуддаги мактабларнинг директорлари ёки уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, намунавий оилаларнинг бошлиқлари ҳамда имом-хатиблар киритилган. Комиссия таркибини тасдиқлашда унинг аъзолари ўзига юклатилган мажбуриятни қай даражада бажара олиши салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунки улар фаолиятлари давомида ҳолис бўлишлари, яраштириш жараёнида аён бўлган сирларни ошкор қилмасликлари, қисқача айтганда, инсоний қадр-қиммат ерга урилишига, ҳуқуқ бузилишига йўл қўймасликлари лозим.

Ўзбек оиласи миллий, диний қарашлар ва қонунчилигимиз орқали тартибга солинувчи ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, шуниси билан халқаро никоҳ муносабатларидан фарқ қилади. Оиланинг мустаҳкам кўрғон эканлиги, уйдаги гапни кўчага олиб чиқиш ножоизлиги, бахтнинг тамал тоши оилавий тарбия воситасида қўйилиши, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, никоҳнинг муқаддаслиги, оилавий ноаҳиллик бахтсизлик келтириши, отанинг кўзига, онанинг юзига тик қараш гуноҳи азимлиги, ўзини ҳурмат қилган одам ўзгаларни ҳурмат қилиши лозимлиги сингари энг муҳим ҳаётий тушунчалар фарзандлар онгига ёшлигидан ўз уйида, оиласи кучоғида синдирилади.

Оиланинг дарз кетиши фарзандларимиз келажаги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Шу боисдан, бизда

вояга етмаганларнинг Конституция ва қонунларимизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган. Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, 64-моддасида эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолияти рағбатлантирилиши белгилаб қўйилган.

Вояга етмаганларга доир муҳим қонун ҳужжатларидан бири 2008 йил январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни бўлиб, у ўсиб келаётган авлодга нисбатан ғамхўрликнинг янада мустаҳкамланишига замин яратди.

Болаларимизнинг мактаб берадиган барча билимларни ўзлаштириб олишинигина эмас, балки жамиятимиз ҳаёт нормаларига риоя қилмоқ учун тартиб ва интизомга ҳам ўрганишлари ҳақида ҳаммадан ҳам кўра биз ота-оналар кўпроқ қайғуришимиз керак. Зеро, оиланинг барқарор ва тўқислиги унинг моддий таъмин этилганлиги билан бир қаторда ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, унда улғаяётган фарзандларнинг камоли ва жамиятимизга қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади. Оиладаги аҳиллик, эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши ана шу оилада вояга етаётган фарзандлар камоли учун жуда муҳим. Чунки болаларнинг мурғак қалбига ҳеч нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида эса, ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ. Болаларимиз — бизнинг келажакимиз! Тарбиянинг буюк сири ва буюк кучи шундан иборатки, у характердаги ҳар хил жиҳатларни, ҳатто нуқсонларни ҳам эзгуликка йўналтиради.

Оналар оиланинг таянчи ва болалар тарбиясини амалга оширувчи шахс бўлса, оталар оиланинг устунлиги, фарзандларнинг суянган тоғи. Оилада, фарзандлар олдида оталикнинг ўзига яраша юки, масъулияти бор. Қарияларнинг таъкидлашларича, чақалоқ дунёга келгач, уч кун ичида отасини, чилласининг ичида эса онасини таниб олар экан. Бу таърифнинг илмий жиҳатдан нечоғли ўз тасдиғини топиши тўғрисида баҳслашиб ўтирмақчи эмасмиз. Нафақат норасида гўдақлар, балки ёши бир жойга бориб қолган кишиларнинг-да ота-она томон кўнгилдан талпиниб туриши, уларни табиий бир кўрғон санаб, бебаҳо давлатим деб билиши, одамзод учун волидаи мухтарам ва падари бузруквор ўрнини босувчи суянч тоғ, иссиқ бағир ҳеч жойда йўқлигини далиллаб турибди.

Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида "Хотин-

қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", дейилган. Жамиятда эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги нормалар БМТнинг Низоми ва инсон ҳуқуқларига доир бошқа ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган. Бу шундан далолат берадики, хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги муаммоси бутун жаҳонда муҳим аҳамият касб этувчи масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, биринчидан, жинсий мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларининг тенглигини тан олади. Иккинчидан, хотин-қизлар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан банд бўлган шахсларнинг қўшимча кафолатларини назарда тутди.

Оила табиатнинг шоҳ асари, жамиятнинг эса дуру гавҳаридир. У инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, бахт келтиради, шу билан бирга, ҳар бир оила давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ маскан саналади. Чунки жамиятнинг бойлиги бўлмиш болалар оилада ўсади, камол топади. Буюк рус ёзувчиси Лев Толстой таъкидлаганидек, ўз уйида бахтли бўлган кишигина жамиятда ҳам бахтлидир.

Ҳа, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас са-

налган оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчига айлантириш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, мустаҳкам оилани шакллантириш давлатимиз олдида турган устувор вазифалардан биридир. Чунки ҳар бир оила ўзича — рамзий маънода — давлат ичидаги давлат. Унинг ҳам ўз бюджети, маблағи, режалари, ички ва ташқи алоқалари бор. Ички низо ва ташқи таъсирлар оқибатида оиланинг бузилиши атрофдаги кишиларга, ҳатто жамиятга ҳам нохушлик ва ташвиш юқини орттиради. Негаки, минглаб ва юз минглаб оилалар бирлашуви асосида ташкил топган жамият бундан зарар кўради. Зеро, ҳар қандай жамият ва давлат учун оилалар тинчлиги, уларнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши энг муҳим омил. Оила давлатнинг асоси, деган гап шунга ишора. Шундай экан, давлат ва нодавлат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш борасида нимаики қилиш керак бўлса, ҳаммасини амалга ошириши, бунга биринчи даражали вазифа деб қарамоғи лозим.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена семье, как важнейшему институту жизни общества. В статье освещаются фундаментальные и законодательные основы защиты прав и законных интересов членов семьи, деятельность органов прокуратуры в данном направлении.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК — ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, инсонпарварлиги тикланаётганлиги жамиятимизнинг янгилаш ва тараққий эттириш йўлида муваффақиятли равишда олға силжишда ҳал қилувчи таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир. Юксак маданиятни эса, чуқур ички маънавиятга эга бўлган халқ яратади. Ана шу халқгина буюк яратувчанлик қудратига эга бўлади”.

Ўзбек менталитетидаги ўз-ўзига, Ватанига, ота-онасига масъуллик туйғуси, халқимиз тарбиясига садоқат, ор-номус, иффат, ҳаё, виждон, орият, нафсоният, иззат-нафс, ҳалоллик, тўғри сўзлик, назарий билими билан амалиёти сўзи билан ишининг тўғри келиши каби ажойиб инсонпарварлик фазилатларини бошқа халқлар тарбия тизими ва амалиётида учратиш қийин.

Оилада ота-она болаларга Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она Юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, ғоявий тарбиянинг мазмун-моҳиятини, унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, истиқлол йилларида юртимизда қадриятларни тиклаш ва маънавиятимизни юксалтириш бўйича олиб борилаётган улкан ишлар ҳамда бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида тушунчалар бериб бориш лозим.

Оилада ота-онанинг онглилик даражаси, ахлоқи бола шахсининг ижтимоий муҳитда ўз хулқ-атворини бошқара олишига ҳамда ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларини бузган кишиларга нисбатан муносабатини билдира олишига туртки бўлади. Бундай малака ва кўникмаларни фарзандлар қалбида шакллантириш вазифаси аввало оилага ва

ота-онага юклатилади. Оилада ота-оналар фарзандларига меҳмоннавозлик малакаларини ўргатиш билан бирга бевосита меҳмонда ўзини қандай тутиш, овқатланиш, сўзлашув одобларини ҳам ўргатиб борадилар.

Шунинг учун фарзандга илк тарбияни сингдирадиган ота-она ҳамда оиланинг нуроний ота-хонлари, мўътабар онахонларининг ўзлари дунёвий тафаккур ва билимларга эга бўлишлари лозим ва шарт.

Келажак авлод, фарзандларимизнинг фаровон ҳаёт кечирishiлари учун уларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини энг ёшлик чоғидан бошлаб сингдириб боришимиз, ёмон иллатларга қарши курашда ижтимоий фаолликни оширишимиз, жамиятнинг пойдевори бўлмиш ёшларни ҳар томонлама асраб-авайлашимиз бу борада аждодлар меросидан, ўғитларидан ўрнатилган сифатида мунтазам равишда ва ўринли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Жамиятимизда кўп миллатли инсонлар яшайди, шу жамиятда истиқомат қилувчи аҳоли соғлом, етук ва баркамол бўлсагина бундай жамият ҳам гуркираб тараққий этади. Мураббийнинг илмий салоҳияти, тадбиркорлиги, сўз билан ишининг тўғри келиши, ўзини оқилона тутишини, эҳтисосга берилмаслиги, ҳар бир қадамни ўлчаб босиши, ҳар бир сўзини ўйлаб гапириши, андишали бўлиши талаб қилинади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим умумхалқ аҳамиятга молик вазифа эканлигини ҳисобга олиб, ҳар бир шаҳар ва қишлоқларда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш турли касалликларнинг камайишига, миллат вакилларининг узоқ умр кўришига олиб келади. Миллат вакиллари Ватан истиқболи ҳақида иш қилиш билан бирга ўзининг саломатлигини ёшлигидан, мукаммал, узлуксиз ёшига қараб,

организмдаги жисмоний ва ақлий етукликни таъминлашлари лозим. Ибн Сино миллатнинг маънавий салоҳияти ҳақидаги насиҳатларини қуйидагича ифодалайди: «Насиҳат бобида уч мингта сўз ёздим, уч мингтадан уч калимани танлаб олдим. Бу учтадан иккитасини эсда сақлаб ва бирини унутиб юбор. Худони ва ўлим ҳақлигини ёдингда тут, қилган яхшиликларингни унутиб юбор». Ислом нафақат дингина эмас, маданият, маънавият ва ҳаёт тарзининг узвий қисми ҳам. Унинг мағзида тараққиёт имкониятлари, ижодий қувват ва муттасил ҳаракатнинг катта кучи бор». Қуръони карим умумбашарийлик индивидуаллик ва умуминсонийликни акс эттиради. Буюк аждодларимизнинг ибратли меросига таянган ҳолда, ҳозирги замон цивилизацияси туфайли мустақиллик йилларидаги ёш авлодга муносабат ўзгаргани боис мамлакатимизда ёшлар онгида, уларнинг ички оламида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Уларнинг дунёқарашини янада кенгайтириш, онгли, аниқ белгиланган тарғибот ва ташвиқот воситалари асосида улар қалбида миллий меросимизга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш нафақат ота-оналар, мураббийлар, таълим муассасалари ходимларининг вазифалари бўлиб қолмасдан, бутун жамиятнинг ишидир.

Шундай экан, жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, ахлоқий кадриятларни тиклашда таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги кадриятларимиз бизлар учун фақат миллий меросгина эмас, балки маънавий бойлик ҳамдир. Ана шу миллий, ахлоқий кадриятларимизни тиклаш, улардан тўла баҳраманд бўлиш ёш авлодни улар билан таништириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашда одамларда инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари фазилатларни қарор топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена роли семьи в формировании духовного развития человека. Автором освещаются фундаментальные взгляды роли семьи в формировании духовно развитой молодежи, государства и негосударственных, некоммерческих организаций становлении крепкой семьи в нашей стране.

Гавҳар АЛИМОВА,
Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди
Республика бошқаруви раиси ўринбосари

МУСТАҲКАМ ОИЛА ВА БАРКАМОЛ ИНСОННИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ РОЛИ

Оила — жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор-бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболлини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларни инobatга олмаган бўлса. Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан алоҳида тасаввур қилинмайди.

Мамлакатимизда оила барқарорлиги — жамият барқарорлиги сифатида эътироф этилиб, шахснинг оилада камол топиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгадир”, деб белгилаб қўйилган.

Оиланинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Оила, Фуқаролик ва Меҳнат кодексларида, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги каби бир қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Маҳалла ҳам ўзига хос бир оиладирки, унинг аъзолари бир-бири учун масъулдирлар. Ўзини ўзи бошқаришнинг энг ўзбекона усули бўлмиш маҳалла мавқеини ошириш яхши самара беришини ҳаётнинг ўзи исботлади. Аҳолиси ҳамжиҳат бўлган маҳаллаларда тинчлик, ўзаро ҳурмат ҳукм суради, ободончилик ишлари янада авж олади.

Маҳалла бетакрор бирламчи ҳудудий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзини ўзи бошқарув тизими бўлиб, ўз фаолиятига кўра кенг қамровли функцияга эга. Чуқур тарихий илдизга таянган маҳалла демократик пойдеворга асосланган мунтазам ахлоқ-одоб тизимини вужудга келтирди. Мустақиллик йиллари давомида эса маҳаллалар фаолияти бутунлай янгича мазмун касб этди.

Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли ўртасида ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик, меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кексалар, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш каби бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Республикамизда бугунги кунда 9941 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлиб, улардан 8349 тасини маҳалла, 108 тасини шаҳарча, 1334 тасини қишлоқ, 150 тасини овул фуқаролар йиғини ташкил этади. Маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ва турли йўналишлар бўйича жамоатчилик асосида комиссиялар фуқаролар йиғини кенгашида фаолият кўрсатиб келмоқда. Маҳалланинг негизини шубҳасиз оилалар ташкил этади. Оила инсон табиати, феъл-атвори, дунёқарашини гўдаклигидан шакллантирадиган биринчи “жамият” ҳисобланади, шарқда эса қадимдан оила муқаддас кўрғон саналган.

Оилалар осойишталигини таъминлашда, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, ёш авлод таълим-тарбиясида маҳалланинг ўрни бениҳоя каттадир. Маҳаллада ҳар қандай шахс обрўсизланишдан, шаънига доғ тушишидан чўчийди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўз аъзоси ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек, уларни кафиллигига олишдек имкониятлари мавжуд-

ки, бу ҳолнинг ҳам тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Бундан ташқари, маҳаллаларнинг тўй-ҳашам, маросиму маъракаларни ўтказишдаги саъй-ҳаракатлари ва ночор оилаларга кўрсатаётган кўмаги ҳам таҳсинга лойиқдир.

Халқимизнинг руҳиятига, турмуш тарзига ёт бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, турли экстеримистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби иллатларга қарши курашишда ҳам маҳалла таъсирчан кучдир. Шу боис, маҳалла бағрида пайдо бўлган ҳар қандай салбий иллатларга ўз вақтида кенг жамоатчилик таъсирини ўтказиш жоиз. Акс ҳолда бу салбий иллатлар натижасида тарбияси кемтик фарзандлардан нодон оталар, аёл шаънига доғ туширадиган аёллар етишиб чиқиши мумкин. Бу эса маҳалла учун ҳам, жамият учун ҳам хатарлидир. Айти пайтда маҳалла фаолларининг жонбозлиги боис бир қатор жиноятларнинг олди олинмоқда. Адашиб, турли салбий оқимлар таъсирига тушиб қолган ёшлар, айрим тўхматга учраган шахслар маҳалла фуқаролар йиғини аралашуви билан ёруғликка чиқмоқдалар.

Республикамизда 6 млн. 558 минг 266 та оила мавжуд бўлиб, улардан кам таъминланган оилалар 364 минг 892 тани ва боқувчисини йўқотган оилалар 239 мингтани ташкил этади. Боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларда 528 минг 694 нафар вояга етмаган болалар тарбияланмоқда.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақл борки, бу келажак авлодни тарбиялаш ва таълим беришда асрлар давомида оиланинг ўрни беқиёс бўлганлигидан далолат беради. Бу борада миллий кадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка, ҳомийликка ва оила тарбиясига (патронат) олишда оилаларимизнинг ўрни каттадир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, давлатимизнинг маҳаллаларга бўлган эътиборига камарбаста бўлган ҳолда маҳалла фаоллари бир бутун бўлса, улар фаолиятидаги самарадорлик кўлами янада кенгайишига шубҳа йўқ. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини теварагида маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ҳамда маҳалла профилактика нозири, шунингдек, маҳалла кенг жамоатчилиги жипслашиб, ҳамкорликда фаолият олиб боришлари даркор. Улардан ҳар бирининг ўз иш йўналиши мавжуд бўлса-да, пировард мақсадлари яқдил, яъни маҳалла тинч-тотувлиги, осойиш-

талиги ва фаровонлигига эришишдир.

Оилаларда тинчлик ва тотувликни таъминлашда маҳалла фаолларининг, айниқса, маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлаш жоиз. Маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич бўғини бўлиб, унга маҳалланинг фаол, обрў-эътиборга сазовор бўлган турли касбдаги хотин-қизлар жалб этилади. Комиссия таркибида маслаҳат кенгаши ва гуруҳлар иш олиб боради. Улар оила муаммоларини ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ишларини олиб бориш кабилар билан доимий шуғулланадилар.

Маҳалла посбонлари жамоат тузилмаси жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг осойиш-талигини таъминлаш, ёшлар орасида ишсизлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик ва диний экстеримизмнинг олдини олиш, ҳар томонлама ўрناق бўла оладиган ёшларни ўз изидан эргаштириш каби ишларни амалга оширади.

Айнан маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларни бартараф этиш, носоғлом муҳит юзага келган оилаларни аниқлаш ва ёрдам бериш, муаммоли, нотинч оилалар билан яқка тартибда ишлаш ҳамда миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш борасида республикамиз маҳаллаларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият олиб бормоқдалар.

Маслаҳатчилар томонидан республикамиз бўйича ўтган йил давомида 6 миллионга яқин оилаларнинг аҳволи ўрганиб чиқилиб, таҳлил этилди. Ўрганилган оилалардан 483 мингдан ортиги моддий, 470 мингга яқини тиббий ва 894 мингга маънавий ёрдамга муҳтожлиги аниқланиб, зарур чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 380 минг нафар фуқаро ишга жалб қилинди. Шунингдек, 224 мингга яқин моддий ёрдамга муҳтож оилаларга «Маҳалла» жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 6,5 млрд. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Маҳаллаларда оилавий зиддиятлар ва ажрим ҳолатларининг олдини олиш мақсадида «Яраштириш комиссияси»нинг иш фаолияти ҳар чоракда таҳлил этилиб, зарур чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда. Хусусан, республикамиздаги мавжуд фуқаролар йиғинларида оилавий келиш-

мовчиликлар юзасидан 36 мингга яқин фуқароларнинг аризалари кўриб чиқилган. Шундан 33,5 минг оила муҳокама этилиб, 5260 оиланинг нотинчликларига барҳам берилган, 3862 оила ички ишлар бўлими ҳисобига олинган. 21 мингга яқин оилаларни яраштиришга эришилган. Жумладан, маҳалла фаоллари ҳамкорлигида олиб борилган тадбирлар натижасида ўтган йил мобайнида республикамиз ҳудудидаги 3924 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганлигини алоҳида эътироф этиб ўтиш лозим.

Маҳаллалар томонидан 2011 йил давомида ажралиш ҳолатларининг сабаблари таҳлил этилганда, 3739 та оилада ўзаро келишмовчиликлар, 792 та оилада моддий етишмовчилик, 503 та оилада ичкиликбозлик ва бошқа турли сабабларга кўра ажралиш ҳолатлари қайд этилган. Ажралишлар сонининг кўпайишига, айниқса, ёш оилалар ўртасида никоҳларнинг бузилиш ҳолатлари ҳамда шаръий никоҳлар сонининг ортиши, йигит-қизларимизнинг ҳаётга руҳий жиҳатдан тўлиқ тайёр эмаслиги, никоҳ мажбуриятларига, умуман ҳаётга енгил қарашлари, масъулиятсизлик ҳисси мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Бу борада таълим муассасаларида ёшларда масъулият ҳиссини уйғотиш, ҳаётдаги вазифалари, мажбуриятларини тушунириш ҳамда руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш ишларини жонлаштириш зарур.

Шу билан бирга, никоҳ ўқиш даврида масжид имомларининг масъулиятини ошириш, никоҳ ўқишдан аввал икки ёшни масъулияти, мажбурияти ва бурчи ҳақида шаръий нуқтаи назардан тушунчалар берилиши мақсадга мувофиқ.

Оила ва маҳаллада соғлом муҳит мавжуд бўлгандагина уларда ҳар томонлама баркамол инсон шаклланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятнинг инсонпарварлиги кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, ёлғизларга, етимларга, ночор кишиларга бўлган меҳр-мурувватда, эътиборда намоён бўлади.

Оила ва маҳалла доирасида фуқароларни, айниқса, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашда ахлоқий кадриятлардан фойдаланиш ва оиладаги маънавий-маърифий муҳитни мўътадиллаштириш катта аҳамиятга эгадир. Ёшларни тарбиялашда ахлоқийликка ўргатиш ахлоқан ва маънан юксак бўлиш, умуман тазйиқни, куч ишлаштиришни рад этади. Маъмурий тазйиқ, жамиятдаги адолатсизлик ҳолати бўлса, бу ёшларни ҳам, катталарни ҳам ёт таъсирлардан асраб қололмайди.

Гарчи кўп йиллардан буён гапирилса-да, буғунги кунга қадар ҳар бир маҳаллада аҳолига энг

зарур тезкор ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимли равишда ва доимий асосда йўлга қўйилмаган. Ушбу масалада ҳам маҳаллага маҳаллий ҳоқимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орқали ёрдам бериш муҳим вазифа ҳисобланади. Чунки маҳаллада фаолият кўрсатиб келаётган маҳалла фаоллари турли касб эгалари бўлиб, аксарияти ҳуқуқий билимга эга эмас. Маълумки, фуқаролар маҳаллага мурожаат этганда, турли муаммолар ечимини топишда кўмак излайди. Бундай ҳолларда, албатта, ҳуқуқий маслаҳат бериш зарур бўлади.

2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номланиши маҳаллалар зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклайди. Айниқса, Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида **“Мустаҳкам оила”** деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёслиги ҳақида гапириб ўтдилар. Шунингдек, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир деб таъкидлашлари замирида чуқур ва тегиз маъно бор.

Президентимиз ўз маърузаларида маҳаллага “Маҳалла — халқ виждони” дея берган баҳолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига янада юксак масъулият юклайди. Чунки, маҳалла ўз ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун масъулдир.

Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз асосини ташкил этган ёш оилаларни соғломлаштириш учун тарғиботни, энг аввалло, оиладан, қолаверса, барчамиз учун «ватан ичра ватан бўлган» маҳалладан бошлаш керак. Чунки, соғлом турмуш тарзини оилада тўғри йўлга қўйса, шу оила аъзоси саломатлик энг биринчи даражали эканлигини тушуниб этади. Бир оила тушуниб етган ҳақиқатни шу оиланинг бошқа яқинлари, қариндош-уруғлар, кейинчалик ёру биродарлар, ниҳоят, кўни-кўшнилари тушуниб этади.

Соғлом авлодни тарбиялаш вазифасининг пировард мақсади миллатнинг ҳар томонлама баркамоллигини таъминлашдан иборат. Соғлом миллат эса буюк давлатни, мукаммал, эркин фуқаролик жамиятини бунёд этади.

Оилаларни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва таъсирини ошириш бўйича қуйидаги таклиф-

ларни амалга ошириш бу борадаги истиқболга эришишда муҳим ўрин тутди деб ҳисоблаймиз:

— ота-оналарнинг оилада фарзандлар тарбиясидаги масъулиятини ошириш, фарзандларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига оиланинг муқаддаслиги каби тушунчаларни сингдиришда оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўрни ва таъсирини кучайтириш;

— ҳар бир фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи нотинч, муаммоли оилаларнинг, айниқса, ота-онасидан маҳрум бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган фарзандлар учун яратилган шароитларни ўрганиб бориш, таҳлил этиш;

— жойлардаги тарғибот ва тушунтириш ишларини асосан аҳолининг заиф қатламлари орасида ташкил этиш, хусусан асосий эътиборни биринчи галда фарзандлари тарбиясига масъулиятсиз бўлган оилалар никоҳ ёшига етмаган ёки оила қуришга тайёр бўлмаган қизларни турмушга беришга мойил бўлган оилалар билан ишлашга қаратиш;

— ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнидан четда қолаётган ўқувчи қизлар ва эрта турмушга чиққан ёш келинларнинг ота-оналари ва қайнота-қайноналари билан тушунтириш ишлари олиб бориш, уларни таълимга жалб этиш;

— ёшларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ва жамият учун зарарли бўлган хатти-ҳаракатларини келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш ва таҳлил этиш, ота-онасидан маҳрум бўлган болаларни қариндош-уруғлари қарамоғи ҳимоясига олиш каби ибратли миллий ўрф-одатларимизни тарғиб қилиш;

— маҳалла ҳудудида жойлашган ва сўнгги йилларда бир мунча камайиб бораётган жамоатчилик кутубхоналари, маданият уйлари, клублар фаолиятини ривожлантириш, аҳоли ўртасида бадий ҳаваскорлик тўғрисида ташкил этиш;

— маҳалла фуқаролар йиғинларида, ўқув ва таълим муассасаларида “Ҳуқуқий маслаҳатхона”ларни ташкил этиш;

— маҳаллаларда ичкиликбозликка, гиёҳвандликка ружу қўйганлар, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарлик содир этувчиларни ва фарзандларининг тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни маҳалла фуқаролар йиғини кенгашида муҳокама қилиб, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

— оилавий шифохоналар ва қишлоқ врачлик пунктлари қошида ёшларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллиги даражасини, шунингдек, муаммоларини ўрганувчи руҳий-диагностика марказлари ташкил этиш.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена роли органов самоуправления граждан в формировании крепкой семьи и духовного развития человека. Автор подробно освещает деятельность органов самоуправления граждан и института махалли, направленную на укрепление семьи и формирование духовного развития их членов. В статье приводятся статистические данные и практические примеры вышеуказанной деятельности.

Аҳмад ИСМОИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори ўринбосари

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ЎРНИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда оила тўғрисида шундай деган эдилар: “Мамлакатимизда оила институти ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганлигини таъкидлаш керак”.

Маълумки, оила муҳим ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида жамиятга, унинг негизлари, турмуш тарзининг қарор топишига бевосита таъсир кўрсатади, чунки бўлғуси шахс айнан шу оилада камолга етади, унинг дунёқараши, руҳий-маънавий фазилатлари шаклланади. Оиладаги маънавий-ахлоқий клим, одатда, эр-хотиннинг ўзаро муносабати, тенглиги, бир-бирини тушуна олишидан таркиб топади. Шу боис, эндиликда, оила аъъанавий тасаввурлар доирасига сиймаслиги, яъни унинг аъзолари бир-бири билан эркин мулоқотда бўлиши, инсоний қадр-қимматига заррача бўлса ҳам путур етказилишига йўл қўйилмаслиги, бўш вақтидан хоҳишига кўра фойдаланиши, кундалик иш, ўқиш, ижтимоий фаолият, бола тарбияси ва уй-рўзғор масалаларида тенг иштирок этиши замонавий турмуш тарзининг кўзга ташланадиган жиҳатларидир. Эътиборлиси шундаки, улар оиланинг мустаҳкамлик даражасини ифодалайдиган мезон тариқасида ҳам қаралади.

Оиланинг бундай кўринишдаги мувозанатини бузилишига турли ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин. Айнан ушбу эътибордан четда қолган айрим нохуш ҳолатларнинг олдини олиш жамиятнинг барча институтлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари сирасига киради.

Биринчидан, эски урф-одатларни қайта тиклаш тенденцияси, жумладан, кўп хотинликни легаллаштиришга, аниқроғи диний “никоҳ” ўқитиш йўли билан иккинчи хотин билан турмуш қуриш давомида туғиладиган фарзандларнинг юридик маънода ҳимоя қилиш ҳуқуқларидан маҳрум қилади, зеро уларни

давлат хизматларида ФХДЁ расмий рўйхатдан ўтказиш имкони чегараланади.

Иккинчидан, оиладаги ҳуқуқбузарлик, муносиб турмуш кечириш, шахсий дахлсизлик, соғлиқ-саломатлик ва эркинлик учун бўлган ҳуқуқни йўққа чиқаради. Уйдаги жисмоний, ахлоқий ва маиший ҳуқуқбузарлик нафақат аёлга, балки болаларга нисбатан ҳам амалга оширилади. Фарзандларни ота-онасига ўтказадиган тазйиқ ҳолатлари жисмоний калтаклаш, жароҳат етказишлар билан бир қаторда, оила аъзоларини руҳий эзилишига, узоқ муддат давомида оилада хавф соладиган психологик муҳит сақланиб қолишига замин яратади.

Кўпгина ҳолларда уйланган фарзандлар ота-онаси билан бирга яшаши ва умумий рўзғор юритилиши мазкур оилаларда муҳитни мураскаблаштиради, тарбиявий ва ижтимоий-иқтисодий кўринишдаги кескинликларга олиб келади. Баъзан шунга ўхшаш ва ҳақоратли оғир вазиятлар аёл ёки болани ўз жонига қасд қилишига, яъни ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказишга туртки бўлиб хизмат қилади.

Жамият оиладаги ҳуқуқбузарлик муаммосига алоҳида олинган оиланинг иши, фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашув деб қараш аёл ва болаларга нисбатан содир этилган муносабатларнинг яширин бўлиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Ваҳоланки, ҳатто вояга етмаган ёшда никоҳдан ўтган, оиладаги тенгсизлик юзага келган, оиладаги молиявий босим, оилавий можаролар мавжуд бўлган, кўп фарзандли оилалар, фарзандсизликка дучор бўлган, кўп хотинликка йўл қўйилган ёки ўз умрини яшаб бўлган урф-одат ва аъъаналарга қаттиқ амал қиладиган оилалар ҳам ҳуқуқбузарлик амалга ошириладиган оилалар каби криминологик хусусиятлари билан ажралади.

Учинчидан, меҳнатга оид қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганларнинг қонунларда кафолатланган меҳнат ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш долзарб вазифалардандир.

Бу борада давлат ташкилотлари, корхоналар маъмурияти билан бир қаторда хусусий тижорат соҳа-

сида тузиладиган меҳнат ёки жамоат шартномаларда уларнинг ҳуқуқларини камситадиган, хусусан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганга қараганда ёмонлаштирадиган шартларни киритиши нафақат ходимнинг, балки унинг оила аъзолари манфаатларига салбий таъсир этиши диққатга сазовордир.

Тўртинчидан, бозор иқтисодиёти оиланинг эҳтиёжини кун сайин кўпайиб боришига ва уни қондириш мақсадида, шу жумладан, аёлларни анъанавий жиноят турлари билан бирга **ўғирлик, фирибгарлик, одам савдоси, контрабанда, туғиладиган фарзандларини сотиш, гиёҳвандлик воситалари** билан боғлиқ жиноятлар содир этишдаги иштирокчилиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эътиборида бўлишини тақозо этади.

Бешинчидан, оилада фарзанд кўрган аёлларни ўқув юртларида уй юмушларини ўқиш билан кўшиб олиб боришга доир имтиёзлар ва уларга нафақаларнинг ўз вақтида берилиши, “Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун нормаларида назарда тутилган малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, ёш оилаларга мўлжалланган кредитларнинг ажратилиши, оила замирида ташкиллаштирилган хусусий корхоналарни фаолият кўрсатишининг аҳволини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда: “Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш, моддий, маънавий ва бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлантириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш аёл зотининг оғирини енгил қилиш билан баробар”.

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари БМТнинг Аёллар ҳуқуқларини дискриминация қилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция қоидаларига ҳамоҳанг бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, аввало, ички ишлар ва прокуратура органлари ходимларини ҳамда судьяларни хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда инсон ҳуқуқлари концепцияси билан бевосита танишишига даъват этади. Чунки, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозоларни билиш ва уларга амал қилиш, бу борада айнан зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши шарт бўлган ходимларнинг малакасини оширишга ёрдам беради.

Албатта, ички ишлар тузилмалари хотин-қизларга нисбатан куч ишлатишнинг олдини олиш юзасидан бир қатор ташкилий ва амалий чора-тадбирларни амалга оширган, ҳаттоки, ижтимоий-ахлоқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи бўлимлар фаолияти тўғрисида махсус йўриқнома

тасдиқланган. Бироқ, оила соҳасининг ёпиқлиги, уйдаги ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган аёлларнинг шахсий дарду-аламларини ошкор этиши, шу жумладан, болаларига нисбатан амалга оширилган жисмоний тазйиқлар юзасидан ҳар доим ҳам ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларига мурожаат қилишни хоҳламаслиги, ушбу ҳақдаги статистика умумий тавсифланмаса жисмоний тазйиқ объекти бўлган аёл ва болаларни аниқлаш ва сонини белгилаш орқали ҳақиқий ҳолатни ўрганиш имконини чеклайди.

Шу тариқа БМТни Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг 1995/85 резалюциясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга зўравонлик қурбонларига ва бундай ҳаракатни содир этган шахсларга:

— психологик ёрдам кўрсатиш, улар билан иш олиб боришга қодир маслаҳатчиларни тайёрлаш тизимини ташкил этишни;

— ички ишлар орган ходимларига оиладаги зўравонлик содир этилганлигига бирор-бир шубҳа пайдо бўлганда зудлик билан тегишли чоралар қўллашни, ҳар бир мурожаатга тезкор равишда жавоб беришни;

— шикоят қилувчи аёл оиладаги зўравонлик ҳақида хабар берса, ҳодиса содир бўлган жойга дарҳол етиб боришни;

— худди шу мазмундаги ҳаракатлар шикоят билан мурожаат қилган аёл зўравонлик қурбони бўлмасдан, фақат бунинг гувоҳи ёки жабр кўрганнинг дўсти (дугонаси), қариндоши ёхуд соғлиқни сақлаш хизмати вакили бўлган тақдирда ҳам амалга оширишни ва тегишли равишда расмийлаштириш тартиби тавсия этилади.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда оилавий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ўта долзарб масала бўлганлиги боис, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар бу борада халқаро нормалар асосида алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиши мантиқан тўғри бўлар эди.

Оила эркин, ҳар томонлама камол топиши учун фарзандларни тарбиялашда уларнинг қизиқиш доирасини белгилаб олиш, бевосита ўрганиш, ҳар томонлама вояга етишида, қайси ахлоқий кадрият асос қилиб олинishi, вояга етган оила аъзоларига юзага келган муҳит таъсир қилиш даражасини ўрганилиши ҳам талаб этилади. Шунингдек, оила аъзоларини қонун олдидаги тенг ҳуқуқчилигини, таълим олиш ва иш билан бандлик соҳаларида тенг имкониятларга эга бўлиш, никоҳдан ўтишда ва эр-хотиннинг ажралишида тенгликни таъминлаш ҳамда оиладаги тазйиқлардан холи бўлиш ҳуқуқи кафолатланишида адолия тизимини ташкил қиладиган органларнинг ўрни алоҳида эътиборга сазовор.

АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы, касающиеся роли правоохранительных органов в формировании и укреплении института семьи. Автором проводится подробный анализ правоприменительной практики в сфере формирования крепкой семьи в нашей стране и направление ее деятельности. В статье также исследуются международно-правовые основы защиты прав членов семьи.

**Муҳаммадкарим ЮЛДАШЕВ,
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва
юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари**

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида оиланинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом оила вужудга келиши учун барча ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, оила маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларни тизимли, босқичма-босқич амалга ошириш стратегияси белгилаб олинди.

Мамлакатимиз раҳбари “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида “...биз мустақиллик даврида оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз¹”, деб таъкидлаган эди. Оилага бундай муносабатда бўлиш шу заминда яшаётган, унинг озодлиги, ободлиги, фаровонлигини кўз қорачиғидек асрашга аҳд қилган онгли фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Оилани мустаҳкамлаш дунё миқёсида бош масала даражасига кўтарилган муаммолардан биридир. Оилалар аҳиллиги ва мустаҳкамлигига эришиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги йиғилишида 15 майни ҳар йили Халқаро оила куни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундан буён бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам Халқаро оила куни кенг нишонлаб келинади. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда оила тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, жамиятда тутган ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, барча ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлаш лозим. Айниқса, аёллар ва болалар манфаатлари, саломатлигини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида ҳам оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган.

Оила кодекси ҳамда юздан зиёд қонунлар ва

бошқа норматив ҳужжатларда оила манфаати, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида эътироф этилган. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан юртимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш, ҳуқуқий асосларини барқарорлаштириш бўйича талай ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг республика Президенти сифатида чиқарган энг дастлабки Фармони ҳам кўп болали оналарнинг нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида эди².

Янги томорқа участкаларига ёки мавжуд томорқа участкаларини кенгайтиришга муҳтож бўлган оилаларга ер участкалари ажратишга оид 1991 йилнинг 18 мартда имзоланган Президент Фармонининг³ мазмун-моҳияти ҳам қишлоқларда яшовчи кўплаб оилаларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган эди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони⁴ билан камида 500 оила истиқомат қилаётган маҳаллаларда, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Бу эса, маҳаллалар зиммасига юкланган оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда, хотин-қизлар, ёшлар ўртасида ахлоқий тарбия ва оила мустаҳкамлиги масалалари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш каби масъулиятли вазифалар ечими йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони⁵ ёш оилаларга янги имкониятлар яратиш, уларнинг оила учун масъуллик ҳиссини оширди, десак муболаға бўлмайди.

Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори⁶ ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларда соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи перинатал ва скрининг марказлари ташкил этиш борасидаги умумдавлат чора-тадбирларини рўёбга чиқариш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тиббиёт муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан кенг чора-тадбирлар комплексини, шу жумладан, оилада ва жамиятда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш юзасидан тушунтириш тадбирларини бажариш мақсадида қабул қилинди.

Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги қарори аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол ёш авлодни вояга етказиш учун яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди⁷.

Мазкур норматив ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат оиладаги соғлом муҳитни шакллантиради, балки оиланинг мустаҳкам ҳуқуқий таянчи бўлиб ҳам хизмат қилади.

Тарихдан шу нарса маълумки, ота-боболаримиз оилага жуда катта эътибор берган. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий сингари буюк алломаларимизнинг асарларида ҳам оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бола тарбиясида ота-онанинг, оиланинг ўрни масаласига алоҳида аҳамият қаратилган. Ибратли ҳикоятлар, ривоятлар, фарзандларига мактублар, ҳикматли сўзлар орқали насихатларини, ҳаётий хулосаларини ёзиб қолдирганлар.

Ўтган асрнинг бошларида яшаган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби маърифатпарвар зиёлилар баркамол авлодни тарбиялашнинг ягона чораси — оила асосларини тўғри қуриш эканини, оилани мустаҳкамламасдан жамият тараққиётига эришиб бўлмаслигини таъкидлаганлар.

Абдурауф Фитратнинг “Оила” рисоласида оила қуришнинг асл мазмуни, ота-она ва фарзанд ҳуқуқлари, оилавий муносабатлар масаласи батафсил ёритилган. Абдурауф Фитрат шундай ёзади: “Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чакқон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-қимматини, шаънини ҳурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шунинг билан бирга, ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ

керак. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”.

Назаримизда, оила қураётган ёшларга оилавий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, оила қонунчилиги асослари, соғлом турмуш тарзи, фарзандлар тарбиясига оид билимларни ошириш ва бу борада олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Зеро, оила саводхонлиги, оила қонунчилиги, эр ва хотиннинг вазифаси, масъулияти, тиббий маданият каби тушунчаларни тўлиқ англаш кундалиқ турмушда учраб турадиган турли хил тушунмовчиликларнинг олдини олади ҳамда келишмовчиликларни бартараф этади.

Дунё миқёсида оила муаммоларига бағишланган биринчи илмий экспедиция ғарбда 1889 йилда бошланган эди. Олимлар ва мутахассисларнинг бу илмий изланишлари салкам 100 йил мобайнида босқичма-босқич ўтказилган. Ўтган давр мобайнида шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир оила ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш анъаналарига эга ижтимоий институт бўлиб, Лев Толстой “Анна Каренина” романида ёзганидек, “Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг ҳар бири эса алоҳида бахтсиздир”. Лекин олимлар айнан “алоҳида бахтсизлик”ка эътибор қаратадиларки, бундан мақсад жамиятда ана шундай оилаларга барҳам беришдир⁸.

Оилада, умуман жамиятда ҳуқуқбузарликларга, хусусан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларига барҳам беришнинг энг муҳим омили, бу ўзаро оилавий муносабатлардир. Ушбу муносабатлар оилада юксак ҳуқуқий маданият, маънавий онг, миллий қадриятлар ва илмий-диний маърифатнинг қай даражада қарор топтирилиши билан узвий боғлиқ. Бунинг учун эса, оилада ота-она, айниқса, аёл ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий маърифат соҳибаси бўлиши лозим⁹. Чунки она оиладаги тарбиянинг асосий субъектидир. Она оилада бола тарбияси билан шуғулланганда, ҳар бир оила аъзосининг вазифаси, унга масъулиятини тушунтириш билан бирга ота-она, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш ҳиссини тарбиялаб боради. Оилада ўтказиладиган тадбирлар, қариндош-уруғлар ва маҳалладош (қишлоқдош)лар билан ўзаро мулоқотда ҳар бир фарзанд ўзининг ҳуқуқи, бурчи, вазифаси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади.

Оилада вояга етмаганлар ҳуқуқий тарбиясини амалга оширишнинг яна бир воситаси уларда китоб ўқишга муҳаббат уйғотишдир. Ҳозирги интернет ривожланган даврда вояга етмаганларда китоб ўқиб, реферат ёзгандан кўра, интер-

нетдан тайёр реферат ёки курс ишини кўчириш имкониятининг мавжудлиги вояга етмаганларнинг ўз устида ишлаш қобилиятини сусайтириб, боқи-мандаликка берилишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Оилада вояга етмаганларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тарбиявий муаммо сифатида ўрганиш, ота-оналар ҳуқуқий саводхонлиги мониторингини ўтказиш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг келиб-чиқиш сабаб-шароитлари, олдини олиш имкониятларини ҳуқуқий тарбия мезони сифатида ўрганиб, қуйидагиларни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз. Жумладан:

— оилада вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятининг ижтимоий-педагогик хусусиятларини аниқлаш;

— оилада вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мезонларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш;

— оилада вояга етмаганлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг педагогик моделини яратиш.

Бундан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинган 2010 йилда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган

норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди¹⁰. Хусусан, Юртбошимиз томонидан 2010 йил 29 сентябрда имзоланган ва 30 сентябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни¹¹ бевосита “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”-ги Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мамлакатимизда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши мустақиллик йилларида оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича олиб борилган ишларнинг мантикий давоми бўлиб, мазкур йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан юқори босқичга олиб чиқади. Шунингдек, оилага, шу жумладан болалар ва ёшлар тарбиясига нисбатан эътибор янада кучаяди. Зероки, Президентимиз таъбири билан айтганда, “...оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир¹²”.



АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы роли семьи в формировании правового государства и демократического общества. Автором проанализированы фундаментальные основы формирования крепкой семьи и духовности человека, а также национальная правовая база и международный опыт в данной сфере.

¹ Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент, 2008. — 57-бет.

² Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 25-27-сон, 317-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 3-сон, 35-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 251-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 192-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 199-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 27-сон, 311-модда.

⁸ Каримова В. Оила — муқаддас даргоҳ / Нуқуқ ва бурч. — 2011. — № 5.

⁹ Шаропов Ж., Қурбонова Г. Онанинг кўнгли болада ...аёлнинг оила муҳитига ижтимоий таъсири // Хаёт ва қонун. — 2005. — № 5—6. 73-бет.

¹⁰ Каримов И. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир / Халқ сўзи. — 2010 йил 8 декабрь.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.

¹² Каримов И. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент, 2008. — 58-бет.

Хафиза МАМАДАЛИЕВА,
Республика “Оила” илмий-амалий маркази
директори ўринбосари

ОИЛА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимизнинг **“Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”** номли маърузасида оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш, соғлом ва мустаҳкам оила, биринчи навбатда, янги қурилаётган ёш оилалар масаласини давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллаларимизнинг доимий эътиборида турадиган устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-моддасига мувофиқ, «Оила — жамиятининг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли». Декларацияда оиланинг бундай таърифланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида расмий равишда ўз аксини топди.

Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, Конституцияда алоҳида 14-боб “ОИЛА” деб номланган бўлиб, ундаги 63-66-моддаларда оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгадир, дейилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила институтини амалда мустаҳкамлаш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг қонуний базаси яратилиб, оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 майдаги ПФ-1-сон Фармони «Кўп болали оналарга нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги, 1993 йил 4 мартдаги «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги, 1994 йил 23 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид

тадбирлар тўғрисида»ги ва 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб — қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонлари фикримизнинг яққол далилидир.

1998 йилда қабул қилинган Оила кодекси мукамал ҳужжат бўлиб, унда оила муаммоларига давлатимиз томонидан берилётган эътибор, жамиятнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий юксалишидаги оиланинг ўрни ва улғайиб келаётган ёш авлоднинг тиббий, маънавий тарбиясини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти тўла-тўқис акс эттирилган. Кодексда, шунингдек, оиланинг муҳим вазифаси сифатида ўзаро меҳр-муҳаббат, ишонч, ҳурмат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ҳамда оила аъзоларининг оила олдидаги масъулияти, оилавий муносабатларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш эканлиги қайд этилган.

Аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрнини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг родини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда унинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 май кунги қарори хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва салоҳиятини юксалтириш, уларнинг жамиятда маънавий ва маданий ҳаётидаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, хотин-қизлар ташкилотларига қарорларни қабул қилиш жараёнида иштирок этишларига ҳамда республикада ўтказилаётган ислохотларда фаол иштирок этиш имконини берди.

Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркалар билан тенг ҳуқуқли эканликлари эътироф этилган. Шу сабабли ҳам бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиладаги ўрни-

ни мустаҳкамлаш борасида миллий механизм муваффақиятли ишлаб турибди.

Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар билан бирга қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар жумласига — Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2002 йил 25 январдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2002 йил 25 январдаги «2002-2003 йилларга мўлжалланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини манзилли ҳимоя қилиш Дастурини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги, 2004 йил 7 сентябрдаги «Республика болалар ижтимоий мослашув марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарорларини мисол қилиш мумкин. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, ёш оила унда тарбияланаётган ёш авлод учун талай имтиёз ва ривожланиш учун имкониятлардан ташқари, ёш оилаларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун ғурур ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакиллариغا ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан, никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш барча мутасадди давлат органлари ва ташкилотларининг энг муҳим вазифаси қилиб белгиланди ва уларнинг моддий асослари ҳам яратилди.

Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ислохотлар кўламини ҳамда ўсиб келаётган авлодга берилаётган эътиборни янада ошириш бола ҳуқуқларини ҳимоялашни мутлақо янги босқичга кўтариш учун 2008 йилда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Давлатимиз томонидан кўрилаяётган ана шу чора-тадбирлардан асосий мақсад биринчи навбатда оилани, унда тарбия топаётган болаларни ҳар қандай шароитда ҳар доим ҳимоя қилиш,

мақсадли ёки манзилли кўмакка муҳтож бўлганларга ёрдам бериш ижтимоий ҳимоя қилиш орқали соғлом авлодни вояга етказишдир.

Оиланинг саломатлигини сақлаш давлатимиз томонидан қўйилган энг асосий вазифаларидан биридир. Бунга мисол, 2009 йил 1 июлда қабул қилинган “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қароридир.

Таърифлардан кўриниб турибдики, оилани ҳам ижтимоий ҳам ҳуқуқий маънода тушуниш мумкин. Оила ижтимоий-табиий ҳодиса сифатида ҳуқуқий қоидалар воситасида таркиб топади ва мустаҳкамланади.

Оила жамиятнинг ижтимоий тузилмасининг дастлабки ва бирламчи бўғинидир. Ижтимоий ҳаёт оиладан бошланади.

Оила — инсонларнинг тиббий-биологик, никоҳ, қон-қариндошлик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳдур.

Оила пайдо бўлиши ва ривожланишини илмий жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатадики, оиланинг ташкил бўлишида асосий омил — никоҳ ҳисобланади. Жамият тараққий этиб бориши билан унинг шакли ўзгариб, ўзи эса мустаҳкамланиб боради.

Аҳолининг такрор кўпайишида янги ташкил этилаётган оилалар сони билан бир қаторда келин-куёвларнинг ёши ҳам катта рол ўйнайди. Амалдаги қонунларда никоҳдан ўтувчиларнинг энг кичик ёши йигитлар учун 18 ёш, қизлар учун 17 ёш қилиб белгиланган.

Таҳлиллардан маълумки, охириги йилларда йигит ва қизларнинг бир мунча кечроқ оила кура бошлаганлиги кузатилмоқда. Оила қурган қизларнинг асосий қисми (84%) 18-24 ёшга мансубдир.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига мувофиқ, никоҳни бекор қилиш эр-хотиндан бири ёки иккаласининг аризасига биноан суд идоралари ва вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФХДЁ) томонидан расмийлаштирилади.

Охириги йилларда ажралишлар сони ва бунинг сабаблари таҳлил қилинганда, ажралганларнинг кўпчилиги ёш оилалар бўлиб, уларда ҳаётий кўникма ва тажриба йўқлиги, оила қуришдаги

ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етуқлигининг паст даражадалиги маълум бўлган.

30 ва ундан катта ёшдаги эркаклар орасида ажралишлар салмоғи ортганлигининг асосий сабабларидан бири — эркак ва аёл дунёқарашининг мос келмаганлигидадир, яъни кўп ҳолларда маълумотли, касбга эга эркак ота-онасининг хоҳиши билан ёш қизга уйланиб, битта-иккита фарзанд кўриб, улар катта бўлгунга қадар муроса қилиб яшаб келишади. Асосий сабаблардан яна бири — айрим эркаклар оиласини моддий жиҳатдан таъминлай олмаслигидир.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, оилаларнинг ижтимоий ҳаётга бўлган кўникмаларини ошириш ва оила муаммоларини комплекс тадқиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги қарорига асосан Республика «Оила» илмий — амалий маркази ташкил этилди.

Қарорга кўра, оилага тааллуқли бой анъана-

ларимизни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш Республика «Оила» илмий-амалий марказининг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб аталиши оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларнинг меҳнат қилиб, жамоат ишларида фаол қатнашиш ва уни оналик билан боғлаб кўшиб олиб бориши учун қулай шароитлар яратиш, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазасини янада ошириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилани барқарор ривожланишини таъминлаш — оила масаласини республикада давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам государственной политики защиты семьи. Автором обзреваяются конституционные, законодательные и подзаконные нормы, направленные на всестороннюю защиту семьи в нашей стране, приводятся статистические данные, отражающие основные тенденции формирования и укрепления института семьи.

Аҳрор АБДУЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бўлим бошлиғи

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТНИНГ ЎЗARO УЙҒУНЛИГИ ВА НИСБАТИ

Даъвони таъминлаш институти борасидаги хорижий давлатлар тажрибаси миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган муайян хулосаларга келиш имконини беради. Шу боис, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, АҚШда позитив ҳуқуқ доирасида қабул қилинган қонун ҳужжатларида превентив хусусиятга эга бўлган (preventive injunctions), мажбурлов чораларини кўришга асосланган суд ҳимояси воситаларидан фойдаланиш имконияти назарда тутилган¹. Суднинг превентив фармойишлари аризачининг ҳуқуқлари келажакда бузилишининг олдини олишга қаратилган², яъни Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тартиботидаги превентив мақсадда даъвони таъминлаш билан айна бир вазифани бажаради. Фуқаролик процесси федерал қоидалари (FRCP) 65-қоидасининг (b) бандига мувофиқ, суд тўғридан-тўғри ва тузатиб бўлмайдиган зарар етказилишининг олдини олиш учун вақтинчалик чеклаш тўғрисида буйруқ чиқаради. Ушбу буйруқ суднинг уч асосий фармойишларидан бири ҳисобланади³.

Германияда даъвони таъминлаш механизмларининг превентив функцияси дастлабки суд тақиқларини чиқариш орқали амалга оширилади (einstweilige Verfügungen (§ 31 ZPK, BRK)); бизни кизиқтираётган мақсад учун, энг аввало, тартибга солувчи (Regulungsverfügungen (§ 940 ZPK, BRK)) ва суд амалиётида шаклланган ижроия (Leistungsverfügungen oder Befriedigungsverfügungen) фармойишлари диққатга сазовордир. Тартибга солувчи тақиқларни қабул қилиш жиддий зарар етказилишининг олдини олиш ва ишлатилиши мумкин бўлган зўрликка қаршилик кўрсатиш учун зарур⁴. Ижроия фармойишлари иш бўйича қарор чиқарилгунга қадар даъвогарнинг моддий-ҳуқуқий талабларини дастлабки тарзда бажаришга қара-

тилган.

Швейцарияда қонунчилик ва таълимот даражасида einstweilige Verfügung билан бир қаторда эҳтиёткорлик чоралари (vorsorgliche Maßnahmen)⁵ тушунчаси ҳам амал қилади, бироқ мазкур чоралар ҳам суд фармойишларига мувофиқ кўрилади, шу туфайли ҳам кўпинча гап айнан суд фармойишлари ҳақида боради. Бу ерда ҳам худди Германиядаги каби моддий-ҳуқуқий даъвони таъминлаш доирасида дастлабки мажбурий ижро (vorläufige Vollstreckung)⁶ билан бир қаторда, аксарият кантонларнинг фуқаролик-процессуал кодексларида⁷ суд фармойишлари зарарни қоплашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омил мавжуд бўлган ҳолда чиқарилиши тўғрисидаги қоида ҳам таърифланган⁸, яъни превентив вазифа қонун йўли билан мустаҳкамланган.

Суд ҳимоясини дастлабки тарзда амалга ошириш тартибида суднинг бўлғуси ҳал қилув қарорини муддатидан илгари ижро этиш Австрия, Германия, Франция, АҚШ ва Швейцария позитив ҳуқуқида тўғридан-тўғри назарда тутилган. Айна пайтда ушбу чора мазкур мамлакатларда нашр этилган ҳуқуқий адабиётларда низони моҳияти бўйича ҳал қилиш воситаси сифатида қаралмайди.

Бу борада МДҲ давлатлари қонунчилигига мурожаат этадиган бўлсак, Беларус Республикасининг 1999 йил 11 январда қабул қилинган Фуқаролик-процессуал кодексининг 25-боби “Даъвони таъминлаш” деб номланган. Унинг даъвони таъминлаш асосларига оид 254-моддаси гарчанд, миллий қонунчилигимизга ўхшаш бўлсада, унинг ўзига хос жиҳати сифатида даъвони таъминлаш фақатгина биринчи инстанция судлари томонидан амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиш мумкин.

Беларус ФПК 225-моддаси ва ЎзР ФПК 249-моддасида бир хил турдаги даъвони таъминлаш

чоралари кўзда тутилган. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби ҳам ЎзР ФПК (250-модда) ва Беларус ФПКда (256-модда) бир хил қилиб белгиланган⁹.

Молдова Республикасининг 2003 йил 30 майдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг 13-боби ҳам “Даъвони таъминлаш”га бағишланган¹⁰. Унинг даъвони таъминлаш асосига оид 174-моддаси Ўзбекистон Республикаси ФПКда белгиланган даъвони таъминлаш асоси билан бир хил қоидани мустаҳкамлайди.

Фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал қонунчилигидан фарқли равишда Молдова ФПК 175-моддасида даъвони таъминлаш чораларининг рўйхати аниқ белгиланмаган. Яъни, унда суд ёки суд инстанцияси даъвони таъминлаш мақсадларига мос келадиган бошқа чораларни ҳам кўриши мумкинлиги кўзда тутилган. Бу ўз навбатида, судга даъвони таъминлаш мақсадига мос келадиган ҳар қандай чорани кўриш ҳуқуқини беради.

Украина ФПКнинг даъвони таъминлашга оид нормаларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, унда интеллектуал ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида даъвони таъминлаш масаласи ҳам алоҳида тартибга солинган. Хусусан, унинг 151-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, шахс даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига иловасида интеллектуал мулк унга тегишли эканлигини асослайдиган етарли далиллар тақдим этса, интеллектуал мулк ҳуқуқи бузилишини олдини олиш мақсадида ҳам даъво таъминланиши мумкин.

Украина қонунчилигининг даъвони таъминлаш турларига оид 152-моддаси миллий қонунчилигимизда кўзда тутилмаган даъвони таъминлаш чораларини ҳам белгилаши билан тавсифланади. Хусусан, ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси ФПК 249-моддасида белгиланмаган қўйидаги даъвони таъминлаш турлари ҳам ўрин олган: муайян ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини юклаш; низо предмети бўлган ашёни сақлаш учун бошқа шахсга топшириш. Украинада ҳам Молдовадаги каби даъвони таъминлаш чоралари рўйхати қатъий чекланмаган, балки суд зарур ҳолларда даъвони таъминлашнинг бошқа чораларини қўллаши мумкинлигини ҳам белгилаб қўйган. Даъвони таъминлаш чоралари даъвогар томонидан қўйилаётган талабларга мутаносиб бўлиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКда даъвони таъминлаш йўл қўйилмайдиган манбалар сифатида иш ҳақи, даромад, пенсия ва стипендия кўрсатилган бўлса (249-модда), Украина ФПКда бундай манбалар рўйхати кенгайтирилиб, улар доирасига яна, мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, уч ёшгача бўлган болани пар-

вариш қилиш, хайрия ташкилотлари, ўзаро ёрдам кассалари бўйича тўланадиган тўловлар, шунингдек, ишсизлик нафақаси ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКдан фарқли равишда Қирғизистон ФПК 141-моддасида суднинг ўз хоҳишига кўра, даъвони таъминлаш мақсадларига мос бўлган чораларни қўллаш ҳуқуқи кўзда тутилган. Мамлакатимизда эса, суд фақатгина ФПКда аниқ белгиланган даъвони таъминлаш чораларидан бирини қўллаши мумкин, холос.

Эстония ФПКнинг даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги 158-моддасига биноан эса, даъвони таъминлаш ишни кўраётган суд ёки юқори турувчи суд томонидан суднинг ташаббуси ёки процесс иштирокчиларининг аризасига кўра бекор қилиниши мумкин (ЎзР ФПКда фақатгина ишни кўраётган суд бекор қилишга ҳақли). Даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида суднинг қарори ёки ажрими чиқарилади. Даъвони таъминлаш, башарти даъво қаноатлантирилмаса ёки жавобгар талабни тўлиқ ҳажмда қаноатлантирса бекор қилинади.

Қозоғистон ФПКнинг 159-моддасига биноан, даъвони таъминлаш чоралари қатъий чекланмаган бўлиб, суд зарур ҳолларда даъвони таъминлаш мақсадларига жавоб берадиган ФПКда тўғридан-тўғри белгиланмаган чораларни ҳам қўллаши мумкин ҳисобланади. Шунингдек, Қозоғистон ФПКнинг 159-моддасида даъвони таъминлаш чораларини мол-мулкни хатлаш анча кенг очиб берилганлиги билан тавсифланади. Хусусан, унда мол-мулкни хатлаш банкнинг корреспондент ҳисобида бўлган пул, очиқ ким ошди савдоси усули билан амалга оширилган репо операцияси бўйича предмет бўлган мулкка нисбатан амалга оширилмаслиги белгиланган. Қозоғистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий давлат банкининг корреспондент ҳисобидаги пулни хатлаш Қозоғистон Республикаси ва унинг мулкнинг давлат юрисдикцияси иммунитетини хорижий давлат томонидан бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича йўл қўйилади. Жавобгарга тегишли бўлган ва банкда сақланаётган пулни хатлаш тариқасидаги даъвони таъминлаш чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримда хатланаётган пулнинг аниқ миқдори кўрсатилиши лозим. Хатланаётган пул маблағи суд томонидан иш материалларидан келиб чиқиб белгиланади.

Шунингдек, Қозоғистон ФПК 159-моддасида Ўзбекистон Республикаси ФПКда даъвони таъминлаш чораси сифатида кўрсатилмаган давлат органи, ташкилот ёки мансабдор шахснинг низоли ҳужжатининг ҳаракатини тўхтатиб туриш тарзидаги даъвони таъминлаш чораси ҳам кўзда тутилган (Қозоғистон Республикаси Миллий банкининг ёки молия бозори ва молия ташкилотла-

рини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга ошираётган давлат органининг молия бозорида фаолиятни амалга ошириш учун лицензияни бекор қилиш ва (ёки) фаолиятни чеклаш, молия ташкилотлари консервациясини ўтказиш бўйича ҳужжатлари, шунингдек, уларнинг ёзма кўрсатмалари бундан мустасно).

Қозоғистон ФПКнинг 163-моддасига мувофиқ, даъвони таъминлаш бу ҳақда ажрим чиқарган суд томонидан тарафларнинг аризасига ёки ўз ташаббусига кўра бекор қилиниши мумкин бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКда эса, кимнинг ташаббуси билан бекор қилиниши кўрсатилмаган.

Қозоғистон ФПКда даъвони таъминлаш чорасини бекор қилишга оид яна бир муҳим қоида белгиланган бўлиб, унга кўра молиявий ташкилотни ёки молиявий ташкилот бўлмаган ва банк конгломерати таркибига она ташкилот сифатида кирган ташкилотни қайта ташкил этиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган ихтисослаштирилган молиявий суд, башарти мазкур ташкилотларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу ташкилотлар ва (ёки) уларнинг мулкига нисбатан қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар қўлланилган даъвони таъминлаш чорасини бекор қилиши лозим (163-модда).

Юқоридагилар асосида хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчилигимизни, хусусан, амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексини такомиллаштириш бўйича куйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ФПК 248-моддасида даъвони таъминлаш асослари сифатида иккита ҳолат белгиланган: суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши. Бироқ, хорижий давлатларда юқоридагилардан ташқари бошқа асослар ҳам белгиланганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин (АҚШ, ГФР, Швейцария, Арманистон).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда амалдаги ФПКнинг 248-моддасининг биринчи қисмини куйидагича ўзгартиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштира ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, **шунингдек низо предмети бўлган мол-мулк ҳолатининг ёмонлашувига ёки зарар етишига сабаб бўлиши мумкин бўлса**, даъвони таъминлашга йўл қўйилади”.

Иккинчидан, даъвони таъминлаш чораларининг рўйхатини қатъий чеклаб қўймасдан, хорижий давлатлар (Молдова, Украина, Қирғизистон) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда суднинг зарур ҳолларда даъвони таъминлаш мақсадларига

мос бўлган бошқа чораларни ҳам қўллаши мумкинлигини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Шу маънода, ФПК 249-моддасини куйидаги мазмундаги янги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Суд зарур ҳолларда даъвони таъминлаш мақсадларига мос бўлган бошқа чораларни ҳам қўллаши мумкин”.

Учинчидан, даъвони таъминлаш чораларининг рўйхатини кенгайтириш ҳам судларга даъвони таъминлаш билан боғлиқ чораларни танлаш ва даъвони таъминлаш чорасини қўллаганда жавобгар манфаатларига дахл қилиш ҳажмини имкон қадар чеклаш имконини ҳамда ҳар бир вазиятда нисбатан мақбул ва мақсадга мувофиқ чорани танлаш имконини беради (Украина, Эстония, Қозоғистон).

Шу боис, ФПК 249-моддасини биринчи қисмининг 1-3-бандларини ўзгартириш, шунингдек, ушбу моддани куйидаги мазмундаги янги 6-9-бандлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

1) жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзидан ёки бошқа шахсда турган мол-мулк, қимматли қоғозлар ёхуд пул суммасини хатлаш;

2) жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклаш;

3) бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини ёки низо предмети тааллуқли муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш;

4) низо предмети бўлган ашёни сақлаш учун бошқа шахсга ёки муассасага топшириш (секвестр);

5) кафиллик, унга кўра, учинчи шахс Фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқ, жавобгарнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

6) давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилот ёки мансабдор шахсларнинг низоли ҳужжатининг ҳаракатини тўхтатиб туриш;

7) жавобгарнинг суднинг рухсатисиз яшаш жойи ёки доимий турар жойини тарк этмаслик мажбурияти тўғрисидаги тилхати.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 249-моддаси иккинчи қисмида даъво-ларнинг иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлаш йўли билан таъминланишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, даъвони таъминлашга йўл қўйилмайдиган манбалар рўйхатини яна тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 249-моддаси иккинчи қисмини куйидагича қўшимчалар билан тўлдиришни таклиф қила-

миз:

“Даъволарнинг иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендия, **мажбурий ижтимоий суғурта, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш, 2 ёшгача бўлган болани парвариш қилиш ва ишсизлик нафақасини** хатлаш йўли билан таъминланишига йўл қўйилмайди, алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек, боқувчининг ўлими оқибатида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги, ўзгалар мол-мулкини талон-торож қилганлик натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бундан мустасно”.

Бешинчидан, даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризанинг мазмунига қўйилган талабларни ҳам белгилаб бериш мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПК 250-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги биринчи қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз:

“Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризанинг мазмунида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

даъвони таъминлаш учун асос бўлган сабаблар;

қўлланилиши лозим бўлган даъвони таъминлаш тури;

айнан ушбу даъвони таъминлаш турини қўллаш зарурияти;

даъвони таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатлар”.

Олтинчидан, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда суднинг даъво-ни тўлиқ ёки қисман таъминлашга бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, ФПКнинг 250-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги еттинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“Суд (судья) иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвони тўлиқ ёки қисман таъминлашга қарор қилиши мумкин”.

Хулоса шуки, АҚШ, ГФР, Швейцария, Эстония, Молдова, Украина, Беларус, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Арманистон, Грузия, Тожикистон, Қирғизистон каби хорижий давлатлар фуқаролик-процессуал қонунчилигининг даъвони таъминлашга оид нормаларини ўрганиш асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилиши лозим.



АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы обеспечения иска в гражданском процессе. Автором обозреваются положительный опыт обеспечения исков в зарубежных странах, анализ национального законодательства и рассматриваются возможности имплементации положительного опыта в национальную правовую базу.

¹ Юсупов Т.Б. Институт обеспечения иска в системе американского права // Арбитражный и гражданский процесс. 2003. №11. – 32, 33-б.

² Kan B. Kobbs. Law of Remedies. 1993. P. 6, 164; kwen Fiss. The Civil Rights Injunctions. 1978.

³ Юсупов Т.Б. Институт обеспечения иска в системе американского права // Арбитражный и гражданский процесс. 2003. №11. – 33-б.

⁴ Штанке Э. Предварительная судебная защита прав в гражданском процессуальном праве Германии. Сравнение с институтом обеспечения иска в гражданском процессуальном праве России. – СПб., 2002. – 10-б.

⁵ Guldener M. Schweizerisches Zivilprozessrecht. – Zurich, 1979. – 574-б.

⁶ Ўша ерда. – 575-б.

⁷ Ўша ерда. – 578-б.

⁸ Ўша ерда.

⁹ Гражданский процессуальный Кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 г. № 238-3 // Право. Законодательство Республики Беларусь: www.levonevski.net

¹⁰ Гражданский процессуальный кодекс Республики Молдова N 225-XV от 30.05.2003 // Мониторул Официал ал Р.Молдова N 111-115/451 от 12.06.2003.

АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши қатъий белгиланган.

Инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш эса мамлакатимиз прокуратура органларининг устувор вазифаларидан биридир.

Прокуратура органларининг фаолиятида айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг, вояга етмаганлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизларнинг жамиятимизда амалга ошириладиган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Президент Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Кўп болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги, "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Фармонлари, "Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция тўғрисида"ги Қарорлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ўзбекистон 1995 йил 6 майдан "Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида"ги Конвенцияга, 1997 йил 30 августдан "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди.

"Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 3-моддасида, "Аёллар эркаклар билан бир хил шароитларда ва ҳеч қандай камситишсиз жамоат-давлат хизматида лавозим эгаллаш ва миллий қонунчилик билан белгиланган жамоат-давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқига эгадирлар", деб қайд қилинди ва уларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги халқа-

ро ҳуқуқнинг шу каби бошқа меъёрларини ўзида акс эттириш билан бирга, маълум жиҳатлари билан ажралиб турадики, бу фарқлар миллий қадриятларимиз билан боғлиқдир. Республикамиз Конституцияси ва бошқа қонунларда фуқароларнинг ирқи, жинси, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги қонунда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Конституциянинг 46-моддасида, "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", дейилган. Конституцияда белгиланган хотин-қизларнинг бу ҳуқуқлари билим олиш, касб-ҳунар танлаш, меҳнат қилиш ва иш ҳақи олиш, ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётда эркаклар билан тенг имкониятлар берилиши, меҳнатда оналарга шароит яратилиши оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, жумладан, ҳомиладор аёл учун ҳақ тўланадиган таътил ва бошқа имтиёзлар берилиши, ёш болали оналарнинг иш вақтини аста-секин қисқартириб борилиши каби ҳуқуқларини кафолатлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Женева Конвенциясига қўшилиши мустақил Ўзбекистон давлатининг оналик ва болаликка бўлган қатъи эътибори, ғамхўрлигидан далолат беради.

1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган Оила кодекси эса, мамлакатимизнинг оила, хотин-қизлар масалаларида олиб бориладиган ишларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлади.

Аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда унинг мулкӣ ҳолати ҳам алоҳида ўрин тутди. Шу боисдан, Оила кодексининг эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бобида уларнинг никоҳи давомида орттирган мулкӣ, шунингдек, никоҳга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулкӣ ҳисобланади, дейилган. Бундан кўриниб

турибдики, аёл никоҳ давомида бирор жойда ишламасдан фарзанд тарбияси билан шуғулланган даврида ҳам оилада орттирилган мол-мулкка тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

Мамлакатимизда 1999 йилнинг "Аёллар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар Давлат дастури" тасдиқланди. "Хотин-қизларга кўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Республикаимизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигига кенг йўл очиб бериш мақсадида давлат ҳокимиятини бошқаришда аёллар сонининг ортишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йилда ўтказилган сайловларда 150 та депутатдан 22 фоизи Сенатда эса 100 нафар сенатордан 15 фоизи хотин-қизлардан ташкил топганлиги давлат ҳокимиятини бошқаришда аёллар фаоллиги ортаётганлигидан далолат беради. Лекин, хотин-қизларга яратилган ҳуқуқ ва имтиёзларни кафолатловчи қонунларнинг ижроси ҳамма жойда ҳам бир хил бажариляпти, деб айта олмаймиз. Хусусан, Республика прокуратураси органлари томонидан ўтган 2011 йил давомида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида уларнинг баъзи ҳуқуқлари поймол этилганлиги аниқланди. Таҳлилларга қараганда, 2011 йил давомида 297 057 нафар аёл иш сўраб мурожаат этган. Улардан 265 513 нафари ишга жойлаштирилиб, 33 511 таси ишсиз, деб эътироф этилган ва ижтимоий ҳимояга олинган. Йил давомида аёллар учун 482 807 та янги иш ўринлари яратилган.

Прокуратура органлари томонидан ўтган 2011 йилда бу борадаги қонунларга зид бўлган ҳужжатларга 426 та протест келтирилган, қонунбузилишини бартараф этиш хусусида 274 нафар мансабдор шахсларга огоҳлантириш эълон қилинган. 562 нафар шахс интизомий, 51 нафари маъмурий ва 12 нафари моддий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят иши кўзғатилган.

Бу каби ишлардан бирини мисол қилиб келтириш мумкин. Нигора Эшбекова, Улуғбек Эшбеков билан ўн беш йил турмуш қуриб, беш нафар фарзандли бўлишган, биргаликдаги ҳаёт-

лари давомида ўзига яраша мол-мулк орттиришган. Бироқ бу уларнинг никоҳини абадий сақлаб қолишга замин бўлолмаган. Айниқса, кейинги йиллар давомида эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг кўпайиб борганлиги, орадаги жанжаллар охир-оқибат аёлни болалари билан бирга уйдан ҳайдаб чиқарилишигача олиб келган. Бунга чидай олмаган аёл судга мурожаат қилиб, биргаликдаги турмушлари давомида орттирган 39 турдаги мол-мулкларни бўлиб беришни сўраган. Фуқаролик ишини кўриб чиққан биринчи инстанция суди даъвогар талабини қисман қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилади. Апелляция инстанцияси суди эса, биринчи инстанция судининг қарорини қисман бекор қилиб, янги ҳал қилув қарор қабул қилади. Бироқ бу билан ўн беш йил турмуш қуриб, орттирилган умумий мулкка даъво қилган аёлнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланди, деб бўлмайди. Чунки, ФПКнинг 332-моддасига кўра, суд ишни апелляция тартибида кўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатлилигини текшириши лозим. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Бунинг устига, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ текшириб чиқиши шартлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар Н.Эшбекова ва У.Эшбековларнинг 5 нафар фарзандлари бор. Жавобгар даъвогарни болалари билан бирга уйдан ҳайдаб чиқарганидан кейин Н.Эшбекова 39 турдаги мол-мулкларни бўлиб беришни сўраган. Аммо суд низони бир томонлама ҳал қилган. Яъни, даъвогарнинг аризасида кўрсатилган мол-мулкларнинг ҳақиқатда бор-йўқлигини, уларнинг кимга тегишлилигини аниқламасдан туриб, фақатгина жавобгарнинг 1 та телевизор, 1 та печка, 1 та вешалка, 4 та товук, 4 та жўжани беришга розилиги ҳақидаги тилхатига асосланиб, ушбу мулкларни ундириш билан чекланган.

Ваҳоланки, даъвогар ўз даъвосида мол-мулклар қаторида трактор ва бошқа мулклар ҳам мавжудлигини кўрсатган. Бунинг У.Эшбеков ҳам ўз кўрсатмасида тасдиқлаган. Аммо трактор акасиники эканлигини кўрсатган. Суд эса, бу мулкнинг ҳақиқатда мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, кимга тегишли эканлигини ҳужжатларни сўраш йўли билан аниқламаган.

Республика Олий суди "Фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги Қарори-

нинг 14-15-бандларига кўра қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосига кўра далиллар тўплашда ёрдам кўрсатади.

Суд ишни кўришда фақатгина жавобгарнинг қариндошларини гувоҳ тариқасида сўраш билан чекланган. Ваҳоланки, иш бўйича кўрсатилган мол-мулкларнинг ҳақиқатда мавжуд ёки йўқлигини тасдиқлаш учун қўни-қўшни, маҳалла фуқаролар йиғини ходимларидан ҳам сўраш йўли билан текширилмаган.

Бундан ташқари, даъвогар даъво аризасида жами 39 турдаги мол-мулкларни бўлиб беришни сўраган бўлса-да, суд томонидан ФПКнинг 207-моддаси талабига зид равишда уларни аниқлаш чораси кўрилмаган ва муҳокама ҳам қилинмаган. Иш ҳужжатларида яна бошқа бир-бирига

карама-қарши бўлган ҳолатларга ҳам аниқлик киритилмаган. Шу ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларни инобатга олиб, Республика Бош прокуратураси томонидан Олий судга протест киритилди. Протест қаноатлантирилиб, иш юзасидан қонуний суд қарори қабул қилинишига эришилди.

Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хотин-қизлар қўмитаси, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан доимий ҳамкорликда хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, хотин-қизларнинг одам савдоси қурбони бўлмаслик чораларини белгилаш ва уни амалга ошириш лозим. Шундагина биз хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла кафолатлигини таъминлашга эришамиз.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена основным направлениям государственной политики в сфере защиты прав женщин. Автор обозревает фундаментальные и законодательные основы защиты прав женщин и обеспечению гендерного равенства в Республике Узбекистан, освещает деятельность органов прокуратуры в данном направлении.

ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Ватанга, элу юртга, ота-онага содиқлик ва фидойилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг замирида таълим масканларида, маҳаллаларда, энг асосийси — оилада ёшларга бериладиган таълим-тарбия ётади. Оилада сингдирилган тарбия Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислон Каримов бу ҳақда шундай деган эди: "Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади. Одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади... Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир".

Оила инсон ҳаётининг энг муҳим қисми бўлиш билан бирга миллий анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва наслдан-наслга ўтказиш каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда салкам 7 миллион оила яшайди. Аҳоли сони 2 млн. 714 минг нафардан ошиқроқ бўлган Андижон вилоятида эса 627 минг 723 та оила истиқомат қилиб келмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятда оиланинг мавқеини ошириш, манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шароит яратиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини янада юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш каби масалалар комплекс равишда қамраб олиниб, изчил ислохотлар амалга оширилди. Унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, такомиллаштириб борилди.

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш

ҳуқуқига эгаллиги эътироф этилди. Миллий Конституция ва қонунларимизда белгиланган нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига тўла мос келади.

Ўтган йиллар давомида конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита ёки билвосита боғлиқ 50 га яқин қонун, 20 га яқин Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, 70 дан ортиқ ҳукумат қарорлари, фармойишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қабул қилинди.

Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдига унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахннинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўққинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат деб белгилаб қўйилди.

Кам таъминланган оилалар, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилавий тадбиркорлик ривожлантирилишини рағбатлантириш каби вазифалар бир қатор вазирликлар, мутасадди идораларнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Ҳар қандай жамиятда оилалар мустаҳкамлигининг аҳамияти беқиёс. Оила мустаҳкамлиги эса бир қанча омилларга боғлиқ. Глобаллашув жараёни кечаётган, шу билан бирга, турли маънавий таҳдидлар ўзини намоеён этиб турган бугунги кунда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, кўп жиҳатдан ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи билан боғлиқ. Бу вазифа ота-оналар, ўқитувчи ва мураббийлар, дин уламолари, умуман, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига улкан вазифалар юклайди.

Шу ўринда айрим маълумотларга эътиборингизни қаратиб ўтмоқчимиз. 2010 йилда АҚШлик

мутахассислар бу мамлакат оилавий ажрашишлар бўйича биринчи ўриндалигини эълон қилишган. Британиялик мутахассислар эса ўз мамлакатларида қайд этилаётган ҳар 6 оиланинг 5 та-сида ажрашиш кузатилаётганини маълум қилишган. Бу маълумотлар оилалар мустаҳкамлигида ҳамиша ҳам иқтисодий омил асосий ўрин тутмаслигини кўрсатади.

Республикамизда оила қуриш ёшидаги йигит-қизларнинг билимларини, масъулиятини шакллантириш мақсадида никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш, ёшларни соғлом оила барпо этишга тайёрлаш масаласига эътибор кучайтирилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида 2007 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

"Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдик, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан,

одамзод ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", — деган эди Юртбошимиз Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Шу маънода, аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жисмоний ва маънавий баркамол ёш авлодни вояга етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 1 июлда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари қабул қилинди. Оилани соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзи тарғиботи доимий эътибордаги масалалардан бирига айлан-ди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.

Жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлган бахтли, мустаҳкам оилалар бундан-да кўп бўлсин.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена семье — важному институту социальных отношений и деятельности человека. В статье освещаются фундаментальные и законодательные основы защиты прав и законных интересов молодых семьи, анализируется правоприменительная практика.

Нилуфар РАҲМОНҚУЛОВА,
ТДЮИ кафедре ўқитувчиси, ю.ф.н.

ЧЕТ ЭЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ИШТИРОКИДА ТУЗИЛГАН НИКОҲНИ ТАН ОЛИШ

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти деб эътироф этилиши, барча жабҳалардаги халқаро муносабатларнинг эркинлаштирилиши бутун жаҳонда кузатилаётган турли мақсадларни кўзлаган (тадбиркорлик фаолияти, меҳнат фаолияти, таълим олиш ва бошқалар аҳоли миграциясининг кучайишига олиб келди. Ўзга мамлакатга келган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шу мамлакатда турли ҳуқуқий муносабатларга киришишлари табиийдир. Натижада халқаро характерга эга бўлган хусусий муносабатлар, хусусан, чет эл элементи билан мураккаблашган оилавий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузаларида: “Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади”¹, дея таъкидлаб ўтди ва 2012 йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном беришни таклиф этди.

Демак, оила муносабатларига алоҳида эътибор қаратилар экан, аҳоли миграцияси кучайган ҳозирги шароитда халқаро характерга эга бўлган оилавий муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда тузиладиган никоҳлари консуллик муасса-

салари ёки элчихоналардан ташқари ушбу давлатнинг ваколатли органларида ҳам тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 235-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудидан ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар ушбу Кодекснинг 16-моддасида назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл фуқаролари ўртасида бошқа давлат ҳудудидан ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади”.

Ушбу модда мазмунидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг шу мамлакатда жойлашган консуллик муассасасидан ташқари ушбу мамлакатнинг ваколатли органларида ҳам никоҳларини қайд этишлари мумкин. Бундай никоҳларнинг шакли ва моддий шартлари никоҳ тузиш жойи қонунчилиги асосида ҳақиқий деб эътироф этилади. Аммо, Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 16-моддасида кўрсатилган никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатларга риоя қилиш талаб этилади.

ОКнинг 235-моддасида кўзда тутилган, никоҳ тузиш жойига ҳавола, никоҳ қайд этилаётган мамлакатнинг никоҳ муносабатларини тартибга солувчи нормаларнинг жамига, яъни коллизия нормалари билан биргаликдаги ҳажмига ҳавола си-

фатида қаралади. Агарда ушбу мамлакат коллизия нормалари никоҳланувчиларнинг шахсий қонунига ҳавола қилса, шахсий қонун сифатида фуқаролик қонуни мезонини қўлловчи мамлакатлар қонунига асосан Ўзбекистон фуқаросига нисбатан Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида назарда тутилган никоҳ тузиш шартлари қўлланади.

Демак, чет мамлакатда ушбу мамлакат оила қонунчилигига мувофиқ равишда диний расм-рўсулларга биноан ёки ушбу мамлакатда белгиланган бошқа шаклда қайд этилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирокидаги никоҳлар Ўзбекистон Республикасида тан олинади.

Чет мамлакатда жойлашган Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасида никоҳларини қайд этмоқчи бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, агарда Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида белгиланган никоҳ ёшига етмаган бўлсалару, консуллик муассасаси жойлашган мамлакат қонунчилигига кўра никоҳ ёшига етган бўлиб ҳисоблансалар ҳамда ушбу мамлакат (Аргентина, Бразилия) никоҳ тузиш шартларини никоҳ тузиш жойи қонунига ҳавола қилса, никоҳланувчилар ушбу мамлакатнинг ваколатли органларида никоҳларини қайд этиш ҳуқуқига эга бўладилар ва бу никоҳ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 235-моддасига асосан ҳақиқий деб тан олинishi керак. Аммо никоҳланувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида белгиланган яққаникоҳлилик, қонунда кўрсатилган қон-қариндошлик даражалари ҳамда никоҳ руҳан соғлом фуқаролар ўртасида тузилиши шартларига риоя қилмаган ҳолда тузилган никоҳлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қандай юридик аҳамиятга эга бўлмайди.

Оила кодекси 235-моддасининг 1-қисмидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида белгиланган никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг ушбу мамлакат ҳудудида Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси бўла туриб, аммо никоҳни қайд этиш иложи бўлмаганлиги сабабли шу мамлакатнинг ваколатли органларида никоҳларини расмийлаштиришга доир ҳаракати халқаро хусусий ҳуқуқ амалиётида “қонунни четлаб ўтиш” деб номланади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда қонунни четлаб ўтиш деб, шахслар, уларнинг ўзаро муносабатларига нисбатан қўлланилиши керак бўлган ҳуқуқ тизимида бўйсунини хоҳламай, бошқа бир ҳуқуқ тизимидаги ўзлари учун керак бўлган, уларнинг

муносабатларига қўллаш учун қулай бўлган сохта шартларнинг яратишларига айтилади².

А.Н.Мандельштамнинг фикрича, “қонунни четлаб ўтиш” назарияси ҳамда “оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ” назарияси бир фикрни ҳар хил нуқтаи назар билан акс эттиради³.

В.В.Кудашкин ҳам бу борада “қонунни четлаб ўтиш” назарияси “коллизия норма ҳавола қилаётган чет эл қонунини қўллаш мажбуриятини чеклашнинг иккинчиси” бўлиб пайдо бўлди” деган фикрни билдирган. Унинг таъкидлашича, “қонунни четлаб ўтиш” ҳамда «оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ» тушунчаси ўртасидаги фарқ — бу келажакда оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳнинг қўлланишини талаб қилмайдиган, қўлланивчи қонунчилик тўғрисидаги келишувни ҳақиқий эмас деб топиш учун субъектив асос билан “қонунни четлаб ўтиш” нормаларини қўллашни талаб қилмайдиган, чет эл қонунини қўллашни чекловчи объектив асос ўртасидаги фарқдир³.

Демак, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ тушунчаси ҳам, “қонунни четлаб ўтиш” қонуннинг қонунда мавжудлиги ҳам чет эл қонун нормаларини қўллашни маълум даражада чеклайди. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ, тушунчаси асосан, конституциявий тамойиллар, мамлакатда мавжуд бўлган тузумга, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган қонун нормаларини қўллашдан бош тортиш билан боғлиқ бўлса, “қонунни четлаб ўтиш” эса мамлакат ички қонун нормаларида мавжуд бўлган аниқ қоидаларни четлаб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тан олмасликдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1162-моддасида, “ушбу кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг ушбу бўлимнинг қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуққа доир қоидаларини четлаб ўтиб, тегишли муносабатларни бошқа ҳуқуққа бўйсундиришга қаратилган келишувлари ва бошқа ҳаракатлари ҳақиқий эмас. Бундай ҳолда тегишли давлатнинг ушбу бўлимга мувофиқ татбиқ этилиши лозим бўлган ҳуқуқи қўлланилади”, деб белгиланган.

Демак, Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилиги бўйича никоҳ ёшига етмаган шахсларнинг қонунни четлаб ўтиш мақсадида ўз муносабатларини чет мамлакат ваколатли органларида расмийлаштиришлари Ўзбекистонда ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши лозим. Аммо 235-модданин 1-қисми шундай ҳолат юз беришига замин яратади. Бу эса ўз навбатида, Оила кодексига

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет мамлакатда қайд этиладиган никоҳлари етарли даражада тартибга солинмаганлигидан далолат беради.

1969 йилги ЎзССР Никоҳ ва оила кодекси чет мамлакатларда қайд этилган СССР фуқароларининг никоҳларини тан олишда “никоҳ тузиш жойи” қонунини фақатгина никоҳ тузиш шаклига нисбатан белгиланган эди. Бу ҳолат “қонунни четлаб ўтиш” ҳолатларига йўл қўймас эди. Тўғри бу ҳолат, яъни чет мамлакатда фуқароларимизнинг никоҳ тузишлари учун зарур бўлган шартларни ва монелик қилувчи ҳолатларни Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига бўйсундириш, чет мамлакатнинг бу қонунга риоя қилиш шартини белгиламайди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига белгиланган никоҳ ёшига етмаганлиги сабабли консуллик муассасасида никоҳларини қайд эта олмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг “қонунни четлаб ўтиш” мақсадида ўз муносабатларини чет мамлакатда шу мамлакатнинг ваколатли органларида расмийлаштириш ҳамда ўз ҳаракатларини 235-модданинг 1-қисмида белгиланган қоида билан асослаш имкониятини чеклайди. Демак, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунчилигимиздаги императив нормаларга амал қилинишини таъминлаш мақсадида аввалги ЎзССР Никоҳ ва оила кодексига белгиланган қоида билан амалдаги Оила кодексига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, чет мамлакатда қайд этиладиган никоҳ тузиш шартларини Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида назарда тутилган моддий-ҳуқуқий шартларга риоя қилинишини қонуний белгилаш, никоҳ муносабати вужудга келган мамлакат қонунчилиги никоҳланувчиларнинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунига ҳавола қилганда, қайта ҳавола, яъни *renvoi* ни йўл қўювчи мамлакатлар учун ўзининг қонунчилигидаги моддий-ҳуқуқий шартларни қўллашга баҳона бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Германия оила қонунчилигига асосан, чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳларни қайд этишда никоҳ тузишнинг моддий шартлари никоҳланувчиларнинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакат қонунчилиги билан белгиланади. Шу билан бир қаторда, Германия *renvoi*ни қабул қилади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 235-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет мамлакатда қайд этиладиган никоҳларига нисбатан никоҳни қайд этаётган мамлакат (*lex celebrationis*) қонунчилиги қўлланили-

ши белгиланган экан, Германия қонунчилиги қайта ҳаволани қабул қилади. Демак, Германия фуқароси бўлган аёл билан никоҳдан ўтмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳамда ўзининг оила қонунчилигига асосан 21 ёшга тўлмаган эркакнинг никоҳини қайд этишдан Германиянинг ваколатли органи бош тортиши мумкин.

Умуман олганда, иккала тараф ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган шахсларнинг никоҳлари, фақатгина никоҳ қайд этилаётган чет мамлакатда консуллик муассасаси бўлмаган тақдирдагина ушбу мамлакатнинг ваколатли органларида қайд этилиши керак. Аммо бу ҳолатнинг қонунда кўрсатилмаганлиги ҳам, “қонунни четлаб ўтиш” вазиятларини келтириб чиқармоқда. Бу қоида билан ҳам қонунчиликка киритиш, назаримизда Ўзбекистон фуқароларининг чет мамлакатда қайд этиладиган никоҳларини максимал даражада Ўзбекистон қонунчилигига бўйсундириш ҳамда улар ўртасида вужудга келган никоҳ муносабатларининг Ўзбекистонда тан олинмаслиги ҳолатларининг олдини олиш учун мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккаласи ҳам чет мамлакат фуқаролари бўлган шахсларга Оила кодексининг 16-моддасида белгиланган шартларга риоя қилишлари талаб этилмайди. Аммо, бу ҳолат ҳам аниқлик киритишни талаб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси оммавий тартибига, конституциявий тамойилларига зид равишда тузилган никоҳлар мамлакатимизда ҳақиқий деб эътироф этилиши мумкинми, деган савол келиб чиқади. Мазкур масала бўйича адабиётларда турли хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, Л.А.Лунцнинг фикрича, бу масалани ҳал қилишда, чет элликлар ўртасида никоҳни қайд этишнинг маълум тартибини йўлга қўйиш ҳамда улар ўртасида чет мамлакатда қайд этилган никоҳни тан олиш ўртасида аҳамиятли фарқ борлигини ҳисобга олиш керак. Шахсий қонунга боғлаш, никоҳ мамлакат ичида қайд этилганда оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳни қўллаш йўли билан чегараланиши мумкин эди (масалан, рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлган шахсларнинг никоҳларини қайд этишда). Бошқа тарафдан, хорижда, ушбу мамлакатда қабул қилинган қонунларга асосан қайд этилган рўйхатга олинган бошқа никоҳда бўлган шахсларнинг никоҳи, бизда ҳақиқий эмас деб тан олинishi мумкин эмас.⁴

Тўғри, хорижий мамлакатда шу мамлакатнинг қонунчилиги асосида қайд этилган чет эл фуқароларининг никоҳлари, одоб-ахлоқ қоидаларига, умуман олганда, оммавий тартиб қоидаларига зид

бўлса ҳам, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб тан олинади. Аммо, Ўзбекистон Республикасида бундай никоҳлар юридик аҳамиятга эга бўла олмади. Масалан, кўп хотинлилик қонуний кучга эга бўлган мамлакатдан узоқ муддатли хизмат сафарига келган фуқаронинг иккита хотини бор дейлик. Ўзбекистон Республикасида иккала хотини билан келиб хизмат сафари тугагунча яшамоқчи бўлса, бу ҳолатда ушбу фуқароларни Ўзбекистон Республикасида вақтинчалик истиқомат қилиш учун қайддан ўтказишга тўғри келади. Ушбу ҳолат амалиётда айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Яъни, ушбу фуқаронинг хизмат сафарига келганлиги вақтинча рўйхатдан ўтиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Аммо, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, ушбу фуқаро ўзи билан бирга фақат битта хотинини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Демак, иккинчи хотини билан қайд этилган никоҳи Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий аҳамият касб эта олмади ва иккинчи хотинининг Ўзбекистон Республикасида узоқ вақт яшаб қолишга асоси йўқ. Шу билан бир қаторда, бир жинс вакиллари ўртасидаги никоҳлар ҳам Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Демак, оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ тушунчасининг Оила кодексига шакллантирилмаганлиги ушбу ҳолатда ҳам муаммо келтириб чиқаради. Агар ФКга ҳавола қиладиган бўлсак ҳам, кодексда чет мамлакатларда вужудга келган ҳуқуқий муносабатларнинг Ўзбекистонда оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ тушунчаси билан чегараланиши мумкинлиги аниқ белгиланмаган, чунки ФКнинг 1164-моддасида, “чет эл ҳуқуқининг қўлланиши”, деб белгиланган. Бу эса фақатгина Ўзбекистон Республикасида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни ўз ичига олади.

Шу туфайли II бобнинг 2 параграфида оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ тушунчасига нисбатан келтирилган таҳлиллар ҳамда юқорида келтирилган ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ тушунчасига доир алоҳида 238²-модда киритиш ва бу моддани қўйидагича тахрирда ифодалаш мақсадга мувофиқдир, яъни:

“Ўзбекистон Республикаси конституциявий таъминлари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган никоҳ ва оила тўғрисидаги чет эл ҳуқуқини қўллаш ҳамда шу қонунлар асосида вужудга келган ҳуқуқий муносабатларни тан олиш мумкин эмас.”

Бундан ташқари, юқорида келтирилган таҳлиллар натижасида, Оила кодексининг чет мамлакатда қайд этилган никоҳларни тан олиш масаласида белгиланган 235-моддасига “қонунни четлаб ўтиш” ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ деган фикрга келинди ҳамда ушбу моддага қўшимча қисм киритиб, уни қўйидаги тахрирда белгилаш назаримизда муаммонинг ечими бўлиб ҳисобланади:

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида, ўша давлатнинг қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тузилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нисбатан ушбу Кодекснинг 14-17-моддаларида назарда тутилган шартларга риоя қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий деб эътироф этилади”.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена правовым основам признания брака с иностранными гражданами в Республики Узбекистан. Автором проводится подробный научно-правовой анализ законодательных основ, регулирующих брачные отношения. Также автор вступает в научную полемику с видными национальными и зарубежными учеными. В заключении обозначаются основные направления в развитии данной сферы.

¹ И.А.Каримов. “Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.” Ўз.Р Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2011 й. 8 декабрь. № 238 (5405).

² Перетерский И.С., Крылов С.Б. Курс. асар. – Б. 61.

³ Манделштам А.Н. Гаагские конференции о кодификации международного частного права. СПб., 1900. Т.1. – С. 249.

⁴ Лунц Л.А. Курс международного частного права: Особенная часть. – М.: Юрлит, 1975. –С.448.

ОИЛАДА ШАҲСГА ҚАРШИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВИКТИМЛИГИНИНГ САБАБЛАРИ

Маълумки, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг ижтимоий-маиший сабаблари кўп ҳолларда оилавий муносабатлар билан боғлиқдир. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ва шунингдек, жамият таъсирини ўзида ифода этади.

Оила ичида содир этилаётган турли хил салбий ҳолатлар оилани парокандаликка олиб келади. Бола тарбияси, унинг ўсиб-улғайиши ҳам оиладан бошланади. В.Гюго “Оила — жамиятнинг биллуридир”¹ деганда қанчалик ҳақдир.

Оила криминологияси ва виктимологиясини ўрганадиган эканми, оила ичида содир этилаётган жиноятлар ва ушбу жиноятларни содир этишда виктим ҳуқуқнинг ролини ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

“Оила доирасида содир этилаётган жиноятларга оиланинг ичида оиланинг бир аъзоси томонидан иккинчи аъзосига нисбатан қилинадиган жиноятлар кирди”².

Шундан келиб чиқиб, биз оила ичида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлиги ва унинг ижтимоий-маиший сабабларига тўхталиб ўтамиз.

Оила доирасида зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятлар ва ундан виктимлашиш — бутун жаҳон халқлари олдида турган муаммоли масалалардан биридир. Кўпчилик хорижий мамлакатларда оила доирасида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар “оиладаги зўрлик ишлатиш” деб айтилади.

Бундай салбий ҳолатлар бутун жаҳонда муаммоли масала ҳисобланиб қолмоқда. Чунки, бу ўз навбатида оиладаги зўрлик билан боғлиқ жиноятлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оилада зўрлик кўп ҳолатларда болаларга нисбатан муайян мақсадларга эришиш натижасида содир этилади. Жумладан, ота-оналик вазифасини бажариш ва бунинг натижасида ўз мавқеи ҳамда ҳукмронлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Оиладаги катта ёшдагилар болаларга кўп ҳолларда раҳмсизлик билан муносабатда бўладилар ва

бунинг оқибатида, шаклланиб қолган ҳуқуқлари туфайли улар турли хил ҳуқуқбузарликлар, жиноят содир этаётганликларини билмайдилар.

Маълумки, оила микромуҳитнинг асосий соҳаларидан биридир. Оиланинг муайян шахсга таъсирининг таркиби (ота-онанинг ёки улардан бирининг мавжудлиги) ва оиладаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти билан белгиланади³. Ота-онали оилада инсон одатда ижтимоий алоқаларнинг дастлабки ва умумий тажрибасини орттирса, ўзининг шахсий оила-сида муносабатларни у шу вақтгача орттирган ижтимоий тажрибасига асосан қуради. Шунинг учун ҳам хотин-қизларнинг девиант ҳуқ-атворининг шаклланишида оила микро муҳитининг ролига мана шу тафовутлардан келиб чиқиб қараш керак⁴, деб таъкидлайди Қ.Р.Абдурасулова.

Тадқиқот жараёнида ўрганилган жиноятдан жабрланганларнинг 45,4 % — тўлиқ оилада, 26,9 % — тўлиқ бўлмаган оилада (шундан 93,1 % — ёлғиз она кўлида), 13,3 % — яқин қариндошлари кўлида, 14,4 % — болалар уйлари, интернатларда тарбияланган. Бунда тўлиқ оилада тарбияланганларнинг 42,3% отаси ёки онасининг иккинчи никоҳга киришига гувоҳ бўлган.

Ўрганилганларнинг 3,1% гина ирсий нуқсонларга эга бўлмаган. Қолган ҳолларда қуйидаги нуқсонлар қайд этилган: алкоголизм — 26,0%, гиёҳвандлик — 33,5 %, руҳий касалликлар — 3,1 %, таносил касалликлар — 5,6 %, соматик хусусиятга эга касалликлар — 22,1 %.

Ўрганилган жабрланувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги оилавий муносабатларни таърифловчи маълумотлар ҳам эътиборга моликдир. “Вояга етмаган ёшда жинсий тазйиқ объекти бўлганмисиз?”, деган саволга вояга етмаганларнинг 2,8 % тасдиқ жавобини берди ва ўз оталари уларга бундай тазйиқ кўрсатганини маълум қилишган. Сўралганларнинг 10,9 % га ўғай отаси, 7,7 % га қариндош-уруғлари, 4,6 % га бошқа шахслар жинсий тажовуз қилган.

Олиб борилган тадқиқот мазкур аёлларнинг ўз оилаларидаги микромуҳит ҳам анча мурраккаб эканлигини кўрсатди.

Жиноятдан жабр кўргунга қадар уларнинг 33,7% — расмий никоҳда, 11,2% — эркаклар билан рўйхатдан ўтказилмаган муносабатларда бўлган, 41,2% — ҳеч қачон никоҳда бўлмаган, 13,9% — эри ёки хотини билан ажрашган.

Жабрланганларнинг фарзандлари мавжудлиги қуйидаги нисбати қайд этилди: бир нафар фарзанди бор — 27,6%, иккита фарзанди бор — 20,9%, уч ва ундан ортиқ фарзанди бор — 29,0%, фарзандсизлар — 22,5% ташкил этади.

Мазкур маълумотларни қасддан одам ўлдириш жиноятдан жабрланганларнинг жиноят-ҳуқуқий тавсифига оид маълумотларга таққослаш натижалари эътиборга моликдир. Масалан, одам ўлдириш (шу жумладан, одам ўлдиришга суиқасд қилиш) жинояти содир этганлар жами жиноятчи аёлларнинг 12,3%ни ташкил этади. Шулардан 9,8% ўз боласини, 44,6% эса — эри ёки жазманини ўлдирган⁵.

Оилавий, маиший соҳада аёллар томонидан жиноят содир этилиши масалаларига махсус криминологик тадқиқотларда катта эътибор берилган. Уларнинг деярли ҳаммасида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва ичкиликбозликнинг жиноий хулқ-атвор билан бевосита алоқадорлиги алоҳида қайд этиб ўтилган⁶.

Жиноятчиларнинг микроижтимоий оила муҳитини таърифлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган маълум виктимологик жиҳат — жабрланувчиларнинг хулқ-атворига эътиборни қаратишни истар эдик. Тадқиқотимизда кўриб чиқилган жами жиноятларнинг 59,8%да жабрланувчиларнинг хулқ-атвори, шу жумладан, алкоголизм, айбдорнинг шахсига, унинг фарзандларига ҳурматсизлик, уриш, калтаклаш кўринишдаги зўравонлик жиноятига туртки берганини кўрсатди.

Бундан ташқари, жиноят ишлари ва қонуни қўллаш амалиётини ўрганиш натижасида биз тергов ҳамда суд органлари кўпинча жабрланувчиларнинг эътибори билан жиноий жазога лойиқ тегишли қилмишлар доирасига мансуб бундай хатти-ҳаракатларига мувофиқ юридик баҳо бермайди, деган хулосага келдик. Масалан, аёлларнинг жиноий хулқ-атворини жиноят-ҳуқуқий баҳолашда мазкур виктимологик омилга бепишанд қараш ҳоллари одатда уларга қуйиладиган айбнинг даражаси ва қонуний равишда — жиноий жазо санкцияларининг миқдорида ҳам ўз аксини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оила доирасида зўрлик ишлатишга кўп ҳолларда оилавий-маиший низолар ҳам сабаб бўлади.

В.В.Скибицкий таъкидлаганидек, оилавий-маиший низолар замирида содир этиладиган жиноятларни белгилувчи энг муҳим белги — улар вужудга келадиган ва содир этиладиган ижтимоий муносабатлар соҳасидир. Ушбу жиноятларнинг фарқловчи муҳим белгиси шундаки, унда жабрланувчи ва жиноятчи ўртасида шахслараро, оилавий муносабатлар асосидаги кескин низо мавжуд бўлади⁷.

Ушбу низолар эса кўп ҳолларда уларнинг бир-бирига тан жароҳат етказишига, қасддан одам ўлди-

ришига олиб келади.

Содир этилаётган жиноятлар, агар жабрланувчининг ўлимига ёки баданга шикаст етказилишига сабаб бўлмаган бўлса, кўп ҳолларда латент жиноятга айланиб қолаверади. Масалан, оила ичида эр-хотин ўртасида зўрлик ишлатиб содир этилаётган, қасддан одам ўлдириш, баданга тан жароҳати етказиш каби жиноятларни олиб кўрадиган бўлсак, бундай жиноятларни содир бўлишига кўп ҳолларда эр ёки хотиннинг виктим хулқи сабаб бўлиб, бундай жиноятлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига муурожаат қилинмаганлиги учун очилмай қолиб кетаверади.

Виктим хулқ, бу эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, эрнинг хотинини рашк қилиш орқали эр ёки хотин бир-бирига тан жароҳати етказиш ёки бир-бирини қасдан ўлдиришида намоён бўлади.

Бунга мисол қилиб И. нинг хатти-ҳаракатларини айтиб ўтадиган бўлсак, И. Турмуш ўртоғининг айтганини қилмай доимо унинг рашкини келтирган. Турмуш ўртоғи О. эса унинг ушбу ахлоқсиз хатти-ҳаракатини кўриб, нафратланган ва рашк орқали хотиннинг бир неча жойига тан жароҳати етказган. И. эса кўп қон йўқотиш натижасида воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган.

Агар биз оила ичида содир этиладиган қасддан одам ўлдириш жиноятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, оилада эр ёки хотинини ўлдириш тўрт гуруҳга бўлиб тахлил қилинади⁸.

1) Ғараз мақсадда қасддан одам ўлдиришнинг бу тури эр ёки хотиннинг ўлдирилиши умумий миқдорининг 5 фоизини ташкил қилади. Ғараз мақсадда содир этилаётган қасддан одам ўлдириш жиноятининг ушбу турига биз алимент тўлашдан қутилиш, яшаш жойига эга бўлиш каби мисолларни келтиришимиз мумкин. Суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, З. холасининг уйига эгалик қилиш мақсадида, уни қасдан ўлдиради⁹.

2) Турли мажбуриятлардан қутулиш мақсадида эр ёки хотиннинг бирини ўлдириш — бунга мисол бўлиб, мажбуриятлардан қутулиш мақсадида сурункали оғир касалга доимий қараб туриш ёки қариб қолган кишига қарашдан бош тортиш мақсадида қилинган ҳаракатлар тушунилади. Масалан О. оғир касал бўлган хотинига қарашдан бош тортиб, уни ўлдирган¹⁰.

Бундан ташқари, никоҳ билан боғлиқ бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган қасддан одам ўлдириш жиноятларини ҳам киритишимиз мумкин. Масалан, никоҳдан ўтилган, аммо эр-хотин никоҳининг бир-бирига тўғри келмаслиги ёхуд эр ёки хотини янги никоҳ тузиш мақсадида олдинги никоҳдан қутулиш учун ўлдириш ҳолатлари ҳам кузатишмоқда. Суд амалиётидан мисол келтирадиган бўлсак, Г. биринчи хотини ажрашишга розилик бермасида, у иккинчисига уйланиш мақсадида биринчи хотинини ўлдиришни режалаштиради ва уни иккинчи хотини билан алдаб, далага олиб чиқади. Г. ва иккинчи хотини С. уни ёқиб юборишади¹¹. Бундай ҳолатларда ҳам жабрланувчиларнинг виктим хулқи муҳим рол уйнайди.

Турли мажбуриятлардан қутулиш мақсадида қасддан одам ўлдириш жинояти пухта ўйлаб, режа асосида қилинадиган жиноятлар сирасига киради. Шунинг учун ҳам ушбу жиноятнинг виктимлиги ва латентлиги жуда юқоридир.

3) Рашк туфайли эр ёки хотин бир-бирини ўлдириш — бугунги кунда бу жиноятларнинг кўпчилигини ташкил қилмоқда. Бундай одам ўлдириш кўпинча турмуш ўртоғи унга хиёнат қилинганида содир этилади. Бунинг учун эр ёки хотин аниқ хиёнат қилган бўлиши лозимдир.

4) Оилада ҳукмронликни ўрнатиш, оилада ўз маъқеини белгилаб олиш туфайли келиб чиқадиган низо оқибатида ўлдириш. Бу жиноят ҳам 50% ни ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларидан шу нарса маълумки, ўз эрини ўлдирган аёлларнинг ёки жабрланган аёлларнинг эрига нисбатан ижтимоий мақоми анча юқоридир. Бундай ҳолларда криминоген шароитни вужудга келишига жабрланганларнинг ўзи сабаб бўлмоқдалар.

Бундан ташқари, ўз эри томонидан раҳмсиз муомаланинг жабрланувчисига айланган аёллар ҳам қасд олиш орқали ўз эрига суиқасд қилишади. Улар ҳар доим ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилавермайдилар.

Бунга мисол қилиб шунга айтиш мумкинки, В.исмли аёлнинг эри унга нисбатан мунтазам равишда раҳмсиз муносабатда бўлиб келган, натижада аёл эридан ўч олишга тушган ва эрини қасддан ўлдирган. Бунга ўхшаш мисоллар жуда кўп.

Оила доирасида содир этиладиган жиноятлар турига жинсий жиноятлар ҳам киради. Бундай жиноятларнинг асосий жабрланувчилари катта ва кичик ёшдаги аёллар ҳисобланади. Оила ичидаги вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига, уларнинг нормал жисмоний ва ахлоқий ривожланишига қарши жиноятлар ҳам содир этилмоқда. Бунга мисол қилиб

оилада ёш ўғай қизларнинг ўғай оталар томонидан номусига тегиш ҳолларини кўришимиз мумкин.

Оила доирасида содир этиладиган ахлоқ билан боғлиқ жиноятларнинг келиб чиқишига ҳам кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари сабабчидирлар. Бунда жиноят жабрланувчисига айланган шахслар ушбу жиноятни содир бўлишига ўзлари шарт-шароит яратиб берадилар. Жумладан, ўғай оталар олдида турли хил ахлоқсиз қилиқлар қилиш, калта юбкаларда юриш ва ҳоказоларни олиш мумкин.

М.Ўразалиевнинг таъкидлашича, “Оилада болаларга нисбатан жинсий зўрлик ишлатилган барча ҳолатда ўз ҳукмини ўтказадиган, зулмкор оталарга нисбатан оналарнинг ҳаракати пассив, ожиз, 73% эмоционал қарам бўлган. Шунингдек, она ишда, касал ёки сафарда бўлган вақтда кўп содир этилган ва мазкур омиллар айбдорнинг болаларга жинсий таъжовуз қилишига имконият яратган”¹².

Бизнинг фикримизча, ҳам ана шундай имконият оиладаги ўғай қиз ёки ўғай уғилга нисбатан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жинсий жиноятларнинг келиб чиқишига ва уларнинг жабрланувчиси бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан жабрланганлар келажакда бошқа шахслар билан ўзаро муносабатга киришишда қийинчиликлар юзга келади. Ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида республикамизда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятдан жабр кўрганлар учун Адаптация марказларини ташкил қилиш лозимдир. Шу ўринда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларнинг 38%ни оила ва маиший соҳада содир этилган жиноятлар ташкил этишини ҳисобга олиб, адаптация марказлари қошида оилада зўравонликка учраган аёллар вояга етмаганлар учун ҳам психологлар хизмати ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена виктимологическим причинам преступлений, совершаемых в семье. Автором проведен подробный научно-криминологический анализ преступлений, совершаемых в семье с использованием насилия. Также автор вступает в научную полемику с видными национальными и зарубежными учеными. Приведены сравнительные данные.

¹ Энциклопедия молодой женщины. Перевод с чешского.-Ташкент: Главная редакция энциклопедия. 1992. –С.184.

² Криминология. Учебник для вузов. – М.: Россия, 1998.- С.502.

³ Халматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б. 91-92.

⁴ Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. – Т.: ТДҶОИ, 2005. – Б.70.

⁵ Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. – Т.: ТДҶОИ, 2005. –Б.70.

⁶ Середа Е.В. Личность женщин, впервые осужденных за тяжкие насильственные преступления и их исправление и перевоспитание в ИТК. Канд. дисс. –М., 1983.- С. 204. Явчуновская Т.М. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступности женщин-алкоголичек. Автореф... канд. дисс. –М., 1981. -С. 23.

⁷ Скибицкий В.В. Предупреждение семейно-бытовых правонарушений. – +М., 1989. –С.59.

⁸ Буракова Н., Сальникова П. Криминология – +СПб., 1998. –С.503.

⁹ Қибрай тумани судининг архивидан. 12/010-сонли жиноят иши.

¹⁰ Қашқадарё вилояти судининг архивидан. 123/09-сонли жиноят иши.

¹¹ Қашқадарё вилояти судининг архивидан.126/08-сонли жиноят иши.

¹² Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. Юрид. фан. номз. илм. даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – +Т., 2008. –Б.14.

Дилдора БАЗАРОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси, ю.ф.н.

НИКОҲ ТУЗИЛИШИ — МУСТАҲКАМ ОИЛА ВУЖУДГА КЕЛИШИННИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Хуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш бизнинг асосий мақсадимиз экан, шундай жамиятни, давлатни қуришда, равнақ топтиришда оиланинг ўрни бекиёсдир. Оилада шахс дунёга келиб, ўз ўрнига, мавқеига эга бўлади.

Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос, омил бўлиб хизмат қилади. Никоҳ муносабатлари қанчалик соф, эркин, ихтиёрий, шунингдек, давлат томонидан қўйилган талабларга монанд равишда тузилса, албатта, ушбу оилада вояга етиб келаётган фарзандлар ҳам комил инсон бўлиб етишадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-модда 2-бандида¹, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-модда 2-қисмида никоҳ тузиш ихтиёрий эканлиги, никоҳ фақат никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина тузилиши мумкинлиги² нормаланади.

Қонуний асосларга биноан тузиладиган никоҳ — бу никоҳ ёшига етган, бир-бирини севадиган, оила қуришни истаган эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланган, қонуний расмийлаштирилган, ўзаро шахсий ҳамда мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оилавий турмушдан туғилган болаларни миллий истиқлол мафкураси ғоялари асосида муносиб тарбиялашга хизмат қиладиган, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган мустаҳкам, бир умрга тузилган иттифоқ тушунилади.

Никоҳ тузишда ихтиёрийлик тамойилини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари никоҳни юридик расмийлаштиришда яққол намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг ОК 13-моддасига биноан никоҳ тузиш тартиби нормаланган бўлиб, унга кўра:

— биринчидан, никоҳ тузиш учун билдирилган ёзма розилик (ариза никоҳланувчи шахслар томонидан, яъни эркак ёки аёл томонидан бевосита ёзилади ва имзоланади) асосида намоён бўлиши;

— иккинчидан, никоҳ тузиш учун ариза берилгандан кейин бир ойлик муддатнинг белгиланиши. Ушбу қонун билан белгиланган бир ойлик муддатнинг бел-

гиланишидан кўзланган мақсад, никоҳланувчи шахслар никоҳга эркин, ихтиёрий, тенглик ҳамда ўзга шахсларнинг мажбурловсиз розилик билдирганини аниқлаштириш ҳамда келажак оилани мустаҳкамлигини таъминлашдан иборатдир;

— учинчидан, никоҳ никоҳланувчиларнинг шахсан иштирокларида қайд этилади. Никоҳни вакил ёки ишончнома орқали расмийлаштиришга йўл қўйилмайди.

2010 йил 28 декабрь 319-сон билан “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”га ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 203-моддасига киритилган қўшимча ва ўзгартишларга асосан, қишлоқ, овул, посёлка жойларида никоҳни қайд этиш ваколати чиқариб ташланди. Шунинг учун никоҳни фақатгина белгиланган тартибда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида расмийлаштириш талаб қилинади.

Шуни яна алоҳида таъкидлаш зарурки, 1969 йилги ЎзССРнинг Никоҳ ва Оила кодекси 17-моддасида никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг фақатгина ўзаро розиликлари талаб қилинган бўлса, амалдаги Оила кодексига ушбу масалага кенгроқ ва чуқурроқ ёндашилишнинг кўриш мумкин. Оила кодексига нафақат никоҳ тузишнинг ихтиёрий эканлиги, балки бўлажак эр-хотинларнинг ўзаро розиликларини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлишлари ва никоҳ тузишга мажбур қилишнинг тақиқланиши нормаланади.

Оила ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири бўлган тамойил никоҳ тузишнинг ихтиёрийлик тамойилидир. Ушбу тамойилга оғишмай амал қилиш, оиланинг мустаҳкамлиги ва уни бахтли ҳаёт кечирishi оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатликда бўлиши, бошқа бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашishiга йўл қўймастик учун бўлажак эр-хотинлар никоҳ тузишни пухта ўйлаб, ўз хоҳиш-ихтиёрларига асосланган ҳолда тузишлари лозимлигини пойдевори ва асоси деб ҳисоблаш мумкин. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги унинг асосий шартларидан бўлиши билан уни эркин ва тенглик тамойили асосида вужудга келишини, оилани барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлайди.

Никоҳнинг эркин тузилиши учун берилган рози-

лик ҳақиқий бўлиши, унинг кўрқитиш, зўрлаш, алдаш орқали ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир қилиш йўли билан тузилиши тақиқланади³.

Оила кодексининг 13-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга руҳсат бериши мумкинлиги нормаланади. Ушбу модданинг бешинчи қисмида эса алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкинлиги кўрсатилади.

Оила кодексининг 14-моддасида бўлажак эр-хотиннинг ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши ҳамда никоҳ тузишга мажбур қилишни тақиқлаш каби қоидаларнинг киритилиши оилани мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий норма бўлиб хизмат қилади.

Никоҳ тузиш шартларидан бири бўлган никоҳ тузувчиларнинг эркин хилоф равишда қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар инсон манфаатларига нисбатан зид ҳисобланиб, мустақил республикамиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини поймол қилинишига олиб келади. Никоҳни ўзаро келишув-розилик асосида тузилиши, ўз навбатида, бўлажак эр-хотин томонидан оиланинг тенглик асосида қурилганлигини билдирса, бошқа томондан оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишини ҳам таъминлашга қаратилган тадбир ҳисобланади.

Якка никоҳлилиқ хусусида тўхталиб, мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръони Каримда кўп хотинликка йўл қўйиш умумий қоидадан истисно сифатида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Нисо сурасининг 3-оятда “Сизлар учун никоҳда ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан кўрқсангиз бир аёлга уйланинг...” ёки қўл остингиздаги чўри билан кифояланинг. Мана шу жабру-зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир⁴, деб кўрсатилган. Қуръоннинг бу оятини Алоуддин Мансур шундай изоҳлайди: “Гарчи Қуръонда кўп хотинликка руҳсат берилса ҳам хотинлар ўртасида адолат қилиш шарт эканлиги таъкидланади”. Маълумки, исломгача бўлган даврда кўп хотинлилиқни чегараси йўқ эди ва ҳеч қандай шарт қўйилмаганди. Қуръонда у тўрттага қадар чекланиб ва албатта, ўртада адолат барқарор бўлиши шарт қилиб қўйилди. Модомики, адолат мурод экан, нима сабабдан бир эркакка бир аёл билан турмуш қилиш амр этилмади? Исломуламулари бу саволга шундай жавоб қилдилар: маълумки ислом воқеий диндир. Яъни, у инсонларни покиза ҳаёт кечиришга даъват қилишда ғайривоқеий йўллари тутмайди. Бинобарин, бу қонунда ҳам воқеий инсоний ҳаёт назарда тутилган. Биринчидан, асрлар давомидаги тажрибаларнинг кўрсатишича, ўғил боладан қиз бола кўпроқ туғилади. Иккинчидан, аёл киши эркак кишига қараганда кўпроқ

умр кўриши воқеий ҳақиқатдир. Учинчидан, турли фожиалар, хусусан, уруш ва тўқнашувларда асосан эркаклар ҳалок бўладилар. Мана шу ва бошқа кўплаб сабаблар натижасида инсоният оламида муҳим аёлларнинг саноғи эркакларникидан ортиқ бўлади. Демак, бир эркак фақат бир аёлга уйланиши мумкин, дейилса, эркаклар саноғидан ортиб қолган аёлларга зулм қилинган бўлур эди. Яъни, бу аёллар ўзларининг турмуш қуриш ва она бўлиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб қолар эдилар. Натижада жамиятда нопоклик ва маиший бузуқликлар вужудга келар эди. Шунинг учун Ислому имкониятлари бўлган кишиларга агар адолат қила олишнинг уддасидан чиқсалар бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуришга руҳсат беради ва шу билан бирга, аёллар ўртасида адолат қилмай, фақат шахвоний нафсини қондириш учунгина кўп хотин олишга ружу қўйган кимсалар учун охирабда ашаддий азоб борлиги ҳақида огоҳлантиради.⁵ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидан оиланинг янада мустаҳкам ва барқарор бўлиши, келажак насли соғлом дунёга келиши учун янгилик сифатида 17-модда киритилган бўлиб, у никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишга бағишланган.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш муқаддам амалда бўлган кодексда ўз ифодасини топмаганлиги сабабли никоҳланувчи шахсларнинг никоҳлари қонун доирасида никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя қилиниб тузилган бўлса-да, бироқ эр-хотинлардан бирида юқорида номлари зикр этилган касаллик турларидан айримлари никоҳга қадар уларда мавжуд бўлганлигини амалиётда учратиш мумкин эди. Бунинг натижасида касалликка чалинган ота ёки онадан турли нуқсонлар(кар, соқов, ўз фикрини эркин ифода эта олмайди-ган ёки ота-онасида мавжуд бўлган қон орқали юқадиган касаллик ОИВ/ОИТС) билан туғилган болалар сонининг кўп бўлганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Оила кодексига биноан никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтишлари, тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши нормаланади. 17-моддага 2002 йилнинг 13 декабрида ҳамда 2009 йил август ойида қўшимча ва ўзгартириш киритилган⁶. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 17-моддасига асосан никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтишлари, тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши ҳамда мазкур моддага 2009 йил 11 мартда киритилган иккинчи қисмда “эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўз рози-

ликлари билан ўтказилишлари нормаланеди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, никоҳланувчи шахслар қуйидаги касаллик турлари бўйича тиббий кўриқдан ўтишлари лозим:

- ОИВ (ОИТС) юзасидан текшириш;
- ўпка касалликлари;
- тери-таносил касалликлари;
- наркологик касалликлар;
- руҳий касалликлар.

Никоҳланувчиларнинг никоҳдан ўтишлари билан ўзларининг оила олдидаги мажбуриятларига, ўз хатти-ҳаракатларига руҳий ҳолатдан жавоб бериш ва уни тушуниб етиш мумкинлигини англашиш, келажакда эр-хотинлик мажбуриятларини амалга оширишга қанчалик қодир ёки қодир эмасликларига қафолат бўлиб хизмат қилади. Никоҳланувчилар никоҳ муносабатларига қираётганларида тўлақонли равишда ўзларининг хатти-ҳаракатларига жавоб берадиган бўлишлари, яъни муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим.

Мазкур модда нормаларини амалиётга кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланган. Юқоридаги кодекс нормалари ҳамда Низом талаблари, шунингдек, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги, “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”ги, “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунлари авваламбор, соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, ирсият билан боғлиқ туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишга қаратилгандир.

Оила кодексининг 17-модда ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Низом талаблари амалиётга кенг жалб қилиниши натижасида бугунги кунда мазкур касалликлар билан бола-

ларнинг туғилиши бирмунча камайганлигини кўриш мумкин. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тиббий кўриқ натижалари бўйича маълумотнома беришда шифокор никоҳланувчи шахсга аниқланган касалликларнинг никоҳ тузилгандан кейин юзага келиши мумкин бўлган оқибатларини тушунтиради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда республикамизда “Оила илмий-амалий маркази”, шаҳар ҳамда туманларда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари ҳамда оилани режалаштириш бўйича марказлар томонидан никоҳланувчи шахсларга тиббий кўриқдан ўтишнинг афзалликлари хусусида батафсил маълумотлар бериб борилмоқда. Ва бунинг натижаси айтиш мумкинки, ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, бугунги кунда ҳар бир оила аъзосининг соғлом бўлиши, янги туғилган фарзанднинг соғ ва саломат вояга етиши қанчалик муҳим иқтисодий ва маънавий масала эканлиги барчага аёндыр. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ва “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарорлар ва юқоридаги номлари санаб ўтилган қонунлар ҳамда “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги Низом мамлакатимизда оилаларнинг ижтимоий барқарорлиги, фаровонлиги йўлида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Доно халқимизда «Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади», деган ибора мавжуд. Шунинг учун никоҳланувчи шахслар, албатта, никоҳ тузиш тартиби ва шартларига риоя қилган ҳолда тиббий кўриқдан ўтсалар, келажак авлод етук ва баркамол ҳамда барча оилалар тинч-тотув, аҳил бўладилар.

АННОТАЦИЯ

В статье поднят вопрос о заключении брака, как важной основе крепкой семьи. Автор обзорекает законодательные основы заключения брака в Республике Узбекистан, подробно освещая конституционные и законодательные основы бракосочетания. Также проанализированы подзаконные акты в данной сфере.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.-Тошкент : Ўзбекистон, 1998.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент:Ўзбекистон, 2008.

³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳлар. -Тошкент: Адолат. 2000. -43 б.

⁴ Қуръони Карим. Тошкент: Чўлпон, 1992. -Б.66-67.

⁵ Қуръони Карим. Нисо сураси. 4-оят. Изоҳ 2. 67-бет

⁶ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 1-сон, 8-модда.**

Илҳом УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари тингловчиси

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ҳар доим муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, ўзбек оиласининг вужудга келишида, шаклланишида ва барқарор бўлишида маҳалла марказий ўринда турувчи институтлардан бири ҳисобланган. Президентимиз 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилар экан, оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни хусусида гапириб, куйидагиларни таъкидлаб ўтди: “Мустаҳкам оила” деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим. Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла — халқ виждони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда. Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди¹».

Дарҳақиқат, ўзбек оиласи учун маҳалла фикри билан ҳисоблашиш, маҳалладошларни ҳурмат қилиш, маҳалланинг ободончилиги, тантаналари ва маросимларида иштирок этиш ҳар доим алоҳида қадрият сифатида эъозлаб келинган. Бундан ташқари, ўзбек халқининг “қўшнинг тинч, сен тинч” мақолидан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек оиласининг маҳаллага бўлган эътибори ва маҳалла билан чамбарчас боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Қолаверса, ўзбек оиласида ўтказиладиган турли тўй маросимлари, хурсандчилик кунлари маҳалла оқсоқоллари ва улуглари билан маслаҳатлашган ҳолда ўтказилиши ва оғир кунларда ҳам маҳаллага суюнилиши йиллар давомида шаклланган миллий қадриятларимизнинг ўзига хос жиҳатидир. Киши ўзини оиласиз, ватанисиз тасаввур қила олмаганидек, ўзбек оиласини маҳалласиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки халқи-

миздаги “битта болага етти маҳалла ота-она” деган ажойиб нақлнинг мазмунида ҳам маҳалланинг бола тарбиясидаги, оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишидаги ўрни мужассам.

Амалдаги қонунчиликда ҳам оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни, унинг функциялари ва вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (1999 йил 4 апрель) Қонуни 1-моддасида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир” деб кўрсатилганлиги маҳалланинг оила учун катта аҳамиятга эга институт эканлигини тасдиқлаб турибди. Шу билан бирга, Қонуннинг 10-моддасида маҳалланинг “тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш” ваколати белгиланган бўлиб, бу қоида оилавий тадбирларни ўтказишда маҳалланинг кўмакчи, қўллаб-қувватловчилик ролини кўрсатади. Оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида маҳаллага берилган ваколатлардан яна бири — “кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этиш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлашдир”. Бу функция маҳалла аҳлининг бирдамлигини таъминлаш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган ҳамда оила — жамият — давлатнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлайдиган муҳим

вазифадир. Бугунги кунда маҳаллаларнинг мазкур вазифаси давлатнинг бевосита қўллаб-қувватлаши ва ғамхўрлиги остида амалга оширилиб келинаётганлиги сир эмас, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўрғонлар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларинида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш махсус жамғармалари ташкил этилиши қайд этилган эди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сонли “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги Қарорида кам таъминланган оилаларга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган эди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларни таъминлашда маҳалланинг ва давлатнинг вазифаларини ҳамда ушбу соҳадаги ишларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга оид бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Бундай ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 19 августдаги “Ўй-жойларнинг хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қўшимча чоралар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сонли Қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларини қишки кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби 2006 йил 21 апрелдаги 67-сонли Қарор билан тасдиқланган «Қишлоқ жойларидаги кам таъминланган ва кўп болали оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисида»ги Низом кирди.

Оилани мустаҳкамлашга қаратилган маҳалланинг вазифаларига қаторига яна қуйидагиларни киритиш мумкин:

— хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётда, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

— икки ёшга тўлмаган болалари бор ишлаймайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлаш ва тўлаш;

— бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронажлик) ёрдами шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашиш.

Бундан ташқари, оилавий можаролар, оиладаги ажралишларнинг олдини олишда, маҳалладаги ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлашда маҳалла қошида тузилган яраштириш комиссияси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида”ги Низомда яраштириш комиссияларининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

— яраштириш комиссиялари ҳудудда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўладиган тадбирларда, йиғилишларда иштирок этиш ва уларда ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандлик оилавий низоларнинг асосий сабабларидан бири эканлиги, оилаларнинг тўқислиги уларнинг тинч-тотувлигига боғлиқ эканлиги тўғрисида чиқишлар қилиш;

— ҳудуддаги намунали оилалар, уларда фарзандлар тарбияси, эр-хотинлар ҳамда фарзандлар орасидаги муносабатлар бўйича оммалаштиришга арзигулик масалалар тўғрисида маҳаллий матбуотда мақолалар ва телевидениеда туркум кўрсатувлар ташкил этиш;

— тўй-маъракаи ва улар олдидан ҳамда улардан кейин ўтказиладиган бошқа тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, ортиқча сарф-харажатлар оила турмушида салбий из қолдириши, оилалардаги ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб бориш;

— маҳаллаларда, кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ҳолларининг олдини олиш, инсон қадр-қимматини таҳқирлаб кўчаларда маст ҳолда юрвчи шахсларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида уларни оила аъзолари, маҳалла фаоллари иштирокида муҳокама қилиш чораларини кўриш;

— спиртли ичимликларга ашаддий ружу қўйган ва гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган шахсларни аниқлаб, зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда мажбурий даволанишга юбориш чораларини кўриш;

— милиция ҳисобида турган, айниқса илгари

судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи шахслар билан профилактик иш олиб боришда иштирок этиш, зарур ҳолларда уларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини ўз мажлисларида муҳокама қилиш;

— жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг оилаларига ўз вақтида қайтишини назорат қилиш, уларга турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан тез фурсатда муносабатларини тиклашда, ҳалол меҳнат билан кун кечиришга тезроқ киришишда руҳий жиҳатдан мадад бериш, улар ўртасидаги ўзаро ишончнинг йўқолмаслиги учун, агар йўқолган бўлса уни тиклаш учун халқимизнинг синалган қадриятлари ва зарур ҳолларда ислом дини йўналишидаги панднасиҳатлардан фойдаланиш;

— турмуш ўртоғи, фарзандлари ёки кекса ота-онаси билан мунтазам равишда нотинч яшаётган ҳамда оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларни аниқлаш мақсадида ҳар бир оиланинг турмуш тарзи ва муҳитини чуқур ўрганиб бориш;

— ҳудуддаги кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга ўз даромадларини ошириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиш, қўшимча вақтбай ёки ишбай, шунингдек уй шароитида ишлаш, ҳунар ўрганиш, касаначилик билан шуғулланиш бўйича имкониятлар яратиш чораларини кўриш, бундай оилаларга белгиланган тартибда ижтимоий ҳамда моддий ёрдам кўрсатилиши тўғрисида таклифлар киритиш;

— хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Уларнинг ижтимоий ҳаётда, оилада маънавий-ахлоқий, шунингдек руҳий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги маъкеини оширишга қаратилган кенг қамровли ишларни амалга ошириш;

— миллий қадриятларимизга зид ҳолда ноҳў хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларни, айниқса аёлларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни кўришда фуқаролар йиғинларига фаол кўмаклашиш;

— эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-она ва фарзанд, қайнона ва келин, кўни-қўшнилари ўртасида оилавий жанжаллар оқибатида юзага келган салбий муносабатларни бартараф этиш чораларини кўриш;

— ҳар бир аниқланган оила-турмуш муносабатлари доирасидаги жанжаллар бўйича қонуний чоралар кўрилишини таъминлаш;

— оилавий жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

— ўз ишларини ҳар ой якунига кўра умумлаштириб, бу тўғрида манфаатдор ташкилотларга ахборот бериб бориш.

Албатта, маҳаллалар қошидаги мазкур комиссиянинг вазифалари оиланинг тинчлиги ва тотувлигини, барқарорлиги ва давомийлигини таъминлашда ва ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, маҳалла, ҳар доим ундаги оилаларга баҳо беришда, оила аъзолари ўртасидаги меҳр-муруватни шакллантиришда, оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда асосий ва ҳал қилувчи институтлардан бири бўлиб қолаверади.



АННОТАЦИЯ

В статье освещен вопрос о роли и месте махалли в формировании крепкой семьи. Автор анализирует правовые основы деятельности института махалли, изучается правоприменительная практика. Особое внимание уделяется тщательному анализу подзаконных актов в данной сфере.

¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Оила, ижтимоий институт сифатида кишиларнинг қон-қариндошлик, мулк ва манфаат умумийлиги, талаб ҳамда эҳтиёжларини биргаликда қондиришга асосланган, ўзаро келишилган ҳолда тузилган ягона бўлган микроижтимоий тузилмадир. Оила қайси маданият вакилларига, қайси касб эгаларига мансуб эканлигидан қатъи назар, у мустаҳкам бўлса, бундан жамият манфаатдордир. Айнан оилада инсон ўз қадрини англайди, ҳаётнинг моҳияти, умр мазмунини, яшаш тарзини, эзгу хулқ намуналарини эгаллаб олади. Оила рекреацион функцияни бажариб, инсоннинг жисмоний ва психологик чарчоқларини чиқариш учун хизмат қилиб, ўз аъзоларини ҳимоя этади. Шу боис ёшларимизни оила ҳаётига тайёрлаш мустаҳкам оила гарови ҳисобланади. Шу маънода Президентимиз Ислон Каримов томонидан 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши, мамлакатимизда инсон манфаатини ҳимоялашга қаратилган миллий сиёсатимизни мантикий давоми ҳисобланади.

Бугунги ахборот хуружи, мафкуравий ва маънавий таҳдидлар ошиб борилаётган бир даврда инсонни ҳимоялайдиган муҳим институт бу оила ҳисобланади. Оила бажарадиган функцияларни бошқа бир институт бажара олмайди. Агарда, бугунги кунга келиб жамиятда инсон манфаати муҳим эканлигига жиддий эътибор қаратилишини инобатга олсак, унинг ҳаётининг мазмундорлигини таъминлашда оиланинг ўрни муҳим ҳисобланади. Оила ижтимоий институт сифатида бир нечта босқичлардан ўтади, яъни уни ибтидо ва интиҳосини назарий жиҳатдан қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ◆ умр йўлдош (рафика) танлаш;
- ◆ бир-бирини ўрганиш ва никоҳ тузиш;
- ◆ ўзаро мослашиш ва қийинчиликларни бирга енгиб ўтиш;
- ◆ фарзандларни дунёга келтириш, уларни тарбиялаш;
- ◆ фарзандларнинг камол топиши ва муста-

қил ҳаётга кириб бориши;

- ◆ фарзандлар оиласининг пайдо бўлиши;
- ◆ эр-хотин ёшининг улғайиши ва уларнинг оламдан ўтиши (улардан бири ёки ҳар иккалови).

Оила ва оилавий муносабатлар масалалари неча асрлардан буён буюк мутафаккирларимизнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Сабаб, оила тарбияловчи, мақсадга йўналтирувчи, сафарбар этувчи, мослаштирувчи, ҳаммаслақ бўлувчи каби маънавий вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда. Масалан, Ал-Аббос Ал-Хоразмий оила бахтини, инсоннинг кадр қимматини муҳаббатда кўриб, “Муҳаббат ҳар қандай қиммат нарсанинг баҳосидир ва ҳар қандай юқори нарсанинг шотисидир”, — деб инсон ҳаётида ота-онага, Ватанга, фарзандга, оилага бўлган муҳаббат мавжуд бўлишини кўрсатиб ўтган. Бунда Ал-Хоразмий оилавий ҳаётда пайдо бўлиши мумкин бўлган низо, қийинчиликларни енгиб ўтиш, чидамли бўлишни, агарда оила шунчаки ҳавас асосида, яъни муҳаббатсиз вужудга келган бўлса, бунда на эр ва на хотин бардош бермасдан ажралиб кетишларини кўрсатиб ўтган.

Абу Райҳон Берунийнинг қарашларида оила ва оилада бола шахси тарбияси; интеллектуал таълим; ахлоқий ва жисмоний тарбия; меҳнат ва инсонпарварлик тарбияси алоҳида ўрин эгаллаган. Беруний оилаларни бузилишида кўпинча рашк сабаб бўлишини кўрсатиб “Эй, қизим! Рашк қилишдан сақлангин, чунки у ажралиб кетишнинг калитидир. Эринга ҳадеб гина қилишларни ман қиламан, чунки у нафратни уйғотади. Яхшиси сен ўзингга пардоз бергин. Агар сахрога чиқар бўлсанг доимо ёнингда сув бўлсин... Ўз эрингни кўрганда, хушчақчақ бўлган вақтида сен хафалиқдан, у хафа бўлган вақтда сен хушчақчақликдан сақлан. Эрнинг сирини фош этмагин, акс ҳолда унинг олдида ўзингни камситган бўласан...”, — деб оилани сақлаб қолишда хотин шахсининг ўрни, у бажарадиган вазифалар ва оилада ай-

нан хотинлик бурчини ижобий бажаргандагина маънавий иқлимни барқарорлиги таъминланишини кўрсатиб ўтган.

Оилавий барқарорлик оилада тарбия топаётган фарзандларга, яқин қариндошларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Абу Али ибн Сино “Китоб-ул-шифо” асарида оилаларнинг бузилиш сабабларини куйидагича кўрсатиб ўтган:

— биринчидан: ўзаро эр-хотинликдан фарзанд бўлмаса;

— иккинчидан, хотин ўз эрига хиёнат қилса;

— учинчидан, хотин тарбиясиз бўлса;

— тўртинчидан, эр-хотин бир-бирларига ёқмайди қарама-қарши хусусиятларга эга бўлсалар.

Тадқиқотчилар айнан ёшларнинг жиноятга қўл уришида оиланинг таъсири мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтиб, бунда объектив ва субъектив омилларнинг мавжудлигини таъкидлайди. Масалан, педагогика фанлари номзоди Р.Маҳмудов болаларни жиноят йўлига кириб кетишига объектив омил сифатида куйидагиларни келтиради: — оиланинг моддий фаровонлиги; — моддий жиҳатдан оила аъзолари ўзларини таъминлай олиши; — оиланинг уй-жой билан таъминланганлиги; — оила аъзоларининг сони ва ҳоказоларни келтиради.

Субъектив омил сифатида эса: — оилада ўзаро муносабатлар; — оила аъзоларининг иш билан бандлик даражаси; — оила аъзоларнинг маънавий савияси; — оилада ота-оналарнинг ўзаро ҳуқуқий маданиятини кўрсатиб ўтган.

Аммо, объектив омил сифатида оилани қайси тур оилага мансублиги ва субъектив омил сифатида эса ота-оналарнинг қайси тур оилада тарбия топганликлари ва уларнинг маълумот савияларини кўрсатиб ўтмаганларки, бизнингча булар ҳам алоҳида инobatга олиниши лозим. Фарзандлар тарбиясида институтчионал ҳамкорлик ижтимоий ҳамкорлик каби алоҳида аҳамиятга эга эканлиги профессор Ҳ.Йўлдошев тамонидан кўрсатиб ўтилган бўлиб, тадқиқотчи куйидаги уч хусусиятни белгилаб берган: — институтчионал тузилиш; — институтчионал вазифа; — институтчионал ҳамкорликнинг мавжудлиги.

Бунда назарий жиҳатдан асосланган концепция асос қилиб олинган ва унинг таълим жараёнидаги амалий аҳамияти ифодалаб берилган.

Ҳар бир оила ўз хусусиятларига эга бўлиб этномаданый томонларни ўзида мужассамлаштиради. Оилага тааллуқли бўлган ўша миллат урф-одатларини, удумларини, анъаналарини бажариб, вояга етаётган фарзандларга миллий хусусият-

лар асосида тарбия беради. Фалсафа фанлари доктори М.Холматова ўзбек оиласининг фазилатлари ижобийлигини кўрсатиб, куйидаги фазилатларнинг айнан оилавий тарбия асосида шаклланишини таъкидлайди: — инсонпарварлик; — оилапарварлик; — фарзандпарварлик кабилардир.

Олима нотўлиқ оилалар ҳақида фикр юритиб, бу оилаларда маънавий-руҳий муҳит мураккаблиги ва уни соғломлаштириш қийинлигини куйидагилар билан асослайди: — она ва болаларнинг ёлғиз қолганликлари; — ота ва болаларнинг ёлғиз қолганликлари; — бошқа-бошқа никоҳлардан фарзандларнинг мавжудлиги.

Оилада соғлом маънавий муҳитни таъминланиши кучли ижтимоий тизимнинг мавжудлиги билан боғлиқ, бу оила аъзоларини ижтимоий-психологик хусусиятларининг мажмуаси сифатида ифодаланиши мумкин. Р.Самаровнинг “Жамият ва Қуролли Кучлар феминизациялашуви” деб номланган монографиясида ёзишича, соғлом маънавий муҳит бевосита оила аъзоларининг, яъни эркак ва аёлларнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқдир. Негаки, аёллар табиатан бунёдкорлик, тежамкорлик, ташкилотчилик ва оилапарварлик каби хусусиятлари билан характерланади. Улар жамият ҳаётида шунчаки иштирокчи сифатида эмас, балки интеллектуал салоҳиятлари ва ўзларида мужассамлашган турли қобилиятларини тўлалигича намоён эта олиб, сиёсий бошқарувда, ижтимоий-сиёсий муносабатларда янада кўпроқ ижобий натижаларга эришишлари мумкинлигини амалда исботламоқдалар.

Аёллар эркаклардан психологик ва психофизиологик жиҳатлари билан ҳам ажралиб турадилар. Масалан, уларда куйидаги хусусиятлар: — ҳиссиётчанлик; — таъсирчанлик; — хатти-ҳаракатларининг кўпроқ юрак амрига бўйсунганлиги; — ҳулқида сезги (инстинкт)нинг устуворлик қилиши; — атрофдагилар ҳақида интуитив ҳулосалар чиқариш; — кўпроқ очиқ характерга эгаллик яққол намоён бўлиши мумкин.

Эркаклар эса куйидаги хусусиятлари билан характерланадилар: — диққат-эътиборни тез жамлай олиш; — ақл-идрок билан иш юритиш; — ҳулқ-атворини мантиқий ҳулосалар асосида шакллантириш; — ўз ҳиссиётларини идора қила олиш; — атрофдагиларга танқидий муносабатда бўлиш¹.

Оила ўз аъзоларининг маънавий, жисмоний ва руҳий ҳолатлари барқарорлигини таъминлайди. Негаки, оиланинг психотерапевтик вазифа-

си алоҳида ажралиб туради. Шу сабабли бўлса керакки, В.Каримова “Оилаларимизда ҳар томонлама соғлом муҳит ҳукмрон экан, фарзандларимиз баркамол вояга етадилар, фуқаролари баркамол жамият эса ҳеч қачон завола топмайди. Жамият таянчи соғлом оила бўлар экан, фарзандлари миллат даражасида тафаккур қилишга қодир бўлган бундай юрт барқарор тараққиёт йўлидан оғишмайди, амалга ошираётган барча ислохотларимиз албатта самара беради”², — деб ёзган.

Шу ўринда мамлакатимизда оилани ўрганишга бағишланган ишларни қуйидаги йўналишлар бўйича ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- оилавий кадрятлар ва ота-она масъулияти;
- никоҳдан қониқиш ва оилавий муносабатлар маданияти;
- эр-хотин низолари ва уларни бартараф этиш йўллари;
- оилада турли агрессияларнинг намоён бўли-

ши ва уларнинг профилактикасини амалга ошириш;

- ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг миллий хусусиятлари;
- ёш оналарни тайёрлаш;
- эр-хотинларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш;
- фарзанд тарбиясининг долзарб муаммолари;
- репродуктив саломатликни таъминлашнинг ижтимоий-тиббий жиҳатлари;
- оилада аёллар ролини ошириш ва жамиятда уларнинг мавқеини кўтариш;
- оилага психологик, педагогик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва б.

Мазкур тадқиқотлар ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш, фарзандлар тарбиясига оид, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, амалий психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун амалий аҳамият касб этади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена роли семьи в социальном развитии страны. В статье освещаются исторические аспекты формирования семьи, фундаментальные основы, направленные на защиту прав и законных интересов членов семьи, деятельность, направленная на изучение и укрепление данного института. Автор вступает в научную полемику с национальными учеными.

¹ Самаров Р. С. Жамият ва Қуролли кучлар феминизациялашуви. — Тошкент: Фан, 2008. — Б. 4.

² Каримова В.М. Оила ва никоҳ: ижобий ўзгаришлар // Оиланинг долзарб муаммолари: устувор вазифалар ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. — Т., 2008. — Б. 10.

Хуршида АРТИКХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги
тадқиқот марказининг етакчи консультанти

ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Жамият ва давлат учун оила, оналик, оталик ва болалик ижтимоий жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эгадир, зеро, шу тушунчалар жамият ва давлатнинг шаклланишини таъминловчи омиллардир. Шу сабабли ҳам оилавий муносабатларни тартибга солиш муаммоларига ижтимоий-сиёсий, илмий ва оддий турмуш нуқтаи назаридан ёндашиш талаб этилади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз томонидан “Кучли оила асосида кучли жамият барпо этиш” ғояси илгари сурилганлиги бежиз эмас. Мамлакатимизда оила манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий асосларини умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида янада бойитиш, чуқур билимли, касб малакаси шаклланган маънавий ва жисмоний соғлом авлодни вояга етказиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Конституциямизда алоҳида бобда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланган бўлиб, унда оила давлат муҳофазасида экани, никоҳнинг тенглиги, вояга етмаганларга нисбатан жамиятнинг ғамхўрлиги баён қилинган. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг азалий қадриятлари ўз ифодасини топди.

Оила қонунчилигига никоҳ шартномаси киритилиб, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган умумий мол-мулкларини белгилаб, ҳар иккаласининг умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлишлигининг таъминлаб берилиши назарда тутилган. Бу ҳаётда учраётган айрим воқеалар, ажралиш натижасида эр-хотин ўртасида мол-мулк талашишларга чек қўйиш мақсадида мулк ва мулк ҳуқуқнинг шартномавий тартибини белгиланган. Аммо, қонуннинг бу нормаси амалиётда кам қўлланилиб келинмоқда.

Никоҳланувчи шахсларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш жиддий масала бўлганлиги сабабли Оила кодексига киритилган. Бу қоида ни қонунга киритишдан мақсад — соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдан, никоҳга кирувчиларга тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалаларида маслаҳатлар беришдан иборат.

Жамиятимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз томонидан 2012

йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинди.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан оилани мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Республикада 2010 йилда 29651 та никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво аризаси қабул қилинган бўлиб, улардан 17376 таси қаноатлантирилган, 842 таси келишув битимига асосан тамомланган.

2011 йилда 31720 та никоҳдан ажралиш ҳақидаги даъво аризаси қабул қилинган бўлиб, улардан 18679 таси қаноатлантирилган, 2368 таси келишув битимига асосан тамомланган. Никоҳдан ажралиш ҳақидаги аризалар сони 1 йилда 2159 тага кўпайган.

Ҳозирги кунда фуқароларимиз томонидан қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини яхши англаб етмаслик оқибатида қонуний никоҳдан ўтмасдан шаръий никоҳ билан оила қуриб яшаётганлар ҳам учраб турибди.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва маъсулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ¹.

Статистик маълумотларга кўра, республика миқёсида оталикни белгилаш ҳолатлари 2010 йилда 1693 тани, 2011 йилда 2061 тани ташкил этган, яъни 2010 йилга нисбатан 2011 йилда 368 тага кўпайган.

Ушбу ҳолатни ота-оналар томонидан фарзандларнинг шаръий никоҳ билан турмушга узатиб юборилиши, эр ёки хотин биринчи турмуши билан қонуний ажрашмасдан туриб иккинчиси билан яшаб келаётганлиги оқибатида фарзандларининг туғилиши оталикни белгилаш ёки ёлғиз она йўли билан расмийлаштирилиши билан изоҳлаш мумкин.

Бу ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш учун айрим кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ҳар бир ФҲДЁ органлари қошида никоҳланувчи ёшларни турмушга тайёрлашга йўналтирилган ҳуқуқий, тиббий ва психологик консултация марказларини ташкил этишни белгилаб берувчи норма киритилиши мақсадга мувофиқ. Халқаро қонунчилик таҳлилига кўра, бундай норма Беларуссия Республикасининг Оила ва никоҳ тўғрисидаги кодексига ўз аксини топ-

ган². Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги буйруғи асосида ҳар бир ФХДЁ бўлими қошида “Оила дорилфунуни”-“Ёш оила мактаби” ташкил этилганлигига қарамасдан, бугунги кунда амалда бундай марказлар фаолияти асосан маҳаллаларда ҳуқуқий маслаҳат бериш билан чекланиб қолмоқда. Бундан ташқари, бундай марказлар фаолият юритаётганлигидан ҳамма ёшлар, айниқса, никоҳланувчилар беҳабар бўлиб қолмоқда. Фикримизча, бундай норманинг Оила кодексига мустаҳкамлаб қўйилиши ҳар бир никоҳланувчи бу марказ ҳақида ҳабардор бўлиши ва мазкур марказ томонидан ўтказиладиган машғулотларда қатнашишлари учун мустаҳкам замин яратган бўлар эди. Бу марказ доимий фаолият юритиб, унда психологлар, тиббиёт ходимлари ва албатта ҳуқуқшунослар доимий иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, Украина оила кодексига келин-куёв бир-бирларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишиши тўғрисидаги норма мавжуд бўлиб, унга кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари келин ва куёвни бўлажак эр-хотин ва ота-оналар сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида таништириб ўтишлари шарт³. Бундай нормани миллий қонунчиликка тадбиқ этиш никоҳланувчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистонда никоҳдан суд тартибидан ажратишда суд эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли⁴, ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш ҳақида ариза берилганидан кейин уч ой ўтгач амалга оширилади⁵. Франция Оила қонунчилигига кўра, эр-хотин ўртасида низо бўлмаган тақдирда ва уларнинг ўзаро келишуви асосида никоҳдан ажратиш тўғрисида даъво аризаси никоҳ тузилгандан кейин олти ой муддат ўтмагунига қадар қабул қилиниши мумкин эмас⁶ ҳамда судья оилани сақлаб қолиш мақсадида ишни кўриш вақтида даъво аризасини эр-хотиннинг ҳар бири билан алоҳида шундан сўнг уларнинг иккаласи билан биргаликда, кейин уларни адвокатлари иштирокида кўриб чиқади. Агар эр-хотин кўнмаса ўйлаб кўриш учун уч ой муҳлат беради⁷.

Бундай тартибни миллий қонунчилигимизга тадбиқ этиб, ФХДЁ органлари ва суд томонидан никоҳдан ажратишда хотиннинг хомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейинги даврдан қатъи назар даъво аризалари никоҳ тузилгандан кейин бир йил муддат ўтмагунига қадар қабул қилиниши мумкин эмаслиги тўғрисида норма киритилиши оилаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, оилани мустаҳкамлаш, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар асосида ривожлантириш, нуфузини оширишга доир режалаштирилган дастурларни бажаришда жамиятнинг барча институтлари, айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар оилалар, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий ва маънавий тарғиботни янада кенгроқ олиб боришлари лозим. Зеро, оила фаровонлиги маҳаллада ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашда ва жамият тараққиётида муҳим омил ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш зарур. Тиббий саводхонлиги юқори киши оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун курашади. Бунинг барча тартиб ва талабидан келиб чиқиб, иш кўради. Айтайлик, бугунги кунда одамларимиз орасида яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ учраб турибди. Оқибатда бундай оилаларда хаста ва ногирон фарзандлар туғилиши кузатиляпти.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунчага эга бўлган инсон ҳеч қачон бунга йўл қўймайди. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, оилаларни қийнаётган муаммоларни ечиш бўйича амалий ташаббуслар билан чиқиш зарур.

Оилани муқаддас билиш ва унинг мустаҳкамлиги учун курашиш бизнинг қон-қонимизга синган юксак маънавий туйғу, ҳаётий аъмолдир. Зотан, Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам совершенствования семейного законодательства Республики Узбекистан. Автор проанализированы законодательные основы, регулирующие семейные отношения, положительный опыт зарубежных стран, приводятся статистические данные. В заключении автором вносятся конкретные предложения по совершенствованию семейного законодательства.

¹ “Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

² Белоруссия Республикаси Оила ва никоҳ тўғрисидаги кодекси 15-модда.

³ Украина Оила кодекси 29-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 40-модда.

⁵ “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 111-банди.

⁶ Франция Фуқаролик кодекси 230-модда.

⁷ Франция Фуқаролик кодекси 231-модда.

Дилбар ЮНУСОВА,
Дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

«Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».

Ислом КАРИМОВ

Оила жамиятнинг ажралмас бир бўлагидир. Жамият, оила ва шахс узлуксиз силсила бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқасидан айри ҳолда мукамал бўла олмайди. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият равнақига шу даражада мустаҳкам пойдевор бўлади. Жорий йилга Президентимиз Ислом Каримов томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб ном берилгани ўзбек халқининг оиладек муқаддас масканга бўлган юксак эътиборининг ёрқин мисолидир.

Мустақиллик йилларида оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 6 миллион 300 мингдан ортиқ оила мавжуд. Республикаимиз Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Оилалар тинч-тотув яшашса, жамиятга келтирадиган ютуқлар ҳам кўпаяди, фарзандлар яхши тарбия олади. Оилага ғамхўрлик қилиш ва унга ҳар тарафлама моддий ва маънавий ёрдам бериш инсонпарвар демократик давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Оила ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий асослари яратилиши, яъни 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг қабул қилиниши жамиятимиз ривожини учун оила мустаҳкамлиги йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ҳозирги замон олимларининг фикрича, инсоний ҳаёт кечирешнинг бирдан-бир тўғри йўли оилавий ҳаётдир. Оила инсон учун меҳнат қоби-

лятини тиклаш ва дам олиш жойи ҳисобланади. Шунингдек, оила муҳим тарбиячи ҳамдир. Оилада болалар тарбияси учун ота-боболар ва момолардан қолган, минг йиллар мобайнида ҳаёт синовларидан ўтган яхши удум, одатлар мавжуд бўлиб, уларни асраб-авайлаш, ёш авлодга етказиб бериш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Инсонлар ўртасидаги муносабатлар ичида энг муқаддаси никоҳ ҳисобланади. Никоҳ билан қурилган оиланинг саодати ва бардавонлиги ҳам эр, ҳам аёл тарафидан бўладиган ўзаро бир-бирига самимий муносабати, уларнинг одоби, ахлоқи, шахсий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Никоҳ риштасини ўрнатиш учун кўплаб қонунқоида, урф-одат ва анъаналарга суяниб, амал қилиб келинган. Йиллар ўтиб, замонлар ўзгаргани сари, урф-одат ва анъаналаримиз ҳам ўзгариб бормоқда. Шундай янги ўзгаришлардан бири республикаимизда никоҳ шартномасининг жорий қилинганини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Аслида никоҳ шартлари халқимиз учун янгилик бўлмай, балки диний эътиқодимизга кўра, шаръий никоҳ шартлари бўйича, келинга маҳрдан ташқари никоҳ аҳди тузилгач, нафақа ҳам берилиши ва шунга ўхшаш қадриятларни унутмаёзган эдик. Инсоният тарихига назар ташласак, барча даврларда ва ҳар бир жамиятда замон, макон ва турли ирқлардан қатъи назар никоҳ муқаддас ҳисобланиб келинган.

Исломнинг дастлабки даврларида никоҳ тартиби жоҳилият давридаги оиланинг ҳуқуқий муносабатларига танқидий ёндашган ҳолда батаф-

сил ишлаб чиқилган. Жоҳилият даврида бир эркак истаганча аёл билан никоҳда бўлиб, уларнинг ҳаммасига ҳам бирдай муомалада бўлмаган. Қуръони карим нозил бўлгач, никоҳ шартлари ойдинлашди ва никоҳланувчилар ўзаро ҳақ-хуқуқларини билган ҳолда оила қуришлари зарурлиги тўғрисида оятлар туширилган.

Никоҳ масаласи ҳар бир киши, оила, жамият ва давлат, бутун инсоният учун муҳим эканини ҳамма билади. Чунки, бу амалий ҳаётда ўта муҳим бўлиб, ҳалол ва ҳаромга, оила ташкил қилишга, келажак авлоднинг дунёга келишига ва унинг тарбиясига боғлиқ масаладир. Шунингдек, у эру хотинларнинг ҳақ-хуқуқлари ва мажбуриятлари, уларга амал қилиш, оилани ташкил этиш, бошқариш, қолаверса, саодатли қилиш билан боғлиқ масаладир.

Эр-хотин бир-бирини тушуниб, бир-бирларининг камчиликларини тўлдириб яшаса, ўртадаги меҳр-муҳаббатни фарзандлари туфайли мустаҳкамлаб борсалар, бундай оилада вояга етган фарзандлар жамиятнинг фаровонлигини оширишга ҳиссасини қўшадиган инсонлар бўлиб етишади.

Ислом ҳуқуқи нормаларида ҳам оилавий муносабатлар ўзига хос қоидаларга асосланади. Унда никоҳ муқаддас ҳисобланиб, оила бузилмас кўрғон сифатида эътироф этилади ва эркак билан аёл ўртасидаги боғланиш ҳимоя қилинади. Ҳар қандай шароитда ҳам никоҳсиз яшашга йўл қўйилмаган. Бу ҳол никоҳ ва оилага енгилтаклик билан муносабатда бўлишдан қайтарган. Никоҳланувчилар оиланинг асосини ташкил қилгани учун ҳам ҳамма даврларда, дин, давлат ва жамият томонидан алоҳида эътибор қаратилган ҳамда уларнинг назоратида оила муҳофаза қилиб келинган.

Дарҳақиқат, оила — тарбия маскани. Унда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби олий даражадаги қадриятлар шаклланади, авлоддан-авлодга етказилади. Шу сифатлар она сути, оила аъзолари меҳри ва намунаси билан бола тарбиясининг мазмунига сингиб боради.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда оила ва оилавий муносабатлар ва оилавий тарбияга оид бир бутун изчил қарашлар тизими мавжуд бўлиб, у ўз ичига оиланинг шаклланиши, ривожланиши ва мустаҳкамланишига қаратилган барча жиҳатларни қамраб олади. Оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўрсатиб ўтилади. Бу хусусиятлар инсонни маънавий-ахлоқий

тарбиялаш ҳақида умумий ғоя билан боғлиқ. Ислом маънавиятида боланинг ахлоқий тарбияси ҳақидаги қарашлар инсонийликка, эзгуликка ва яхшиликка даъват этгани учун ҳам умуминсоний мазмунга эгадир. Мустақиллик натижасида миллий, диний қадриятларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва бу қадриятлар оилада фарзанд тарбиясининг муҳим омилларидан бирига айланиб, унинг самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида оила ва оилада фарзанд тарбияси масалаларига катта эътибор берилган. Жумладан, Муҳаммад ибн Мусо Ҳоразмий: “Ота-оналар икки хил: туғилиш отаси ва таълим бериш отаси: биринчиси жисмоний ҳаёт сабабли, иккинчиси руҳий ҳаёт сабабли” дея қайд этган. Шунга кўра, уларни узвий бирликда олиб қараш тарбия ишида муҳим аҳамиятга моликдир. Шунингдек, олимнинг куйидаги сўзлари ҳам ибратлидир: “Замондан яхшироқ таълим берувчи муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим”.

Оила ва оилада бола тарбияси масаласи Абу Али ибн Синонинг илмий меросида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У ўзининг қатор асарларида боланинг саломатлиги, унинг тарбияси ҳақида, энг муҳими, бола руҳиятини ўрганиш борасида кўплаб қимматбаҳо фикрларни ёзади. Уларнинг ҳаммаси бир бутун бўлиб маънавий-ахлоқий баркамол инсонни шакллантириш ҳақидаги ғояга бориб тақалади. Аллома бола тарбиясида оила бошлиғи отанинг ролига алоҳида эътибор беради. “Агар оилада, — дейди у. оила бошлиғи тажрибасизлик, нўноқлик қилса, у оила аъзоларини яхши тарбиялай олмайди ва оқибатда бундан ёмон натижалар келиб чиқиши мумкин”¹.

Бола ахлоқи яхши йўлга қўйилса, оила бахтли ва мустаҳкам бўлади. Оиланинг энг муҳим вазифаси бола тарбияси ҳисобланади. Ота-она ким бўлишидан қатъи назар бу вазифани масъулият билан адо этиши лозим. Ибн Сино “Тадбири алманозил” асарида эр ва хотиннинг яхши сифатларини санаб ўтади. Уларнинг шахсий намуналари бола учун ўрнак бўлиб, келажак тақдирини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида уқтирилади.

XI асрда яшаб ижод этган мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” асарида бола тарбияси ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Фарзанд қанчалик билимли, ақлли-хушли бўлса, отонасининг юзи шунчалик ёруғ бўлади”. У бола тарбиясида отанинг масъулиятига алоҳида эътибор беради. “Кимнинг ўғил-қизи эрка бўлса, —

деб ёзади у. — унинг учун шу кишининг ўзи мунгли бўлиб йиғлайди. Ота болани кичиклигида бебош қилиб қўйса болада гуноҳ йўқ, барча жафо отанинг ўзида; ўғил-қизнинг хулқ-атвори ярамас бўлса, бу ярамас ишни ота қилган бўлади. Ота болаларини назорат қилиб, турли хунарларни ўргатса, улар улғайгач, ўғил-қизим бор деб севилади. Ўғил-қизга хунар ва билим ўргатиш керак, токи бу хунар билан уларнинг феъл-атворлари гўзал бўлсин”.

Шарқда кенг тарқалган панднома тарзида ёзилган машҳур асарлардан бири Кайковуснинг “Қобуснома”сидир. Бу асар қанчадан-қанча авлодларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Оилада бола тарбияси масаласи буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий меросида ҳам муносиб ўринни эгаллайди. Унинг фикрича, жамиятнинг етуклиги, унинг тақдири келажак ёшлар камолоти билан боғлиқдир, шунга кўра бола тарбияси ота-оналар олдида турган олижаноб вазифадир.

Навоий ота-оналарнинг яхши сифатларини улуғлайди. Бундай сифатларнинг уларда жамулжам бўлиши бола тарбиясида муҳим ўрин тутушини кўрсатиб ўтади. Унинг оила бекалари ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Яхши хотин, — дейди Навоий. — оиланинг давлати ва бахти. Уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса — кўнгил озиғи, хушмуомала бўлса жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади. У беандиша бўлса, кўнгил ундан озор чекади, ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азобланади. Агар майхўр бўлса, уй ободлиги йўқолади, ақлсиз бўлса, оила расво бўлади”.

Шахс маънавияти дастлаб оила шароитида шаклланади ва жамият маънавиятини белгиловчи мезон сифатида намоён бўлади.

Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирлигидан ташкил топади. Маънавий мерос ўтмишнинг ютуғи. Уни тўла, одилонга эгаллаш ва ривожлантириш эса ҳозирги авлоднинг вазифасидир. Ўз маданий меросини, қадриятларини билмаслик ёки менсимаслик манқуртликдир. Маънавияти юксак даражада ривожланган инсонгина истиқлол, ватанимизнинг улўғ бир келажаги учун меҳнат қилишга ўзида куч ва қудрат топа олади.

Шу боисдан, маданий меросдан, бугунги кун қадриятларидан тўғри фойдалана олиш, тарихдан тўғри хулоса чиқара билиш, ўз тарихига ва бугунги аҳволига, маданий мероси ва маънавий

қадриятларига, дини ва ахлоқига, мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий амалиётига, турмуш тарзига жиддий эътибор билан қараш — жамият барқарорлигини сақлашнинг муҳим маънавий асосидир. Ўзбек оиласида ватанига, халқига, оиласига, истиқлол ғояларига садоқатли, фидокор, мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, эътиқоди юксак, иқтидорли, ташаббускор, масъулиятли, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш Ватанимиз гуллаб-яшнаши учун муҳим гаровдир.

Маънавият илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар, дин ва бошқа кўплаб тарихий амалий ва замонавий қадриятларнинг таъсирида шаклланади. Айнан шу қадриятлар оилада ота-она, катта ёшдаги оила аъзолари таъсирида шаклланади. Бу вазифани шараф билан адо этиш оилада ёш авлод онгига авлодлар шажараси, касб-кори, урф-одатлари, анъаналари, тарбия усуллари, жамият тараққиётидаги ўрни, ўзига хос ижобий тарихини сингдириш, ундан ғурурланиш ҳиссини тарбиялашдан бошланади. Бунинг учун оилада боланинг онгига ёшлиқдан бошлаб “сен тарихи бой, улўғ миллатнинг фарзандисан”, “сен улўғ мутафаккирлар, алломаи-замонларни дунёга келтириб, тарбиялаган бобокалонларнинг аждодисан”, “ўзбек халқи бой маънавиятли, Ватанга, халққа, садоқатли халқ”, “бизнинг мамлакат дунёда табиати энг гўзал, бой диёр” каби тушунчаларни сингдириб бормоқ лозим.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиши ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир”.

Юртбошимиз ўз нутқларида ёшлар тарбияси, оилада тарбия масаласига барчанинг диққатини қаратаётгани бежиз эмас, чунки XXI асрда яшаб самарали меҳнат қилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш асосан бугунги ёш авлод зиммасига тушади. Шунинг учун ёшларни чуқур билимли, юксак маданиятли, меҳнатсевар ва ташаббускор шахслар этиб шакллантириш оилада ҳаёт тажрибасига эга, турмушнинг аччиқ-чучугини кўрган, қийинчиликларда тобланган ёши улўғларимиз, фахрийларимиз ва ота-оналарнинг, шу билан бирга, мазкур ишга даъват этилган тар-

биячилар ва жамоатчиликнинг асосий вазифасидир.

Илмий адабиётларда мустаҳкам оилани шакллантиришнинг маънавий асоси масаласида инсон камолоти билан узвий боғлиқ бўлган билим, санъат, архитектура, миллий, диний, ахлоқий, бадиий ва бошқа кадриятлар ҳақида сўз юритилади.

Ота-онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир-бири билан бўладиган муносабатлари соф ва самимий бўлиши, эрнинг хотинига ва хотиннинг эрига нисбатан ўзаро ҳурмати, иффати асосида қурилсагина, бундай оилада мусаффо маънавий муҳит ва ҳамжихатлик вужудга келади. Айниқса, ота-онанинг бир-бирига меҳрибонлиги, фарзандларига бир хил муомалада бўлиши, ҳар икки томоннинг қариндош-уруғларига бир хилда меҳр-оқибат, ҳурмат билан қараши, бир сўзлиги, ҳақиқатни гапириши каби ижобий фазилатлари, шунингдек, соғлом ҳаёт кечириши, ёлғончилик, маиший бузуқлик, манманлик ва бошқа шу каби иллатлардан холи бўлиши мустаҳкам оила туйғусини таъминловчи хусусиятлардир.

Бундай ижобий хусусиятларга эга бўлиш, барча оилаларда осон эмас. Чунки эр-хотин турли шароитда, муҳитда тарбияланган, уларнинг қарашлари, маълумоти, ёши, маънавий савияси ва бошқаларда номувофиқлик мавжуд бўлиши мумкин. Эр-хотиннинг бир-бирига кўникиши ва дўстона муносабатларининг шаклланиши учун улар орасидаги севги дастлабки манба бўлса, ахлоқий кадриятларнинг гултожи бўлган ибодат, ҳаё, хушмуомалалик, меҳнатсеварлик, саришталик, озодалик, пазандалик, ғамхўрлик, меҳр-шафқат каби азалий одатларимиз оилани мустаҳкамлаш-

да иккинчи манба бўлади.

Соғлом жамият соғлом оила негизида қарор топади. Шу муносабат билан жамиятимизда туб ислохотлар амалга оширилаётган бир даврда инсон саломатлиги давлатимиз ва ҳукуматимиз фаолиятининг устувор йўналишлари негизини ташкил этади.

«Биз мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб белгилдик, — дейди Президентимиз Ислам Каримов. — Баркамол авлодни тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтардик. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун» деб аталгани, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси тузилгани бунинг тасдиғидир. Бир сўз билан айтганда, олдимизга қўйган барча мақсадларимизнинг, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, давлатимиз, жамиятимиз қурилишида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг, эзгу интилишларимизнинг маъно-моҳияти соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш эмасми? “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур”имизни ишлаб чиққанимиз ва ҳаётга татбиқ этаётганимиздан мақсад ҳам айнан шу эмасми?! Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади».

Ғарб давлатларида оила мавқеи ўз ўрнини йўқотиб бораётган, ёшларда оила қуришга бўлган истак камайиб кетаётган, оилавий тарбия ўз изидан чиқиб бораётган бир даврда, Президентимиз томонидан мамлакатимизда оила мустаҳкамлигига эътиборни кучайтиришга қаратилган чоратадбирлар, шу орқали оилада таълим ва тарбия топувчи ёшларга бўлган эътиборнинг ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга бўлган ғамхўрликнинг юксак даражадаги намунаси бўлди.



АННОТАЦИЯ

В статье освещаются вопросы социальной значимости института семьи. Автор анализирует социальную значимость семьи в нашей стране, в формировании нравственности населения, роль религии в данных процессах. Автором особое внимание уделяется историческим и фундаментальным аспектам нравственного укрепления семьи.

¹ Ибн Синонинг “Тадбири ал-манозил” номли асари.

Румия ВАЛИШЕВА,
Фуқаролик жамияти шаклланишини
мониторинг қилиш мустақил институти катта мутахассиси

СЕМЬЯ — ИСТОЧНИК ДУХОВНОСТИ И КУЛЬТУРЫ НАЦИИ

Тема семьи, семейного уклада, жизненных устоев, связанных с такой общественной формой, как семья, поднималась в трудах множества ученых и писателей мира. Не секрет, что происхождение большинства национальных обычаев, традиций исходит из семейных обрядов, характерных для того или иного этноса. А так как в любом определенном регионе обычно наблюдается многообразие этносов и присущих им традиций — закономерно то, что происходит постепенная ассимиляция и взаимное обогащение культур.

Узбекистан издревле был своеобразным ядром, аккумулирующим потоки самых различных народностей и этносов, впоследствии осевших на территории страны. И каждый из этих народов обогатил древнюю культуру, привнеся свои родоплеменные традиции. Узбекский народ всегда стремился к сохранению и приумножению своих духовных ценностей, национальной идентичности, общенационального самосознания и укреплению в сознании молодого поколения национальных традиций.

Роль семьи в формировании социума, общественных установок, важна — так же, как важно и то, что семейное благополучие — одна из гарантий позитивного развития общественных отношений. Несомненно, общество — это совокупность самых различных коллективов и формаций, подавляющую и основную часть которых представляет институт семьи. Но именно в семье, как в самом первом коллективе на жизненном пути, пусть еще маленького человека, происходит закладка общечеловеческих, национальных ценностей, и, что очень важно — дифференциация категорий добра и зла в сознании и становлении личности будущего гражданина.

В семье формируется отношение к окружающим, и от того, какой опыт почерпнет из внутрисемейного общения молодой человек, зависит

то, как сложатся его взаимоотношения с любым коллективом, будь то группа в детском саду, одноклассники в школе, однокурсники в вузе или коллеги по работе.

Важность семейного воспитания как залога подготовки достойного человека, гражданина, отражена в трудах великих мыслителей Востока и Запада. О пользе семейного воспитания писали и давали рекомендации Абу Али ибн Сино, Алишер Навои и многие другие. Наша страна имеет многовековой опыт народной педагогики, в основе которой лежит **семейная** педагогика, практиковавшаяся повсеместно, несмотря на социальное происхождение и материальный статус людей того времени, и полностью оправдавшая себя как эффективный метод воспитания. В Узбекистане понятие семьи было священным испокон веков. И, конечно же, венцом достижения семейного счастья всегда была свадьба. Поэтому, наверное, и по сей день жива традиция оказания помощи в организации такого важного в жизни каждого человека события.

Следует отметить, что с обретением независимости руководством нашей страны уделяется большое внимание вопросам семьи, в целях укрепления основ этого института создана солидная законодательная база, гарантирующая равноправие граждан в семейных отношениях, регулирующая их права и обязанности по отношению друг к другу. В поддержку института семьи, укрепление семейных ценностей, охрану материнства и детства в республике были созданы и осуществляют свою деятельность такие организации, как Фонд «Махалла», «Меҳр нури», центр «Оила»; по всей стране действуют региональные отделения Комитета женщин, а также ряд ННО, занимающихся оказанием помощи людям, оказавшимся в сложных житейских ситуациях, просветительской работой среди молодежи в целях предупреждения негативных последствий,

связанных с попаданием под влияние пагубных течений. А ведь именно на молодежь, именно на ее сознание всегда делается ставка в целях насаждения чуждых идей со стороны деструктивных сил.

Президент Ислам Каримов в докладе на торжественном собрании, посвященном 19-летию Конституции Республики Узбекистан отметил: *«...мы считаем семью надежным оплотом в деле дальнейшего развития духовных основ нашей жизни, сохранения наших исконных ценностей, широкого утверждения в обществе атмосферы высокой нравственности, противостояния все более усиливающимся и абсолютно чуждым нашему национальному менталитету различным вредным влияниям».*

Ни для кого не секрет, как бесценна роль семьи в воспитании физически здорового и духовно зрелого, обладающего самостоятельным мышлением поколения, способного отличить добро от зла, на равных состязаться со своим сверстниками из развитых стран, а также в охране здоровья наших детей, подготовке их к жизненным испытаниям».

Само понятие семьи подразумевает собой союз высокоорганизованных интеллектуально развитых индивидуумов, в процессе совместной жизни воспитывающих друг друга, тем самым взаимообогащая свой внутренний мир. На каждом новом этапе своей жизни в семье человек обретает новые социальные роли, которые делают его интеллектуально и духовно богаче. А если он живет в благополучной, счастливой семье - морально устойчивым в плане негативных последствий различных психотравмирующих ситуаций. Появление ребенка обычно запускает мощный механизм в сознании молодых родителей, ведь с новой социальной ролью на них ложится большая ответственность и обязательства, что очень дисциплинирует и заставляет более серьезно смотреть на жизнь, трезво оценивать свои стремления и возможности.

«Воспитание детей является самой важной областью нашей жизни. Наши дети — это будущие граждане нашей страны и мира. Они творцы истории. Это будущие отцы и матери, они тоже будут воспитателями своих детей. Наши дети должны вырасти прекрасными гражданами, хорошими отцами и матерями. Надо помнить, что хорошее воспитание наших детей — это наша счастливая старость, плохое воспитание — это наше будущее горе, это наши слезы, это наша вина перед другими людьми, перед всей страной». Эти слова, ставшие классикой, особенно

актуальны сейчас, в эпоху глобализации всех общественно-политических процессов на Земле.

Независимый Узбекистан идет в ногу со временем, реализуя широкий комплекс мер, направленных на повышение правовой культуры и правосознания населения, его политической активности и гражданской ответственности, что является, безусловно, одним из важных факторов формирования открытого гражданского общества в стране.

Объявление главой государства 2012 года - «Годом семьи» имеет своей целью продолжение начатой в годы независимости широкомасштабной работы по укреплению основ семьи, совершенствованию законодательной базы в этой сфере, организации более тесного и эффективного взаимодействия института семьи с органами государственной власти, широкой общественности, в том числе женскими и молодежными, а также неправительственными организациями. В связи с этим Постановлением Президента от 28 февраля 2012 г. была утверждена Государственная программа «Год семьи», одними из важнейших направлений реализации которой являются усиление внимания и заботы о молодых семьях, обеспечение их правовой и социальной защитой; дальнейшее усиление заботы со стороны государства и общества в решении проблем и нужд семьи, в частности, оказание материальной и социальной поддержки нуждающимся семьям, создание достойных социально-бытовых условий и уделение особого внимания женщинам, несущим основную нагрузку в укреплении семьи; дальнейшее совершенствование системы охраны здоровья семьи, материнства и детства; повышение роли и значения семьи в дальнейшем развитии духовных основ общества, сохранении и укреплении исконных национальных ценностей, широком утверждении в обществе атмосферы высокой нравственности, противостоянии усиливающимся и абсолютно чуждым национальному менталитету различным вредным влияниям; усиление роли семьи в воспитании физически здорового, духовно зрелого и гармонично развитого поколения.

Учитывая необходимость эффективной реализации вышеперечисленных направлений, сегодня как никогда неопределима роль СМИ, которые всегда являлись связующим звеном между государством и обществом, и сейчас выполняют важную задачу по освещению актуальных вопросов хода реализации Государственной программы «Год семьи». Также актуален вопрос доведения до широкой общественности сути проводимых в стране

реформ, сохранения высокой духовности, пропаганде национальных ценностей среди молодежи. В связи с этим можно отметить тот факт, что в центральных и региональных изданиях регулярно публикуются материалы в этом направлении. Однако на данный момент при публикациях статей на социальные темы есть некоторые вопросы, ответы на которые нужно искать в профессионализме подготовки материалов данного направления. Например, предстоит большая работа по улучшению содержания материалов на тему семьи. Также целесообразно совершенствование работы СМИ в подготовке материалов, где присутствовали бы глубокий анализ и новые подходы в освещении этой тематики. Тогда можно будет надеяться на завоевание читательских симпатий, пробуждение интереса общественности к происходящим в стране событиям.

В соответствии со все более усиливающимся влиянием средств массовой информации на общественно-политические процессы во всем мире, а также их большой ролью в оперативном и качественном освещении происходящего, проектом «Мониторинг процессов демократизации и либерализации средств массовой информации» Независимого института по мониторингу формирования гражданского общества» начата и проводится комплексная работа по организации мероприятий для журналистов с целью повышения их профессиональных навыков в подготовке материалов, освещающих ход реализации Госу-

дарственной программы «Год семьи», а также обсуждения актуальных вопросов деятельности СМИ. В частности, в марте сего года Проектом совместно с Общественным фондом по поддержке и развитию независимых печатных СМИ и информационных агентств Узбекистана был проведен «круглый стол» с представителями печатных СМИ из Андижанской и Сырдарьинской областей. А 30 марта 2012 года в городе Ташкенте Проектом планируется проведение научно-практической конференции для журналистов центральных СМИ на тему «Роль средств массовой информации в освещении реализации актуальных задач в рамках Государственной программы «Год семьи», в ходе которой участники получат необходимую информацию по освещению реализации государственной программы «Года семьи».

Организация подобных мероприятий будет способствовать повышению эффективности в освещении журналистами проводимых в республике преобразований и реформ, направленных на дальнейшее усиление и повышение статуса института семьи. Ведь семья — опора общества. И то, насколько будет прочной данная опора, зависит от ее членов. Поэтому каждый из них должен чувствовать ценность родного очага, ответственность за его сохранение и укрепление. Судьба общества, дальнейшее процветание страны и благополучие народа неразрывно связаны с прочностью семейных устоев.



АННОТАЦИЯ

Мақола миллатнинг маънавий ва маданий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган. Унда муаллиф томонидан оиланинг маънавий ва маданий функцияларини шакллантиришга оид фундаментал ва тарихий асослари таҳлил қилинган. Ушбу фаолиятда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни, оилани ўрганиш, уни ҳар томонлама мустақкамлашга оид фаолият ҳам ёритилган.

Соҳиба НАЗАРОВА,
“Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши масъул ходими

ЁШЛАРДА МУСТАҲКАМ ОИЛА ТҲҲҲҲСИНИ ТАРБИЯЛАШДА ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, оиланинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор берилди ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойилларининг мазмун-моҳияти Конституция ва қонунларимизга сингдирилди.

Хусусан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 16-моддасида, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 23-моддасида, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 10-моддасида оила ҳақида белгиланган халқаро ҳуқуқий қоидаларни, халқимизнинг синовлардан ўтган асрий тажрибаларини инобатга олиб, Асосий Қонунимизнинг алоҳида бобида оиланинг ҳуқуқий асослари белгиланди. Конституциямизнинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”лиги олий юридик кучга эга бўлган конституциявий қоидага айлантирилди. Оила масалаларига тааллуқли 50 га яқин жорий қонунлар, 20 га яқин Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, 70 дан ортиқ ҳуқумат қарорлари, фармойишлари қабул қилиниб, оиланинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди ва ривожлантирилди.

Мустақиллик йилларида оиланинг жамият тараққиётидаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, унинг ижтимоий салоҳиятини юксалтириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш учун шароит яратиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий илдизларини кучайтириш, унинг соғлом, билимдон ёш авлодни тарбиялашдаги ролини янада ошириш борасида умумдавлат дастурлари асосида ислохотлар амалга оширилди.

Бугун инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тўб мазмун-моҳияти халқимизни, хусусан, ҳар бир фуқарони ўз оиласида озод ва обод, тинч ва фаровон яшашига хизмат қилишига қаратилмоқда. Оилада тинчлик,

тотувлик, файзу барака бўлса, жамият тинч, осойишта, мамлакатда маъмурчилик, барқарорлик бўлади. Чунки, тинчлик, тотувлик, файзу барака, меҳр-оқибат ва аҳиллик, аввало оилада намоён бўлади. Инсоннинг куч-ғайрати ва шижоати, эзгу ниятлари, қувончу ташвишларининг асосий манбаи оиладир. Оила маънавият кўрғони, оила тарбия маскани, оилада Ватан келажаги камол топади.

Зеро, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади.

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.

Шу боис, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугун юртимизда қилинаётган барча ишлар ёшларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Одобли, билимдон, ақлли, меҳрибон, меҳнатсевар, иймон-этиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамият, давлатимиз ва халқимизнинг битмас туганмас бойлигидир. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, маънавият кўрғони бўлган оилани мустаҳкамлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Президентимиз “Мустаҳкам оила йили”да амалга оширилаётган мақсад ва вазифаларнинг **биринчиси**, “азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини”, “оила мустаҳкам экан жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан мамлакат барқарор” эканлиги борасидаги эзгу тушунчалар, орзу интилишлар фаолиятимиз асоси бўлиши кераклигини таъкидладилар.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, расм-русмлари, анъаналари, тушунчалари, орзу

ниятлари бор. Ушбу кадрятлар оилада шаклланиб, жамиятда камол топади.

“Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг эса, ҳар бири ўзича бахтсиздир”, деган эди Лев Толстой. Ҳаёт ҳақиқатини теран англаган донишманд ёзувчи ҳақ. Тўғри, ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари йўқ эмас. Бироқ, унинг ўзига хос жиҳатларини санаб, адо қилиб бўлмайди. Ўзбек оилаларининг ҳаммаси ҳам бир-бирига ўхшайди. Уларнинг бахти ана шу ўхшашликда. Жамиятнинг равнақи, тараққиёти ҳам ана шу ўхшашлик туфайлидир.

Иккинчиси, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш, имтиёзлар ва имкониятлар яратиб бериш, ёш оилаларни уй-жой, муносиб иш ҳақлари тўланадиган иш жойлари билан таъминлашдир.

Учинчиси, “Мустаҳкам оила ғояси”ни амалга оширишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсирининг беқиёслигини инобатга олиб, ёш оилаларни “ҳаётнинг турли тўсиқларидан асраш, мустаҳкам оёққа туриб олиш учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат бериш”да маҳалланинг ўрни ва мавқеини янада оширишдир. Шарқда қадим-қадим замонлардан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Тўртинчиси, оила олдидаги вазифаларни амалга ошириш биринчи навбатда оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни талаб этса, “бундан ҳам муҳимроқ вазифа ёшларни тарбиялаш муаммоларни ҳал этишда оиланинг барча ташвишларини енгиллаштириш”дир. Айниқса, Юртбошимиз ҳар қайси оиланинг юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, “оила кўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опасингилларимизнинг оғирини енгиллаштириш” эканлигига эътиборни қаратдилар. Чунки, оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барака киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунавар қиладиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Бешинчиси, маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда тобора кучайиб бораётган “бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий кадрятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч”га айланишини таъминлашдир.

Дарҳақиқат, бу муҳим мақсад ва вазифаларни амалга ошириш оилани чинакам мустаҳкамла-

нишига хизмат қилади. Бундай оилаларда ёшларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда замон талабларига мос имкониятлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган маърузасида Президентимиз Ислом Каримов: “Биз янги йилда мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бундай интилишларни амалга оширишда давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади”, деб жамиятимизнинг барча бўғинларини “Мустаҳкам оила ғояси” доирасида ижтимоий ҳамкорлик қилишга даъват этдилар.

Зеро, оила мустаҳкамлигидан баҳраманд бўлмайдиган бирор инсон, жамоа йўқ. Шундай экан, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурини амалга оширишда, оилани мустаҳкамлаш соҳасидаги олижаноб мақсад ва вазифаларни амалга оширишда давлат ва ҳокимият идоралари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари зарур. Бундай ҳамкорлик айниқса, ёшларда мустаҳкам оила туйғусини тарбиялашда етарли самара бериши шўҳбасиздир.

Ёшларда мустаҳкам оила туйғусини тарбиялашда яхши самараларга эришиш учун ижтимоий ҳамкорлик субъектлари қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга эътибор қаратишлари зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Жамоат ташкилотлари томонидан оилани мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, ундаги асосий тушунча ва қоидаларни янгича шакл ва усуллардан фойдаланган ҳолда тарғиб қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари амалиётидаги жонли воқеа, ҳодиса, фактлар ва маълумотлардан фойдаланиш муҳим муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал қилишда жамоат ташкилотлари, айниқса, ёшлар ташкилотларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, суд, прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик идоралари яқиндан ёрдам бериши зарур;

2. Аждодларимизнинг оила мустаҳкамлиги борасидаги бой маънавий мероси, тажрибалари мустаҳкам оила туйғусини шакллантириш ва бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мақолалар, рисоалар, китоблар тайёрлашда олимплар, ноширларнинг кўмаги керак бўлади;

3. Мустаҳкам оила туйғусининг фалсафий,

маънавий, тарихий-психологик хусусиятларини илмий асосда ўрганиш ва тарғиб қилиш муаммосини ҳал қилиш профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилади;

4. Ёшларда мустаҳкам оила туйғусини тарбиялашда замон талабларига мос шакл ва воситалардан кенг фойдаланиш ҳам муҳим муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал қилиш ёшларнинг ўзидан ташаббус, ижодкорлик ва фидойилик талаб қилади;

5. Ҳамкорликда ўтказиладиган анжуманлар, давра суҳбатлари, турли танловлар, фестиваллар ва шу каби тадбирларнинг самарали бўлиши ҳам муҳим муаммолардан бири саналади. Бу муаммонинг ҳал қилиниши ҳамкорликдаги тадбирларнинг олдиндан пухта тайёргарлик асосида, мақсадли, қизиқарли, мазмунли даражада ташкил этиш билан ҳал этилади;

6. Ёшларни бугунги кундаги оммавий таҳдидлардан сақлаш ҳам оилани мустаҳкамлашда ижтимоий ҳамкорлик субъектларининг бирор дақиқа эътиборидан четда қоладиган муаммолардан эмас. Чунки, дунёда техника, технология жиҳатидан анча илгарилаб кетган, моддий манфаатдорликни ҳамма нарсадан устун қўядиган, ҳар бир дақиқани пулга чақадиган одамлар, ҳатто, мамлакат-у жамиятлар ҳам йўқ эмас. Аммо, айнан шундай қарашлар устувор бўлган мамлакатларда техника-ю тараққиётга ружу қўйиб, ёшлар тарбияси, маънавиятига ўз вақтида эътибор қаратилмагани бутун жамиятни, жумладан, иқтисодиётни таназзулга бошлаётганидан жиддий таҳликага тушаётгани сир эмас. Айниқса, ўн саккиз ёшдан ошган ўғил ота-онасининг уйда яшаётгани учун ижара ҳақи тўласа, балоғатга етмай жинсий ҳаётни бошлаган қиз ота-онасига ўз ҳуқуқларини пеш қилса, ўғил бошқа бир йигитни уйига бошлаб келса-ю: “Мен у билан оила қурмоқчиман”, деб турса, бир уйда яшаб туриб, қиз ўз онасини судга берса...

Ғарб мамлакатларидаги бундай одатлар бизнинг халқимизга, оилаларимизга, ёшларимизга

мутлақо ёт. Биз ҳам тараққиёт йўлларида дадил одимляемиз, бироқ миллатимиз бундай ҳолатларни ҳеч қачон қабул қилмайди. Наинки қабул қилмайди, балки ақлга ҳам сиғдира олмайди.

Ўзбекистон деб аталмиш юртимизда ота-она ва фарзанд муносабатлари алоҳида ўрин тутди. Бу — ўзбек оиласининг энг бебаҳо фазилатидир. Ота-онанинг фарзандлар тақдири учун масъулияти, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳеч бир халқда бу қадар теран тартибга, ҳуқуқий асосга эга эмас. Халқимиз азал-азалдан амал қилиб келаётган ана шу адолатли тартиб Конституциямизда ҳам белгилаб қўйилган: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”. “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”. Оилада анъана тусига кирган бундай муносабатлар, ўзаро ҳурмат, қадр-қимматни ўрнига қўйиш, меҳр-муҳаббат, оқибат, ҳамжиҳатлик каби сифатлар бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида янада мустаҳкамланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқ яшаётгани, тинчлик ва хотиржамлик, осойишталик, эришаётган ютуқларимиз оилалардаги соғлом маънавий муҳит самарасидир.

Ҳар бир инсон, ҳар бир оила бахтли, саодатли бўлишга лойиқдир. Президентимиз раҳнамолигида **2012 йил мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили”**да белгиланган олижаноб мақсад ва улғувор вазифаларни амалга оширишда давлат ва ҳокимият идоралари билан бир қаторда маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ҳам ижтимоий ҳамкорликни янги юқори босқичга кўтаришга эришадилар, бу борада амалга ошириладиган ишлар оилаларимизни мустаҳкам, ёшларимиз бахт-саодатли, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига, турмушимизни тўқис, ҳаётимиз янада фаровон, юртимизни тинч ва осойишта бўлишига хизмат қилишига ишончимиз комил.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена актуальным вопросам социального сотрудничества в сфере воспитания молодого поколения в духе крепкой семьи. Автором проводится подробный анализ социальных и законодательных основ семейных отношений, актуальных направлений воспитания молодого поколения в духе крепкой семьи. Также обозревается положительный опыт развитых зарубежных стран.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,
Солиқ академияси ижтимоий-гуманитар фанлар
кафедраси мудири, п.ф.н., доцент
Дилноза ТАШПУЛАТОВА,
Солиқлар ва солиққа тортиш факультети 4-курс талабаси

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Маълумки, инсон шахсини шакллантириш оиладан бошланади. Шу жиҳатдан оилада ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш ҳамда оилани мустаҳкамлаш масалалари муҳим ҳисобланади. Қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билишган.

Оила аҳил, тотув, мустаҳкам бўлса, жамият ривожланади, жамият ривожланса, давлат буюк бўлади. Оиладаги мавжуд анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар, маросимларнинг ижобий таъсири асосида ёш авлод камол топиб боради.

Ҳар бир ота-она фарзанд тарбиясида бурч ва масъулиятини чуқур англаб етса, меъёрида оила муҳитини яратса, болаларни китоб ўқиш, меҳнат қилишга ўргатсалар, фарзанд камолотини таъминлаб чексиз муваффақиятларга эришиб борадилар.

Оилада тарбия топган тарбияли, яхши фазилатли инсонларни ҳамма эъзозлайди ва ҳурмат қилади.

Фарзанд камоли, улардаги меҳр-оқибатни, обрў-эътиборни кўриб, инсон ўз ҳаётидан мамнун бўлиб яшайди.

Оилада бола тарбиясини йўлга қўйиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Бунинг учун ота-она тажрибали, тарбияли, тартибли, тадбирли, шу билан бирга масъулиятли ва меҳнатсевар бўлиши зарур. Чунки, оилани боқиш, бола тарбияси билан шуғулланиш уларнинг зиммасидадир. Ота-она тадбирли бўлса, улар албатта, болаларини меҳнатга жалб этиш орқали оила иқтисодини кўтарди ва болаларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайди.

Ўзбек оиласида болалар ёшлигиданок меҳнат қилиш кўникмаларига эга бўлади. Оилада болалар ўқиш ёки иш билан банд бўлсалар, шубҳасиз ҳеч қандай муаммо ёки жиноятлар бўлмайди. Болалар доимо ота-оналар назоратида, мактаб ва маҳалланинг асосий нигоҳида бўлсагина тарбияга мустаҳкам пойдевор қўйилади. Катталарнинг эътибори сабабли болалар назоратсиз қолмайдилар. Ёмон шароит ёки салбий ҳолатлар таъсирида жиноят

қилишга мойиллик бўлмайди, мустаҳкам оила ривожланиб, камол топади. Ўзининг бола тарбиясидаги ўрни ва таъсирини англаб етган ота-онанинг эртага жамият учун фойда келтирадиган фарзандларни вояга етказиб беришига ишониш мумкин.

Ота-оналарнинг бола тарбиясидаги масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш юзасидан жамоа ташкилотлари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида оилада болалар тарбиясини ташкил этиш хусусида давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб, маҳаллаларда тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш, ота-оналарнинг болалар тарбиясини муваффақиятли амалга оширишига доир турли мавзуларда буклетлар, оммабоп рисоалар тайёрлаб чоп этиш ва уларни бепул тарқатиш чораларини кўриш муҳим ҳисобланади. Айрим нотинч оилалардаги муаммоларнинг асосий сабабларини аниқлаш, тўғри ечимини топишга эришимиз лозим. Бунинг учун аввало, оилаларда болаларга тўлақонли тарбия беришнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Оилада ота-она маънавий-маданий жиҳатдан етук бўлиши, фарзандлар тарбиясининг юқори даражада бўлишининг асосий омилдир. Оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланадиган, телевидение дастурларини кўриб, кўпроқ китоб ўқиб, маънавий озуқа оладиган, бўш вақтини самарали ташкил этадиган ота-оналар кўпчиликни ташкил этади. Бугунги кунда аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияни янада мустаҳкамлашда маҳалланинг, мактабнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Айнан оилада болаларнинг умумий ва ҳиссий ривожланишини таъминлаш уларнинг ахлоқий камолотини ўстиришда муҳим ҳисобланади.

Оилада ота-онанинг бола тарбиясини ҳамжиҳатлик билан амалга ошириши оиланинг мустаҳкам бўлиши ва ҳаётнинг хурсандчилиги, меҳр-оқибатлилиги руҳида бўлиши кафолатини беради. Бундай

оилада яшаётган фарзандлар ўзининг яхши тарбияси, илм-ҳунарга қизиқиши, ҳалол меҳнати билан оналарини мамнун этадилар ва жамиятимизга муносиб, фойда келтирувчи инсон бўлиб етишади. Болаларни яхши инсон этиб тарбиялашда аввало, ота-онанинг ўзлари ҳаётни яхши билишлари ва тажрибага эга бўлишлари шарт. Бу борада қуйидаги жиҳатларга эътибор берилади:

- ♦ ота-оналарга педагогик-психологик билим бериш, оилавий тажрибалар алмашиш;

- ♦ ота-оналарни тарбиявий ишларга жалб этиш, билим ва маданиятини оширишга жиддий эътибор бериш;

- ♦ ота-оналарнинг болалар камолотини олдиндан тасаввур этиб, тарбия мақсадларини аниқ белгилаб олган ҳолда бурч ва вазифаларини тўлақонли бажара олишларига эришиш.

Болаларнинг ақлли бўлишида оила, мактаб, кенг жамоатчиликнинг таъсири каттадир. Ақлли болалар қаерда бўлмасин доимо эҳтиёткорлик билан билим ва тарбияли эканлигини намойиш этадилар.

Ҳақиқатдан ҳам, ақлни ишлатган киши ҳаётида фақат эзгуликлар қилади ва эзгулик кўради.

Лекин шуни айтиш жоизки, ақл, заковат жиҳатдан етук бўлмаган инсон ҳеч қачон ўз Ватанини, ўз халқини, ўз динини, энг асосийси ўзлигини англай олмайди, ўзлигини англамаган инсон эса манкуртга айланиб қолади. Бу эса эртанги порлоқ келажакимизнинг ҳалокатидир. Бизнинг бу борадаги энг асосий вазифамиз ёшларни маънавий баркамол, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, юрт истиқболи учун қайғурадиган комил инсон этиб тарбиялашимиз, уларни камол топтиришимиз зарур.

Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз.

Дарҳақиқат, илм-маърифат куч-қувват манбаи, қалбга нур, зиё бағишлайдиган буюк неъматдир. Шу сабабли ҳам инсон ҳаётда қунт билан илмни ўрганиши тўфайли ақл-заковати юксалади, бахтли ҳаёт учун курашади.

Инсонларнинг билими қанчалик кенг ва чуқур бўлса, у шунчалик камтар бўлади. Камтарлик доноликнинг белгисидир.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида аввал ёшларни тарбиялаб, кейин уларга таълим берганлар. Ўзбек миллий педагогикасидаги таълим-тарбия ишлари тизимида ҳам ахлоқ ва ақл тарбияси устувор аҳамиятга эга бўлган.

Оила жамиятнинг бошланғич бўғини сифатида болаларнинг ахлоқи, қобилияти, ақл заковати, ҳуқуқи, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, мулоқоти, этиқоди ва дунёқарашларига юқори даражада тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Оилавий турмуш инсон ҳаётининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Худди шу боисдан жамиятнинг қонун-қоидаларига нисбатан муносабат ҳам оиладаги шахслараро турли-туман муаммоларда, му-

лоқотда, фикр алмашувда, мунозараларда ўз ифодасини топади, бинобарин ёшларнинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш оиланинг нақадар мустақам бўлишига, ота-она муносабатларида олижаноб характер хислатларини, болада юксак маънавий хисларни шакллантиришга боғлиқдир. Ёш авлодни оилада комил инсон қилиб тарбиялашдек юксак ва масъулиятли вазифа ота-онага, оиладаги катталарга юклатилгандир. Дарҳақиқат, инсон шахсини шакллантириш оила муҳитидан бошланади. Хусусан, оилада, болада характер хусусиятлари, ирода сифатлари, миллий одатлар, феъл-атвор, ҳулқ, теварак-атрофга нисбатан муносабат, этиқод ва қарашлар вужудга келади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, оилавий турмушда инсонни камол топтириш шароитлари, фаоллик кўрсатиш имкониятларини изчил ўрганмай туриб, шахснинг хусусиятлари ва келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас.

Оилавий муносабатлар таъсирида илк болаликдан таркиб топган мустақиллик, истиқлолга нисбатан содиқлик, ватанпарварлик, шарқона анъана, шахсий қизиқишларни жамият, мамлакат қизиқишига бўйсундириш хислати, қатъийлик, қадр-қиммат ҳисси каби юксак инсоний хислатлар шакллана бошлайди. Аста-секингина туғишганларга ғамхўрлик, ака-укалик ва опа-сингиллик меҳри, ота-онага муҳаббат ва шафқат сингари теранлик туйғулари намоён бўла боради. Оилавий турмушдаги самимий ва оқилона муносабатлар, илк психологик муҳит таъсири натижасида оила аъзоларида камтарлик, кўнгилчанлик, илтифот, сабрлилик, тўғрилиқ, яхшилик, уятчанлик, юмшоқлик, дилкашлиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, меҳнатга масъулиятлилик, озодалиқ, иззат-нафслиқ, тежаб-тергашлик каби шахс хислатлари таркиб топади. Агарда оилавий турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизига қурилган бўлса, у ҳолда оила аъзолари руҳий дунёсида кеккайишлиқ, писмиқлик, жамоатчилик маъқулланган нарсаларни ва кўпчилик томонидан қабул қилинган хатти-ҳаракат қоидаларини сезмаслик, ялқовлик, масъулиятсизлик, шўхратпарастлик, мағрурлик, ўзини катта олиш, димоғдорлик сингари иллатлар юзага келади, шаклланади.

Оила аъзолари даврасида суҳбатлар, мунозаралар, музокаралар, ўзаро тенглик, ўзаро ҳурмат руҳида бўйсундирилади. Ҳар бир оила ўзининг инсонга микротаъсир ўтказишнинг хусусияти билан ажралиб туради.

Оилавий муносабатларда нохушлиқ ота-она кўзлаган тарбиявий мақсадни амалга оширмайди ва паст самара беради. Натижада оила аъзолари ўртасида мазкур педагогик таъсирга нисбатан салбий позиция номоён бўлади. Пайдо бўлган салбий нуқтаи назар, аввал ота-онага, сўнгра бошқа катта ёшдаги оила аъзоларига нисбатан қўлланилади. Фарзандларда ота-онага яқинлик, меҳр ҳисси ка-

маяди, кейинчалик бу туйғу узоклашиш, бегоналашиш кечинмасига айланади. Ота-она билан бўлаган мулоқот эса ўғил қизлар томонидан жуда қуйи даражада баҳоланади. Оиладаги шахслараро муносабатлар уларни қондирмайди, натижада одамови, ичимдан топ, ташвишли, хавотирлик ижтимоий меъёр ва қоидаларга қийинчилик билан мослашиш каби характер хислатлари вужудга келади. Ота-оналарнинг фарзандлари билан бундай муносабатда бўлишлари салбий оқибат сари етаклайди, қатъийлик, мустақиллик, дадиллик сингари иродавий сифатлар ўғил-қизлар рухий дунёсидан узоклашади. Муросасизлик таъсирида ёш авлод характерида мунофиқлик, иккиюзламачилик, келишувчанлик каби иллатлар таркиб топиши мумкин.

Ота-оналар фарзандларига тарбия берганида ҳам аввало, ўзларининг турмуш тажрибаси, жамият ижтимоий ҳаётида яратилган имконият ва мавжуд тажрибаларга таянадилар. *«Ота-она ўз фарзандига тарбия бериш учун асос қилиб олинган мақсадлар тизимини оила мафкураси деб аташ мумкин»*.

Хусусан, инсон тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж, манфаатлар уйғунлигини таъминлашда оила тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Оила — жамиятнинг муқаддас уйи, энг асосий тарбия маконидир. Шу боисдан миллий ғояни инсонлар қалби ва онгига сингдириш аввало, оиладан бошланади. *«Айнан боболар ўғити, отанинг шахсий ибрати онанинг меҳри орқали миллий ғоя авлоддан-авлодга, инсондан инсонга ўтади, онг ва шуурда муҳрланиб боради»*¹. Айнан, ахлоқий, ғоявий, тарбиявий жиҳатдан соғлом ва иқтисодий фаровон оила негизда жамият ва давлат мустаҳкам бўлади. Бундай оилаларда комил инсон вояга етади.

Фарзандларнинг тўғри, пок, ҳаёли, инсофли, меҳр-оқибатли ва ватанпарвар бўлиб, барча инсоний фазилатларни мужассамлаштиришида ўзбек оилаларининг ижобий таъсири жуда кучлидир. Айниқса, тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳурмат, тили ва қўли билан бировга озор бермаслик, мулоим, ширинсухан, меҳрибон, дилкаш, ҳалол, ростгўй бўлиб ўсиши, ўзи яхши кўрган нарсасини бошқаларга ҳам раво кўра оладиган, илм ўрганиш ва ҳунар эгаллашни асосий вазифа деб биладиган гўзал ахлоқ, ҳиссиётларга эга бўлган фарзандлар айнан ана шу оила муҳитида таркиб топади. Энг муҳими, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, тасаввур ва этиқоди ана шу оилада шаклланадики, шу маънода оила ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳити ҳисобланади. Шунини унутмаслик керакки, миллий мафкурамизга хос дастлабки тушунчалар инсонпарварлик, ватанпарварлик, маданият каби тушунчалар инсон қалби ва онгига оила муҳити орқали сингдирилади. Оилада болалар ёшлигиданок халқ ва юрт тақдири учун фидойилик туйғусига эга бўлиб боради. Бунинг учун бола ҳаётининг дастлабки йилларидаёқ, уларга

миллий турмуш тарзимизнинг мазмун-моҳиятидан имкон қадар тўғри фойдаланиш орқали болаларда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат туйғуларини тарбиялаш ва ижтимоий ҳаётда адолат тантанасига ишонч ҳиссини уйғотиш керак. Бу каби масъулиятли ишни амалга ошириш ота-оналарнинг маънавий билим савияси, соғлом тафаккури ва замонавий дунёқарашга эга бўлишини тақозо этади. Бинобарин, ота-онанинг масъулияти фарзанднинг эл-юрт олдидаги бурчини тўғри англаши, пухта билим олиши, камол топиши, мустақил фикрлайдиган, ижодий тафаккур юритадиган инсон бўлиб етишишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ўзбек оилаларида болалар онгига соғлом ғоя ва билимларни сингдиришда оиланинг катталари, боболари, момолари, яқин қариндош-уруғлари, маҳалла аҳли бевосита иштирок этади ва уларнинг болалар тарбиясидаги таъсири ва оиладаги маънавий муҳитнинг тозаллигидаги ўрни буюк аждодларимиз тарбиявий анъанасининг давомчилари сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Оилада ота-она, болаларнинг ахлоқи, ҳуқуқий маданияти, умуман ҳар жиҳатдан етук бўлиши учун жамият олдида жавобгардир. Аксинча, ота-оналик бурчига эътиборсизлик, инсонийлик масъулиятини ҳис этмаслик, ижтимоий бурчни англамаслик жамиятни таназзулга етаклайди.

Ота-онанинг мафкуравий тарбиядаги фаолияти ва иштирокининг муваффақиятли кечиши, Ўзбекистон тараққиёти учун билим ва иқтидорини аямайдиган ёшларни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади. Оилада мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири мулоқот ҳисобланади. Чунончи, юзма-юз фикр алмашиш, сўз ва ҳис-туйғуларнинг самимийлиги ота-она ва фарзандлар ўртасидаги мулоқотнинг самарали бўлишига олиб келади.

Оилада болалар ғоявий тарбиясининг асосий йўналишлари улар онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, бадиий-эстетик, касбий қарашларнинг мақсадли шакллантирилиши бўлиб, ҳар қандай тарбия жараёнининг мақсади ва моҳиятини ғоявий тарбия ташкил этади.

Оилада болаларнинг мафкуравий тарбиявийлиги, энг аввало, уларнинг юксак дунёқараши, этиқоди, иймони, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндошлар, дўстлар, маҳалла, Ватан ва халқ олдидаги масъулияти, ватанпарварлик, фидойилик каби фазилатларида намоён бўлади.

Оилада болаларни ғоявий тарбиялашдан мақсад, аввало уларнинг дунёқараши — билим, тасавури ва ғоялар мажмуасини ҳосил қилишдан иборатдир.

Болада шаклланаётган дунёқараш унинг Ватанга садоқати, миллий қадриятлар ва анъаналарга, ўз яқинларига меҳр-муҳаббат руҳида янгича фикр-

лаш асосида тафаккурини ривожлантиришдан иборат. Оилада ота-она болаларни масъулият туйғуси билан яшашга ўргатиши аҳамиятлидир. Агарда болада масъулият ҳисси мавжуд бўлса, у ҳар бир хатти-ҳаракати фаолиятини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда ўзи ва ўзгалар учун фойдали ишларнинг амалга оширилишини англаб етади ва ҳар бир ишни пухта режалаштиради, унинг натижаларини олдиндан тасаввур этади, унга етишиш учун бутун куч ва салоҳиятини сафарбар қилади.

Болаларнинг шахсий масъулияти уларнинг шахсий манфаатларига мос бўлса, бу аста-секин фуқаролик масъулиятига айланиб боради ва унда жамият манфаатлари назарда тутилади. *Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ягона мақсади — Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш эканлигини онгли идрок этишдир.* Демак, болаларни оилада масъулиятни ҳис этишга ўргатиб бориш асосида уларнинг ҳаётга тайёр ҳолда эркин, мустақил фикрлашга ҳамда шахсий гурур ва туйғуларининг юксак бўлишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Боланинг фикр-тасаввурлари, билимларининг қалбидан жой олганлиги, теварак-атрофга муносабати, ишончининг шаклланганлиги, ўз ишига садоқати, эътиқоди, мақсади аниқ бўлишида кўрилади. Эътиқодли бола доимо фойдали иш билан шуғулланади, ўзгаларга зиён етказмайди, доимо рост сўзлайди, бирор ишни амалга оширмакчи бўлса, бутун кучи ва иқтидорини сафарбар этиб, уни, албатта, бажаришга эришади, ишни охирига етказди. Энг муҳими, бола ҳар қандай ишни нима учун қилаётганлигини жуда яхши билиб олади ва шу боис доимо илм олишга интилади, ўз олдига аниқ мақсад қўяди, ҳар томонлама баркамол, яхшиларга яқин, буюкларга ҳавасли бўлишга интилади. Боладаги мардлик, фидойилик, ирода, виждон, қатъиятлилик, ҳалоллик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар унинг эътиқоди билан боғлиқдир. Агар бола ёшлигиданоқ гўзал хулқларни эгаллашга интилса, хушхулқлигини ўзлаштиради, унинг иймонли бўлиб тарбия топаётганлигини тасаввур этиш мумкин. Боланинг соғлом дунёқараши, масъулияти, иймон-эътиқодини шакллантиришда оиладаги маънавий-маърифий муҳитнинг мавжудлиги муҳимдир. Зеро, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, комил инсон тарбияси йўлида яратилаётган шароитларнинг барчаси айнан келажакимиз бўлган фарзандлар манфаати учун хизмат қилади. Фақат ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш, болаларни китоб ўқишга қизиқтириш, билим олишга меҳрини шакллантириш орқали уларга соғлом ғояларга нисбатан ишонч-эътиқод туйғусини камол топтириш тақозо этилади.

Оилада мафкуравий тарбия масаласи, яъни «Тинч фаровон турмуш» хусусида фикр юритиладиган бўлса, қарияларимиз ҳар доим аввало «Тани

соғлиқ, хотиржамлик бўлсин» дейдилар. Бу оиладаги ҳамжиҳатлик, фарзандларнинг инсофли, ақлли, хушли, меҳнатқаш, бировларнинг дилини ранжитмайдиган, кўлидан келса фақат яхшилик қиладиган, фаол, зийрак, доимо изланишда, ҳаракатда бўлиб, оилага нафи тегадиган, эзгу ишлар билан банд, одоб-ахлоқда намунали, аҳилчилик билан ўтган ҳаётнинг роҳатда кечишидир. Оиланинг кўнгли тўқлиги, тинч, тотув бўлишида яхши тарбия кўрган фарзандларнинг ҳиссаси катта. Бироқ, бу борада биринчи навбатда ота-она ҳалоллиги, одоб-ахлоқи, атрофдагиларга ва меҳнатга муносабати билан ибрат бўлиши керак бўлади. Тарбияли ота-она фарзандларига доимо тўғри йўлни кўрсатадиган устоздирлар. Улар болаларига ёшлигиданоқ нима яхши, нима ёмонлигини ўргатадилар ва тўғри тарбия берадилар. Умуман, ота-она турмуш ва фарзандлар масаласи ақл билан бошқарилишини, оила инсон учун муқаддас ва улғу даргоҳ эканлигини жуда яхши ҳис этадилар. Фарзандлар эса шу оиланинг орномуси учун курашиши, шаънига доғ туширмаслиги, ҳамма вақт оилага, ватанга, дўстларига содиқ, садоқатли бўлиб қолиши зарур. Ота-она фарзандларига яхши тарбия бериб, муносиб раҳбарлик қила олсагина оилада тартиб-интизом, меҳнат ва ором, ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, аҳиллик, бирдамлик, тинчлик бўлади. Бундай оилаларни маҳалла-кўй ҳурмат билан тилга олади. Бундай оилада ўғил-қизлар одобли, элга манзур кишилар бўлиб етишадилар.

«Бола азиз — одоби ундан азиз» дейдилар. Болалигидан одобли бўлган фарзандлар катта бўлганларида ҳам ҳурмат-эътиборга эришадилар. Инсон ким бўлиб шаклланиши ва вояга етиши унинг болалик йилларига, билими ва орттираётган тажрибасига боғлиқдир. Бола оилада мустақил фикрлашни ўрганади, ўзига ёрқин келажак бунёд этишни ўйлайди. Кўпроқ ўқишни, фойдали ишлар билан шуғулланишни ўйлайди. Бахтли яшашни, келажакнинг ширин бўлишини, яхши одамлардай турмуш кечиришини орзу қилади.

Оилада яхши тарбия олган бола қуйидаги жиҳатларга эга бўлади:

- ота-онага меҳрибон бўлиб, уларнинг иззат-ҳурматини ўрнига қўяди, ҳар бир сўзига қулоқ солади;

- ота-онасининг бахтли бўлишини орзу қилади, улар буюрган ишларни пишиқ-пухта бажаради;

- оила аъзоларига, ҳаммага самимий муносабатда бўлади, соғлом, бақувват, билимдон ва одоб билан ажралиб туради;

- ота-она, элнинг ҳурматиغا сазовор бўлади;

- катталарнинг панду-насихатларини диққат-эътибор билан тинглайди ва унга амал қилади;

- аввал яшаб ижод этган ота-боболарнинг ҳикматли сўзлари, ахлоқ-одоб тўғрисидаги қимматли фикрларидан сабоқ олади;

- ота-онага одоб билан ширин муомала қилади;

— доимо фойдали иш билан шуғулланиб, меҳнат билан чиниқади, ота-онасига суюкли фарзанд бўлади;

— болажон ўзбек халқининг миллий фазилатларини ўзлаштиради, меҳнатсевар, яхши хулқ-атвори бола бўлади;

— ота-она қариганда уларнинг белига қувват, халқимизнинг одобли фарзанди сифатида эл орасида обрў-эътиборли бўлади.

Агар оилада одоб ахлоқ қоидаларига амал қилинса, ота-онадан тортиб фарзандларгача меҳроқибатли, ҳаётлари тинч-фаровон бўлади. Ана шу тинч-фаровон ҳаётда ўз ўрнини топиш учун болалиқдаги фаолият, билим, тарбия катта ўрин эгаллайди. Болалиқ даврдаги ўқиб ўрганган ва хотирага кирган нарсаларни асло унутиб бўлмайди. Инсоннинг бутун умри давомидаги орзу-умидлари, келажак режалари ҳам болалиқдан тузила бошлайди. Болалиқнинг қадрига етиш учун бўш вақтлардан фойдаланиш, кўпроқ китоб ўқиш, билим олиш, фикрлаш қобилиятини ўстириш орқали асосий маълумотларга эга бўлиш ва олтидан қимматли вақтни зое кетказмаслик лозим. Фарзанларимиз ўз олдиларига қўйган вазифаларини бажариш билан ўз билимларини ошириб иродасини чиниқтириб бориши, буюк алломаларимиз ва бонокалонларимиз ҳаёти, уларнинг амалга оширган ишларидан ўрнак олиб, ўз ҳаёт йўлини, келажакни яхши тушуниб олиши, пок йўлдан юриб, пок яшашга, энг муҳими мустақил ишлаш ва фикрлашни ўрганиши зарурдир. Бунинг учун ота-она ғоявий-тарбиявий жиҳатдан етук бўлса, оилада фарзанд тарбиясидаги ишларни ҳам ижобий ҳал этади. Натижада боланинг ақлий тарбияси миллий ғояга нисбатан фикрлай олиш қобилияти, эстетик дидини ривожлантиради. Уларнинг ростгўй, камтар, ўз-ўзига талабчан, масъулиятли бўлиб ўсишига кенг йўл очилади. Инсонлар билан мулоқотда мустақил эркин ижодий фикр юрита олади.

Болаларнинг ёшига қараб ғоявий тушунчаларни сингдириб бориш, уларнинг мардлиги, жасурлиги, меҳнатсеварлиги, меҳроқибатлилигини ошириб бориш, бузғунчи ғоялардан нафратланиш ру-

ҳида тарбиялаш, оилада ота-онанинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бола тарбиясида мактаб оила ва маҳалла ҳамкорлиги мустаҳкам бўлиши керак. Ўқитувчи — талабаларнинг оила аъзолари билан мунтазам алоқада бўлиб, мулоқот ўтказиб туриши лозим. Кўпгина оилаларда ота-она ва буви-буваларнинг ўқимишли бўлганликлари талабаларнинг фаол, билимдон бўлишига олиб келади. Оилада бола доимо назоратда бўлиши натижасида барча фанларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўзлаштиради. Бу борада ота-оналар, мактаб жамоаси, ота-оналар қўмитаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинининг «Ёшлар билан ишлаш» бўйича йўриқчиси ҳамкорлигида маслаҳатлашган ҳолда қатор ишларни амалга оширишни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Оилада она ораста, шарқона одоб, ахлоқли бўлиб, ўзида гўзаллик ва латофатни намоён этса, майин, нозик, ёқимли тўғри ҳаракатлари билан атрофдагиларда яхши таассурот қолдирса, зийрак, тажрибали, меҳнатсевар, пок, ростгўй, ибратли бўлса болалар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир ота-она ўзлари ва фарзандларининг саломатлигига бефарқ бўлмаслиги ва зарур жисмоний машқлар билан шуғулланишни одатга айлантириши асосида соғлом турмуш тарзига эга бўлиши муваффақият гаровидир. Фарзандларнинг кучли, чидамли, соғлом бўлиб ўсишини истаган ота-она ҳар куни улар билан бадантарбия ва турли қизиқарли машғулотларни ўтказишади. Амалга оширилган ҳаракатларнинг барчаси фарзандларнинг тўғри ривожланиши, соғломликка эришиши ва камол топишига ҳамда келажак истиқбол йўлини тўғри белгилашига ёрдам беради. Оилада фарзандлар яхши тарбияланган бўлсалар, улар улғайганларида ота-онасига раҳмат келтирадилар, меҳромуруват кўрсата оладилар. Шу жиҳатдан миллий фаровонлик асоси бўлган оилада болалар тарбиясига эътиборни кучайтирган ҳолда фарзандларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитларни яратиш орқали оила тарбиясида муваффақиятларга эришиш мумкин.



АННОТАЦИЯ

В статье освещаются вопросы социальной значимости института семьи. Автор анализирует особенности узбекской семьи, её роль в формировании нравственности населения и воспитании молодого поколения. Авторами статьи приводятся статистические данные в данной сфере. Особое внимание уделяется формированию навыков родителей по воспитанию детей.

¹ А.Мухторов. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2003. 4-бет.

**Шаҳзода АКНАЗАРОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг
стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси**

ОИЛАДА ЗҶРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОГЕН ОМИЛЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "... Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ...", деб таъкидлаганлар. Юртимизда барқарорлик, тинчлик, оилавий тотувлик, оила ва никоҳни мустаҳкамлаш йўлида жуда ҳам самарали ишлар қилинмоқда. Жамият асоси бўлмиш оилага қаратилган диққат-этибордан оила аъзолари ўртасида содир этиладиган зўравонлик четда қолмай, балки алоҳида ижтимоий муаммо сифатида ўрганиляпти.

Ҳозирги кунда оила институти, оиланинг тузилиш таркиби аввалгига нисбатан анча ўзгарган. Оила аъзоларининг ҳамда оиладаги фарзандлар сони бир қадар камайган: шаҳар жойларида ҳар оилада ўртача икки нафар, қишлоқ ҳудудларида эса уч нафар фарзанд тарбияланмоқда.

Баъзи бир моддий томондан қийин ахволга тушиб қолган оилаларда юз берган мураккаб руҳий муҳит ота-она ўртасида, ота-она ва фарзандлар ўртасида низоли муносабатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда низони зўравонлик ёки бошқа агрессив тарзда ҳал этилишига олиб келади.

Я.И.Гилинскийнинг фикрича, шахснинг ижтимоийлашиши уни жамиятга, ижтимоий муносабатлар тизимига киришишида ижтимоий хусусиятларга эга бўлишга ўргатиш орқали амалга оширилади¹. Ижтимоий ҳаётда иштирок этмаслик шахсга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Оиланинг асосий вазибаларидан бири аввало шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, зарур кўникма-

ларни шакллантиришдан иборат.

Бутун дунёда жадал урбанизация жараёни кечмоқда. Ушбу жараён ижтимоий ҳаёт, таълим ва меҳнат шароитларининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлса-да, бироқ салбий жиҳатларга ҳам эгадир. Урбанизация жараёнининг камчиликлари қаторида ижтимоий тенгсизлик, оила тузилишидаги ўзгаришлар ва ижтимоий муносабатларнинг номувофиқлиги, оилавий муносабатларнинг жамиятдан ажралганлиги каби салбий ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

Шаҳарда жиноятларнинг қишлоқ жойларга нисбатан кўпроқ содир этилиши шаҳарда инсон ҳулқ-атвори устидан яқин маиший муҳитнинг назорати анча заифлашиши, қишлоқ жойларда эса мустаҳкам ижтимоий алоқалар сақланганлиги билан изоҳланади. Жумладан, оила-рўзғор муҳитида қишлоқ аёллари шахсга қарши жиноятлар ва ўғрилиқлар содир этадилар, ушбу жиноятларнинг содир этилиши шаҳардагига нисбатан анча қаттиқ қораланади².

Д.А.Шестаковнинг агрессивлик, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг юз беришига асосий омил (омиллар гуруҳи) бўлиб, турли шаклдаги низолар асосида ётувчи ижтимоий қатламлар ўртасидаги қарама-қаршилик ҳисобланади³, деган фикрига қўшилаемиз. Чунки ҳақиқатдан ҳам, алоҳида ижтимоий қатламларнинг жамиятдаги ўрнига нисбатан бўлган тафовут шахсининг, айниқса, ёшларда ўз ҳаётидан қониқмаслиги, ҳасад, турли ғаразли мақсадларни туғдиради.

Сўнги йилларда хорижий оммавий ахборот воситалари орқали зўравонликни одатий ҳол сифатида кўрсатувчи фильмлар, кўрсатувлар, шунингдек, компьютер ўйинлари, Интернетда кенг

жойлаштирилган порнографик расмлар, интернет ўйинларининг вояга етмаганларга нисбатан криминоген таъсири кучайиб бормоқда. Россия телеканаллари (ОРТ, НТВ, ТВЦ) орқали кўрсатиладиган кўрсатувлар ва ахборотларнинг таҳлили натижасида, эрталабки, кундузги ва кечкурунги вақтдаги 119 соатли эфир мобайнида 486 марта зўравонлик ва агрессия кўринишлари қайд қилинган⁴. Зўравонлик, одам ўлдириш, ҳақорат, порнографик кўринишларига бой бўлган кўрсатувлар агрессив хулқни шакллантириб, айниқса, вояга етмаганларда зўрликка қарши таъсирчанлигининг сусайишига олиб келади.

Ўн саккиз ёшга қадар бўлган болаларга зўравонликнинг таъсири бўйича ўтказилган тадқиқотлар "телевидение, фильмлар, видео ва компьютер ўйинларидаги зўравонликка асосланган тасвирлар безовталаниш, ҳис-туйғуларга қисқа муддатли таъсир кўрсатиши ва ёш болаларнинг, айниқса, ўғил болаларнинг тажовузкор ёки кўрқувли феъл-атворга эга бўлиши эҳтимолини оширишини тасдиқловчи далиллар мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларидаги тасвирлар яхлитлигининг ақлий саломатликдаги муаммолар билан ўзаро боғлиқлиги ёки унинг спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддалар таъсири остидаги шахсларга қандай таъсир этиши ҳам ҳали яхши ўрганилмаган⁵.

Бу масалага Ўзбекистон Республикасида жиддий эътибор қаратилган. Уларнинг олдини олишга қаратилган чоралар қутилган самараларни бериб, ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг асоси бўлиб қолган.

Жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўзларига маълум бўлган, баъзида йиллар мобайнида давом этувчи оилавий низоларга нисбатан ўз вақтида ва етарли чораларнинг кўрилмаслиги низо иштирокчилари агрессиясининг ошиб бориши натижасида жиноят содир этилишига олиб келади. Шу туфайли бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўриш керак.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ижроия қўмитасининг маълумотларига кўра, дунёда номусга тегиш жиноятининг 50%, қасддан одам ўлдиришнинг 72% маст ҳолатда содир этилади⁶. Оилада вояга етмаганларга қарши жинсий жиноятлар содир этилишининг муҳим омиллари қаторига жиноятчининг алкоголизм ёки гиёҳвандликка чалинганлиги, уларда руҳий фаолиятнинг бузилганлик ҳоллари мавжудлиги, ОИВга йўлиқ-

қанлик киради⁷.

Маълумки, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш одамнинг асаб тизимига салбий таъсир кўрсатиб, мулоҳаза юритиш жараёнининг бузилишига олиб келади. Спиртли ичимликлар истеъмол қилган шахс ўзини бошқара олмайди, одобсиз, ҳаёсиз ҳаракатлар содир этишга мойил ва агрессив бўлиб қолади. Шахснинг бундай ҳолатга тушиши оилада унинг қариндошларига нисбатан зўрлик ишлатилишига олиб келади. Мавжуд маълумотларга кўра, оилада содир этилган жиноятларнинг 55% жиноятчининг маст ҳолатида содир қилинган.

Зўрлик ишлатиб содир қилинган жиноятларнинг кўпи бир мартаба эмас, балки мунтазам равишда спиртли ичимликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, алкоголизм криминоген аҳамиятга эга бўлган руҳий аномалияларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиб, психопатия ва характернинг психопатик хусусиятлари ривожланиши натижасида, касалланган шахс томонидан жиноят содир этилишига олиб келиши мумкин. Спиртли ичимликларни истеъмол қилишга ружу қўйиш ва жиноятчилик ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиб, шахснинг ижтимоий адаптациясининг бузилиши, унинг нормал ижтимоий муносабатлардан четлашишига олиб келади.

Оилада зўрлик ишлатиб жиноятлар содир этилишига имкон берувчи омиллар тизимида бевоқиф муҳит аҳамият касб этади. Ушбу босқичда десоциал оила ва оилавий низо каби омиллар ажратилади. Оила аъзосига жиноят содир этишга имкон берувчи ёки уни содир этишга қаршилик кўрсатмайдиган, балки кўмак берувчи оила, десоциал оила деб аталади⁸.

Ғайриижтимоий хулқ биринчи навбатда десоциал оилаларда шаклланади. Қариндошлик муносабатларига ва маиший ҳаётнинг умумийлигига асосланган ғайриижтимоий ҳаёт тарзи унинг аъзолари, дастлаб вояга етмаганларда ахлоқ қоидаларига зид, ғайриқонуний хусусиятларнинг шаклланиши учун имкон берувчи шароит яратиб беради.

В.Н.Кудрявцев берган таърифга кўра, низо кишилар томонидан англанадиган ва уларнинг хулқ-атворларида намоён бўладиган қарама-қарши манфаатлар, интилишлар, қарашларининг тўқнашуви сифатида тушунилиши керак⁹.

Низонинг ушбу таърифини оилавий муносабатларга татбиқ қиладиган бўлсак, оилавий низо

оила аъзолари манфаатларининг тўқнашиши натижасида келиб чиқувчи катта низо ёки кўплаб такрорий низолардан ташкил топади. Шу жумладан, муайян вазиятда жинойи хулқнинг шаклланишига имкон берувчи оилавий муносабатлардан иборатдир. Вужудга келган низонинг ҳал бўлиши оила таркиби ва оила аъзоларидан ҳар бири оилани сақлаб қолишга бўлган эҳтиёжининг кучли эканлигига боғлиқ бўлади. Оиланинг бир умрга қурилганлигини кўзда тутган ҳолда, оилавий муносабатларни узиш қарорига келиш оила аъзолари томонидан жуда қийин кечади, шунинг учун ҳам одатда, оилавий низолар узок давом этади.

Оилавий низо криминоген омил сифатида оиланинг ташқи ва кўпроқ оила аъзоларининг ички низоларида намоён бўлади. Ички низолар кўпинча турмуш ўртоғининг қариндошлари билан бўлган нохуш муносабатлар, молиявий, оила аъзолари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, турмуш ўртоғининг хиёнати, фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш асосида вужудга келади.

Янги оила қурган шахслар ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаганлиги оқибатида турли қийинчиликларга: турмуш ўртоғининг яқин қариндошлари билан ижобий муносабатлар ўрната олмаслик, молиявий муаммоларни тўғри ҳал қилишни билмаслик, маошнинг етарли эмаслиги, нохуш уй-жой шароитлари, эр ёки хотиннинг жисмоний нуқсонларига дуч келишлари мумкин. Баъзи ҳолларда, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига тўғри педагогик ёндаша олмаганликлари сабабли уларни жисмоний жазолайдилар, натижада ота-она ва фарзанд ўртасида тушунмовчилик юзага келади. Бу муносабатлар айниқса, ўғай фарзандли оилаларда мураккаб кечади. Зўрлик ишлатувчи ота-оналарнинг хулқи уларнинг аксарият ҳолларда ёшлиги, ёлғиз, моддий жиҳатдан кам таъминланган эканлиги билан боғлиқ бўлиб, бундай боғлиқлик стресс ҳолати ва уларнинг ижтимоий муҳитдан ажралиб қолганлиги туфайли келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, бундай шахслар хулқ-атворида нуқсонлари бўлиб, стресс ҳолатини енгиш қобилияти паст бўлади. Бундай оилалар жамият ёки яқин қариндошларининг ёрдамига муҳтож бўлади.

Баъзи ривожланган давлатларда ўтказилган тадқиқотлар, зўравонлик ва эътиборсизликнинг ўзаро боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Ушбу тадқиқотларда ногирон болаларга нисбатан бўлган эътиборсизлик ташвишли ҳолат сифатида баҳоланади¹⁰.

Шахснинг кичик ижтимоий гуруҳлардан, жамият ва ундаги ахлоқ меъёрларидан руҳан бегоналашиши кейинчалик криминоген оқибатларга олиб келиши мумкин. Шахс ҳаётининг дастлабки босқичларида, агарда оила шахсни оилавий ҳаёти (микромухит) орқали жамият ҳаёти (макромухит)га қўшмаган бўлса, шахснинг салбий хусусиятлари мустаҳкамланиб, кейинчалик унда ҳуқуққа хилоф хулқ-атворнинг шаклланишига сабаб бўлиши мумкин. Шахснинг ижтимоий муҳитдан бегоналашиши умуман унга, белгиланган кадр-қимматларига нисбатан салбий муносабатни, ташқи дунёнинг адоватли эканлиги туйғусини ва натижада тажовузга жавобан агрессияни келтириб чиқаради.

Ота-онанинг болани ўзидан бегоналаштириши жиноятчи шахсининг шаклланишининг ягона сабаби ҳисобланмайди. Баъзан у бошқа йўллар билан юз беради. Масалан, бола ёки ўсмирда ота-она билан зарур бўлган эмоционал алоқа мавжуд, лекин ота-она ўз хулқлари билан ахлоқ ёки ҳуқуқий меъёрларни писанд қилмайдилар. Вояга етмаганлар эса ушбу салбий хусусиятни нисбатан осон ўзлаштирадилар¹¹.

А.А.Исаков томонидан аҳолининг маргинал қатламларидан чиққан маҳкумлар орасида олиб борган тадқиқотларга кўра, сўровда иштирок этганларнинг ярмидан кўпи ўз болалигини истамай эслаган. Аниқланишича, ушбу маҳкумлар ўсган оилаларда турли шаклларда қўлланилган зўравонлик одатий ҳолат бўлиб қолган¹².

Индивидуал хулқ босқичида (микро-босқич) шахснинг ғайриижтимоий йўналтирилганлиги ва қарама-қарши манфаатлар, мақсадлар тўқнашиши юз берадиган криминоген оилавий вазият салбий рол ўйнайди. Криминоген оилавий вазият оилавий низонинг жиноятчилик тизимининг бошқа қисмлари билан алоқаси амалга оширилиши жараёнида вужудга келувчи оилавий низонинг ривожланиш натижасини ўзида акс эттиради. Криминоген оила бевосита индивидуал хулқ босқичига таъсир кўрсатиб, ўз аъзоларини ғайриижтимоий йўналтиради.

Криминоген оилавий вазият оилавий низоли вазият сифатида тушунилиб, оила аъзолари ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликларнинг юқори даражада авж олганлиги билан ифодаланади. Криминоген оилавий вазият доимо жиноят содир этишдан аввал юз беради. Оилавий низодан бевосита бир оилада унинг айрим аъзоларининг биргалликда яшай олмасликлари тўғрисидаги хулоса келиб чиқиб, натижада оилавий муносабатларни

тугатиш масаласи кўтарилиши мумкин. Мазкур вазиятдан шахсий хусусиятлардан ва қарашлардан келиб чиққан ҳолда, баъзилар яхшиликча ажрашиш, бошқалар ўз-ўзини ўлдириш ёки жиноятга қўл уриш орқали чиқиши мумкин.

Криминоген вазиятда киши оилавий ҳаёт давом эта олмаслигини биледи, низо моҳияти-оилавий муносабатларнинг қайси соҳаси уни қониктирмаётганлигини англайди. Бундай ҳолларда вужудга келган вазиятдан чиқиб кетиши кераклигини тушунса-да, лекин қандай тарзда чиқиш ноаниқ бўлади.

Криминоген оилавий вазиятни тадқиқ этишда, низолашувчи оила аъзоларининг одатлари,

ҳаётга бўлган қарашлари, манфаатларини солиштириш зарур. Шунингдек, оилада умумий мақсадлар ва йўналиш мавжудлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Одатда, низолашувчи оилаларда ҳар бир оила аъзоси ўз шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади.

Бугунги кунда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг энг муҳим йўналишларининг ҳаётга татбиқ қилиниши аввало, алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар, хотин-қизлар, кексалар ҳуқуқларининг ҳимояланиши, жамиятда оиланинг нуфузини ошириш ҳамда, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат кўрсатади.



АННОТАЦИЯ

В статье анализируется система криминогенных факторов, элементами которой являются изменение института семьи, алкоголизм, семейная десоциализация, семейная конфликтность и пр., а также их воздействие на совершение внутрисемейных насильственных преступлений.

¹ Я.И.Гилинский. Институт семьи в системе "девиантность-социальный контроль// Криминология: вчера, сегодня, завтра: Труды Санкт-Петербургского криминологического клуба. 2002. №1(2). с.34-40.

² Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари.-Т.: ТДЮИ, 2005. 231б.

³ Д.А.Шестаков. Семейная криминология: Криминофамилистика. 2-е изд. СПб. 2003. С. 177.

⁴ Р.И.Ерусланова, К.В.Милухин. Насилие в семье. Учеб. пос. М.: 2010. С. 22.

⁵ Browne K., Hamilton-Giachritsis C (2005). The Influence of Violent Media on Children and Adolescents: A Public-health Approach. *Lancet*, 365: 702-710.

⁶ Румянцева Т.Г. Агрессия: проблемы и поиски в западной философии и науке.-М., 1991.

⁷ Ҳазалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. ю.ф.н. илм.д.ражасини олиш учун ёзилган диссер. Т.: ТДЮИ, 2008. Б. 82.

⁸ Д.А.Шестаков. Семейная криминология: Криминофамилистика. 2-е изд. СПб. 2003. С. 134. Д.А.Шестаков. Кризис семьи и преступность // Криминология XX век / Под ред. В. Н. Бурлакова, В. П. Сальникова. СПб.: Юрид. центр Пресс, 2000. С.497.

⁹ Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. М., 1998. С.68.

¹⁰ Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. Пауло Серхио Пинхейро БМТ Бош Котибининг "Болаларга нисбатан зўравонлик" тадқиқоти учун мустақил эксперти. Б.83.

¹¹ Антонян Ю.М. Криминогенная роль психологического отчуждения личности. «Советское и государственное право», №8, 1988г. С. 52-59.

¹² А.А.Исаков. Особенности криминогенной детерминации насильственных преступлений, совершаемых в семье. Лекция. М., 2004. С.11.

ОТЗЫВ

официального оппонента на диссертацию "Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и проблемы его совершенствования", представленную Суюновой Д.Ж. на соискание ученой степени доктора юридических наук по специальности 12.00.03.

Ключевые слова: кредит, кредитные правоотношения, банковские кредитные операции, кредитный договор, обязательство, проценты за пользование чужими денежными средствами, предпринимательская деятельность.

Key words: credit, credit legal relationships, bank credit operations, loan agreement, the obligation of interest for using other people's money and business activities.

По результатам последней оценочной миссии Международного валютного фонда отмечается, что "Узбекистан добился динамичного роста и хорошо справился с глобальным финансовым кризисом. За последние пять лет темпы роста в Узбекистане составили 8,5 процента, что выше среднего показателя роста по Центральной Азии.

На протяжении последних пяти лет показатель достаточности капитала банковского сектора страны находится на уровне в три раза превышающем международный норматив в размере 8 процентов, установленный Базельским комитетом по банковскому надзору.

Международные рейтинговые агентства "Стандарт энд Пурс", "Мудис" и "Фитч Рейтингс" присваивают банковской системе Узбекистана рейтинговую оценку на уровне "стабильный".

Растет инвестиционная активность коммерческих банков. При этом свыше 75 процентов вложений коммерческих банков — это долгосрочные инвестиционные кредиты сроком свыше трех лет. В целом за последние десять лет кредитование реального сектора экономики нашими банками возросло в 7 раз.

Поэтому актуальность представленной на оппонирование диссертации не вызывает сомнений. Об этом свидетельствуют также следующие тезисы:

Вытекающие из законодательства возможности признания заключенных (а зачастую и исполненных одной из сторон) договоров незаключенными используются в основном недобросовестными должниками как ответная мера на справедливые требования кредиторов о привлечении должников к ответственности за неисполнение

или ненадлежащее исполнение договорных обязательств. По этой же причине законодателю следует воздержаться от стремления к расширению круга существенных условий различных договоров (с. 127).

Некоторые затруднения, которые могут испытывать налоговые и иные государственные фискальные и контролирующие органы в случае предоставления кредита заемщику-налогоплательщику, "минуя его расчетный счет", должны решаться в области публичного права и присущими ему методами, а не путем деформации гражданско-правового регулирования имущественного оборота (с. 155).

Банковский контроль мог бы оказать плодотворное влияние на состояние имущественного оборота в целом, о чем свидетельствует практика банков США, Англии и некоторых других стран, где правомочия банка по осуществлению банковского контроля за платежным состоянием и деятельностью заемщика (и соответствующие им обязанности последнего) составляют значительную часть условий кредитных договоров (с. 160).

Надо пересмотреть механизм функционирования кредитной системы в Узбекистане в плане упрощения процедуры и сроков заключения кредитных договоров, а в случае необходимости, дать заемщику право обратиться в суд по поводу ущемления его законных интересов при заключении кредитного договора, т.е. нарушения принципа равенства сторон в практике банковского кредитования (с. 186).

Вместе с тем важное практическое значение приобретают теоретические и методические разработки автора в области кредитных отношений и проблемы его совершенствования.

Судебная практика порой необоснованно узко определяет сферу применения процентов за пользование чужими денежными средствами, ограниченно подходит к пониманию существа денежного обязательства, применяет способы прекращения кредитного обязательства, противоречащие его существу, позволяет менять конструкцию одного договора (кредитного) на конструк-

цию другого (договора займа) в отсутствие необходимых элементов первого. Такие подходы нивелируют идею существования банков как таковых и, как следствие, специальных договорных конструкций, в частности конструкции кредитного договора (с. 6).

Исследование правовой природы процентов годовых по денежным обязательствам, а также современных тенденций в определении неустойки и процентов за нарушение денежных обязательств (с. 12).

Обеспеченное консенсуальной конструкцией кредитного договора право заемщика на предоставление кредита, может быть реализовано в принудительном порядке, с возложением на банк негативных последствий в виде уплаты процентов за пользование чужими денежными средствами, которые по своей природе являются разновидностью неустойки (с. 17).

Понимание правовой природы кредитного договора на основании законодательного подхода, критического анализа высказанных мнений в научной литературе и с позиции места кредитного договора в системе банковской деятельности, правовым положением кредитора и заемщика по кредитному договору (с. 19).

Льготное кредитование осуществляется не всегда объективно. Коммерческие банки не всегда заинтересованы в выдаче льготных кредитов. Следовательно, надо определить в законе порядок и основания льготного кредитования (с. 82).

В судах Республики Узбекистан в 2007-2009 гг. неоднократно рассматривались дела об определении в договоре ставки, применяемой при просрочке платежа, в размере более 60-100 процентов годовых.

В ряде случаев суды признавали подобные условия договора недействительными по иску должника на основании ч. 1 ст. 123 ГК как сделки, которые лицо было вынуждено совершить вследствие стечения тяжелых обстоятельств на крайне невыгодных для себя условиях (кабальные сделки), чем другая сторона и воспользовалась (с. 226).

Наравне с государственной существует и корпоративная кредитная политика, осуществляемая отдельными кредитными учреждениями (с.258).

Названные аспекты во многом определили необходимость проведения диссертационного исследования по указанной теме, что и позволяет отнести диссертацию Д.Ж.Суюновой к разряду актуальных.

Между тем анализ диссертации показал, что сформулированные соискателем положения, выводы и рекомендации, в ряду которых и положения, вынесенные на защиту, в основном являются обоснованными и достоверными, отличаются новизной, практической и теоретической значимостью.

Ценность и необходимость разработки правового регулирования кредитных отношений и проблемы его совершенствования диссертант видит в том, что до сих пор не существует детально разработанных и научно-обоснованных рекомендаций (методики), комплексного, монографического научного исследования проблем гражданско-правового регулирования кредитных отношений.

Анализируя различные термины, содержащиеся в нормативных правовых актах, принятые для обозначения различного вида кредитных отношений, диссертант формулирует понятия "кредит", "кредитные правоотношения", "банковские кредитные операции", "кредитный договор", "проценты за пользование чужими денежными средствами" (с.23-100).

Заслуживает одобрения и поддержки, предложенная диссертантом, гражданско-правовые характеристики кредитных операций (с.64-82).

При этом новизной отличается предложение об использовании наряду с уже известными средствами защиты форм кредитного договора (с.127-131).

Диссертант справедливо отмечает существующую на практике проблему применения права при заключении кредитного договора, форм и содержания кредитного договора, обеспечения прав требований сторон по кредитному договору.

Имеют практическое значение изыскания соискателя, направленные на совершенствование методики определения ответственности за нарушение кредитного договора.

В диссертации имеется целый ряд и других предложений, выводов и рекомендаций, достойных поддержки и одобрения.

Вместе с тем, как показало изучение диссертации Д.Ж.Суюновой, в ней содержатся положения, выводы, заслуживающие критической оценки:

1. Представляется, что автор необоснованно широко определила задачи диссертационного исследования, выйдя, таким образом, не только за рамки темы диссертации, но и научной специальности 12.00.03.

Об этом свидетельствует, в частности, сформулированное автором и вынесенное на защиту положение №4, в котором диссертант, вторгаясь в сферу действия другой научной специальности, определяет, что предметом кредитного договора являются безналичные деньги (с.259)

Вместе с тем, даже если рассматривать указанное определение диссертанта по существу, возникают обоснованные сомнения в его целесообразности и обоснованности.

2. Безусловное уважение и одобрение вызывает тот факт, что диссертант является практиком-специалистом в области судебного правоприменения, и то, что ею было изучено большое количество судебных дел и проведены исследования, объектами которых являлись судебные документы.

Между тем требует дополнительного разъяснения утверждение о том, что изучение практики применения кредитных правоотношений позволило ей выявить ряд существенных недоработок действующего законодательства, нормативных правовых актов, регулирующих кредитные отношения (с.20).

Ни текст диссертации, ни приложения не содержат сведений ни о цели, ни о месте, ни о ходе, ни о результатах их проведения. Диссертантом лишь излагались суть судебных решений в хозяйственно-процессуальном поле без сравнительного исследования и научного анализа (с.111-117, 198-201).

Очевидно, что отсутствие таких данных в диссертации не добавляет достоверности и убедительности, сделанным в ней выводам.

3. Закономерным видится обращение диссертанта к вопросу о возможности комплексного исследования банковской деятельности. Верна при этом оценка того, эту деятельность она представляет как систему постоянно осуществляемых банковских операций надлежащим субъектом на основании лицензии.

Вместе с тем вызывает возражение позиция диссертанта относительно её выводов об отсутствии законодательного определения банковской деятельности (с. 43).

4. Представляется, что диссертанту не удалось отразить особенности, присущие банковской среде, подготовленного по результатам исследования именно кредитных правоотношений. Поэтому суждения диссертантам о том, что банковская среда определяется как особая экономическая среда, влияющая на формирование специфических свойств банковских кредитных пра-

воотношений относительно других элементов системы кредитных правоотношений, в рамках которой путем постоянного совершения кредитных операций осуществляется кредитная деятельность банка (с 15) требуют дополнительной аргументации.

5. Кроме того, бездоказательными видятся утверждения диссертанта о том, что кредитная операция — это всегда сделка, связанная с движением денежных средств от кредитора к заемщику и порождающая обязательство по их возврату в некотором увеличенном размере (с.102). На практике условия договора диктует у нас банк, а получатель банковского кредита не рискует спорить по этому поводу с банком, ибо он заинтересован в получении этого кредита. В результате на деле получается, что для получателя заключение с банком кредитного договора в сущности оказывается вынужденной сделкой, что означает явное нарушение принципа равноправия сторон в сфере кредитных отношений заемщиков с банком (с. 99).

Позволим себе не согласиться с подобными утверждениями.

6. Диссертант констатирует более 40 академических западных источников по вопросам правового регулирования кредитных отношений и деятельности кредитных организаций (с.8). Но не более того, если бы автор более детально исследовала европейскую отраслевую правовую платформу, степень изученности проблемы, научная и практическая значимость результатов исследования была бы намного выше.

Ведь, только в управлении различных фондов Лондон Сити находится порядка 9 триллионов долларов. К примеру, Банк Англии, являющийся одним из крупнейших финансовых институтов мира, был основан еще в 1694. Лондонская Фондовая биржи на сегодня является самой крупной биржей в Европе, и занимает первое место в мире по количеству иностранных эмитентов, здесь обращается 70% от объема евробондов всех международных эмитентов. Под управлением различных фондов Сити находятся более 700 млрд.\$ иностранных вкладчиков. Помимо очевидных экономических стимулов, эти фонды апеллируют к идейным чувствам потенциальных вкладчиков, так к примеру на рынке появились исламские фонды, которые обязуются вкладывать средства только в предприятия, чья продукция или услуги не противостоят заповедям Корана или так называемые экологические фонды, которые инвестируют

средства только на развитие предприятий, выпускающих продукцию, не приносящую вред окружающей среде, и т.д.

Необходимо заметить, что высказанная критика во многом полемична и не касается аспектов, отражающих концепцию диссертации, теоретически и практически значимых выводов и положений, сделанных соискателем, а потому, по существу, не снижает положительной оценки диссертации.

Автореферат диссертации Д.Ж.Суюновой содержит основные идеи и выводы диссертации. В нем показана степень новизны, а также теоретическая и практическая значимость полученных соискателем результатов проведенного исследования. Основные научные результаты диссертационного исследования соискателя изложены в 21 научных статьях, опубликованных в том числе в рецензируемых научных журналах, рекомендованных ВАК.

Обобщая все изложенное, будет обоснованным сформулировать следующий вывод: диссертация по теме "Правовое регулирование кредитных отношений в Республике Узбекистан и проблемы его совершенствования" подготовлена Д.Ж.Суюновой единолично, содержит совокупность новых научных результатов и положений, выдвинутых для публичной защите, имеет внутреннее единство и свидетельствует о решении задачи, имеющей существенное значение для наук гражданского права и предпринимательского права.

Таким образом, диссертация соответствует требованиям о порядке присуждения ученых степеней, предъявляемым к докторским диссертациям, а ее автор, заслуживает присуждения исковой степени доктора юридических наук по специальности: 12.00.03 - гражданское право, предпринимательское право, семейное право, международное частное право.



Умаров Толибжон Абдуазизович,
начальник ВУК Генеральной прокуратуры,
доцент, доктор юридических наук
umarov_uz@bk.ru
www.vuk.uz

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги
Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси А.У.Эргашевнинг 12.00.03.-
фуқаролик ҳуқуқи; тадбиркорлик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий
ҳуқуқ ихтисослиги бўйича тайёрлаган "Транспорт воситалари эгалари
фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта шартномасини қўллаш
муаммолари" мавзусидаги номзодлик диссертацияси авторефератига
ТАҚРИЗ**

Марказлашган режали ва маъмурий-бўйруқ-бозлик тизимидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикасида шу жумладан, бошқа МДХ давлатларида ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартириш, хусусий мулкчиликни вужудга келтириш ва шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим ҳолатлар сифатида амалга оширилмоқда. Бунда суғурта хизматларидан фойдаланиш орқали ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимоясини таъминлаш алоҳида ўрин тутишини эътироф этиш зарур. Кейинги йилларда суғурта хизматлари бозорининг кенг ривожланиши ўлароқ, суғуртанинг янгидан-янги турлари вужудга келмоқдаки, бу ҳолат ўз навбатида мулкӣ йўқотишлар ва зарарларни қоплашда самарали восита сифатида суғуртанинг қўлланилишига замин яратмоқда.

Маълумки, транспорт воситалари кишиларнинг оғирини энгил, узоғини яқин қилиш билан бирга атрофдагилар учун ўзига хос хавф манбаи ҳам ҳисобланади. Улар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг натижаси ҳам кўпчилик ҳолларда аянчли вазиятларни вужудга келтиради. Шу сабабли, транспорт воситалари билан етказилган зарарларни қоплашни кафолатлаш ҳамда транспорт воситалари эгаларининг фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкига етказилган зарари учун жавобгарлигини таъминлаш мақсадида суғурта хизматидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Зарар етказганлик учун жавобгарликни суғурталаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 918-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчининг ўзининг ёки бундай жавобгарлик юкланиши мумкин бўлган бошқа шахсларнинг жавобгарлик хавфи суғурталаниши мумкин. Шу маънода транспорт воситала-

ри эгаларининг транспорт воситаси билан етказган зарари учун жавобгарлигини суғурталаш бугунги кунда суғуртанинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ, яқингача суғуртанинг ушбу тури билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормаларнинг етарли эмаслиги, ушбу муносабатларни тартибга солиш умумий асосларда амалга оширилаётганлиги сабабли ҳам транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш кенг тарқалмаган эди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қатор ривожланган давлатларда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Россия, Швеция каби мамлакатларда айнан суғуртанинг шу турини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам айни муддао бўлди.

Мазкур қонун транспорт воситалари билан етказилган зарар учун жавобгарликни суғурталаш билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган бўлиб, унда қонунчилик нуқтаи назаридан илк маротаба транспорт воситаси, транспорт воситасининг эгаси каби тушунчаларнинг легал таърифи берилган. Шу билан бирга, мажбурий суғурта шартномасининг намунавий шартлари, мажбурий суғурта бўйича суғурта полиси ва унда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар белгиланган.

Тадқиқотчи А.У.Эргашевнинг диссертация иши суғурта муносабатларининг ўзига хос тури ҳисобланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини қўллаш муаммоларига бағишланганлиги ҳам айнан бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг

химояланганлиги, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши ва ҳуқуқлар кафолатланганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу мавзунинг долзарблигидан дарак беради. Шу билан бирга, диссертациянинг долзарблиги ҳозирги кунда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни суғурталашнинг илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиши билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, транспорт воситлари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни қўллаш ҳар доим муҳим аҳамиятга эга. Зеро, автотранспорт воситалари ҳаёти-миз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган объектлардан бири ҳисобланади ва кундалик турмушда автотранспорт ҳодисалари кўп учрайди. Диссертант томонидан тадқиқот мазмуни бўйича билдирилган ҳулосалардан келиб чиқиб, шунини таъкидлаш мумкинки, диссертациянинг режаси ва мазмуни бир-бирига тўлиқ мос келади ҳамда олиб борилган тадқиқот натижасида тўлиқ тасаввурни юзага келтиради ва унинг тугалланганлигини билдиради.

Диссертант мавжуд бўлган адабиётлардан, шу билан бирга, хорижий олимларнинг янги илмий адабиётларидан ва республикамизнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан баён этилган илмий-тадқиқотлардан унумли фойдаланган. Муаллиф ўзининг фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик меъёрлари асосида баён этган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчилик нормаларини қатор МДХ давлатлари, халқаро қонун ҳужжатларининг нормалари ва чет эл давлатларининг қонунчилик нормалари билан таққослаб, ўз тақлифларини баён этган. Бундан ташқари, диссертант транспорт воситлари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга оид қонунчилик нормалари ривожланишини ҳам ўз илмий-тадқиқот ишида ифода этган.

Диссертациянинг тегишли параграфларида муаллиф транспорт воситлари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари, суғурта шартномаси субъектлари, объекти, суғурта ҳодисаси, суғурта мукофоти ва бадаллари, суғурта пули ва товони, суғурта хавфи, суғурта таваккалчилиги, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича

қопланиши лозим бўлган зарар миқдори ва ҳажмини аниқлаш каби масалаларни илмий таҳлил қилиш асосида ўрганиб чиққан ва муайян илмий ғояларни беришга ҳаракат қилган. Айниқса, муаллифнинг суғурта муносабатлари тизимида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Диссертант томонидан билдирилган назарий ҳулосалар ва амалий тавсиялар ҳам илмий ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Диссертацияни ўрганиш жараёнида диссертант томонидан катта илмий иш бажарилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ишда билдирилган қатор тақлифлар анча оригинал бўлиб амалий аҳамиятга эга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик-ҳуқуқий фанлари ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшиши мумкин. Шу билан бирга, ишда бир қатор камчиликлар борки, бизнинг назаримизда булар диссертациянинг мазмуни ва сифатини фақат яхшилаган бўлур эди.

Биринчидан, ишда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик жавобгарликни суғурта қилиш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасидан фарқли жиҳатлари тадқиқ этилмаган.

Иккинчидан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича тарафларнинг жавобгарлиги ва мажбуриятни бажармаганлик учун суғурталовчининг зиммасига юкланиши лозим бўлган ҳаракатларга эътибор қаратилмаган.

Ҳулоса сифатида шунини таъкидлардикки, биз томонимиздан билдирилган камчиликлар диссертациянинг қийматини пасайтирмайди ва фақатгина ишни бойитишга хизмат қилади. Шу муносабат билан А.У.Эргашевнинг "Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта шартномасини қўллаш муаммолари" мавзусидаги номзодлик диссертациясини тугалланган илмий-тадқиқот иши деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан қўйилган талабларга жавоб беради ва уни оммавий ҳимояга тавсия этса бўлади, деган ҳулосага келиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
20.07.2011 йилдаги қарори
№ 6

СУДЛАР ТОМОНИДАН НИКОҲДАН АЖРАТИШГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга доир ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши шуни кўрсатадики, судлар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этишмоқда. Айтиш мумкин, асосан мазкур тоифага оид ишларни кўришда суд амалиётида никоҳнинг тугатилиши, уни ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек иқтисодиёт эркинлашуви шароитида эр-хотин мулкӣ муносабатларини тартибга солишчи қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалалар келиб чиқмоқда.

Судлар томонидан никоҳдан ажратишга доир ишларни кўришда қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила жамиятининг асосий бўғини сифатида эътироф этилганлиги, унда оила давлат томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланганлиги тўғрисидаги нормаларнинг мавжудлиги никоҳ-оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Судлар оила тўғрисидаги қонунчилик вазифаларидан келиб чиқиб, қонунда назарда тутилган ҳамда оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча чораларни кўришлари лозим.

2. Тушунтирилсинки, Оила кодексининг 37-моддасига мувофиқ, никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки улардан бири суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида тугайди.

Эр ва хотин ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақозо этса, никоҳ-

дан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкин.

3. Оила кодексининг 42-моддасига кўра, вояга етмаган умумий болалари бўлмаган эр-хотиннинг ўзаро розилиги бўлган тақдирда никоҳдан ажратиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида (бундан буён матнда — ФХДЁ органлари) амалга оширилади, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

4. Оила кодексининг 43-моддасига мувофиқ, никоҳдан ажратиш қўйидаги ҳолларда эр-хотиндан бирининг аризаси бўйича, улар ўртасида вояга етмаган умумий болалар борлигидан қатъий назар, ФХДЁ органларида амалга оширилади, агар эр-хотиндан бири суд томонидан:

бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса.

Қайд этилган асослардан бирортаси мавжуд бўлганда ФХДЁ органи никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабни рад этишга ҳақли эмас. Эр-хотин ўртасида болалар тўғрисида, меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш ёки умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

5. Тушунтирилсинки, ОК 42-моддаси иккинчи қисми ва 43-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган барча ҳолларда никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳдан ажратиш масаласи ФХДЁ органлари ваколатига тааллуқли бўлган айрим ҳолларда ҳам у суд тартибида амалга оширилиши мумкин, чунончи, агар эр-хотиндан бири никоҳдан ажратиш тўғрисида ариза беришдан бош тортса ёки ФХДЁ органига ариза бериш учун шахсан келиш имкониятига эга бўлмаса ёхуд ариза бериб,

никоҳдан ажратишни қайд этиш учун ҳозир бўлма-са. Бундай ҳолатлар мавжудлиги ФХДЁ органла-ри, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари маълумотномалари ва ҳ.к.лар билан тасдиқ-ланиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 43-модда-си биринчи қисмида белгиланган никоҳдан ФХДЁ органларида ажратиш тартиби спиртли ичимлик-лар, наркотик воситалар ёки психотроп модда-ларни суиистеъмол қилиши оқибатида муомала лаёқати чекланган шахслар билан никоҳдан аж-ратиш ҳолларига тадбиқ этилмайди. Бундай шах-сларга нисбатан берилган, шунингдек бундай шахслар томонидан берилган даъволар бўйича никоҳдан ажратиш суд тартибида амалга оши-рилади.

6. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво ари-засини қабул қилишда шуни инобатга олиш ло-зимки, ОК 39-моддасига мувофиқ, эр хотинининг розилигисиз унинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилганидан сўнг бир йил мобайнида никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга, гарчи у туғи-лиш тўғрисидаги ёзувлар дафтариди боланинг отаси сифатида ёзилмаган бўлса ҳам, ҳақли эмас. Мазкур қоида бола ўлик туғилган ёки бир ёшга тўлмай вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ этилади.

Хотиннинг никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга розилиги бўлмаган ҳолларда, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар у қабул қилинган бўлса, суд иш юритишни туга-тади. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш хотин-нинг розилиги билан қўзғатилган бўлиб, ишни суд мажлисида кўриш вақтида у никоҳдан ажратиш-га қарши эътироз билдирган, шунингдек хотин-нинг ҳомиладорлиги ва унинг никоҳдан ажратишга розилиги йўқлиги ишни апелляция, кассация ёки назорат инстанциясида кўриш вақтида маълум бўлган барча ҳолларда ҳам иш юритиш тугати-лиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, ОК 39-модда-сида кўрсатилган ҳолатлар мавжудлиги никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво хотин томонидан қўзғатилишига тўсқинлик қилмайди.

7. Судларга тушунтирилсинки, никоҳдан аж-ратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга, ФПК 241-моддасида назарда тутилган ҳолларда эса, даъвогарнинг хоҳиши бўйича тақдим этилади. Ху-сусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво:

жазо муддатидан қатъий назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига тааллуқли бўлса) — мазкур шахснинг судлангунга қадар охириги яшаш жойи-да;

яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан — унинг маълум бўлган охириги яшаш жойида ёки унинг мол-мулки турган жойда, даъвогар вояга етмаган болалари борлиги ёки саломатлиги ту-

файли жавобгарнинг яшаш жойига боришга қий-налган ҳолларда эса, — даъвогарнинг яшаш жойи-да;

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган ёки мамлакатдан чиқиб кетган шахс билан — унинг мол-мулки турган жойда ёки Ўзбе-кстон Республикасида маълум бўлган охириги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

8. Бир йил давомида яшаш жойи ҳақида маъ-лумот бўлмаган шахсга нисбатан никоҳдан аж-ратиш ҳақидаги даъво билан муурожаат қилин-ганда, судья даъвогарга фуқарони бедарак йўқол-ган деб топиш тартибини тушунтиради (ФК 33-моддаси).

Шу билан бирга, агар эр ёки хотиндан бири иккинчисини бедарак йўқолган деб топиш ҳақида ариза беришдан бош тортса, судья даъво ари-засини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас, суд эса, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони умумий асосларда кўришга мажбур.

9. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет эл фуқаролари билан тузилган, чет эл фуқарола-рини ўзаро тузилган никоҳдан ажратиш, шунинг-дек мазкур шахсларнинг оилавий-ҳуқуқий муно-сабатларидан келиб чиқадиган бошқа низолар Оила кодексининг 9-моддаси ҳамда VIII-бўлими-да назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

10. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво ариза-си ФПК 149, 150-моддалари талабларига жавоб бериши керак. Унда жумладан, никоҳ қачон ва қаерда расмийлаштирилганлиги, никоҳдан бола-лар бор-йўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўрта-сида уларни таъминоти ва тарбияси ҳақида ке-лишувга эришилган-эришилмаганлиги, никоҳдан ажратиш сабаблари никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво билан бирга кўрилиши мумкин бўлган бо-шқа талаблар бор-йўқлиги кўрсатилади.

Аризага никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳ-нома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳ-нома нусхалари, эр-хотиннинг ойлик маоши ва ўзга даромадлари ҳақидаги, давлат божи тўлан-ганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, даъво талабла-рини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

Фуқаролик процессуал қонунда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабларни судга қадар кўриб чиқиш тартиби белгиланмаганлиги сабаб-ли, суд даъвогардан қонунда белгиланмаган ҳуж-жатларни, жумладан мазкур низо дастлаб фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида кўрилганлиги тўғрисида маълумотнома талаб қилишга ҳақли эмас.

11. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризани қабул қилгач, судья ҳар бир иш бўйича уни ФПК 16-бобида назарда тутилган тартибда судда кўришга тайёрлаши шарт.

Жумладан, ишни судда кўришга тайёрлаш тар-тибида, қоида тариқасида, иккинчи тарафни ча-

кириши, унинг аризага нисбатан муносабатини аниқлаши керак. Шу мақсадларда судья тарафлар билан оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказади. Судья, шунингдек эр-хотин ўртасида никоҳдан ажратиш даъвоси билан бир вақтда ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа низолар бор-йўқлигини аниқлайди, тарафларга вояга етмаган болалари таъминоти учун буйруқ тартибида алимент ундириш ҳуқуқини тушунтиради, ишнинг кўрилиши учун аҳамиятга молик бошқа масалаларни аниқлайди.

12. Оила кодексининг 44-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда эр-хотин судга қуйидаги масалалар юзасидан келишув тақдим этишлари мумкин:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар улардан қайси бири билан яшаши тўғрисида;

вояга етмаган болалар ва(ёки) меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр(хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисида.

Бундай келишув мавжуд бўлмаган ёки мазкур масалалар юзасидан эр-хотин ўртасида низо бўлган ҳолларда улар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб билан бир вақтда мазмунан кўриб чиқилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда никоҳ шартномасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб ҳам, башарти бундай талаблар ўзаро боғлиқлиги сабабли, кўриб чиқилиши мумкин (ФПК 156-моддаси). Суд мазкур ишда жавобгарнинг никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарши даъвосини ҳам кўришга ҳақли (ФПК 247-моддаси).

13. Агар даъво аризасида никоҳдан ажратиш иши билан бир вақтда кўрилиши мумкин бўлмаган талаб қўйилган бўлса (масалан, никоҳ тузилгунга қадар топилган мол-мулкни олиб бериш, уйга киритиш ва ҳ.к.), бундай даъво алоҳида иш юритишга ажратилади.

14. Никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича қонуний ва асосли ҳал қилув қарори қабул қилиниши учун суд ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқиши, жумладан, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини, никоҳдан ажратиш масаласи қўйилишига асос бўлган сабаблар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликнинг асл сабабларини аниқлаши шарт. Шу мақсадларда, суд ишни иккала тараф иштирокида кўриши лозим.

Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, келмаслик сабаблари узрли ёки узрsizлигидан қатъий назар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Даъвогар ва жавобгар суд мажлисига иккинчи чақирув бўйича узрsiz сабабларга кўра келмаган тақдирда, суд аризани

кўрмасдан қолдиришга ҳақли. Фақат даъвогар иккинчи чақирув бўйича узрsiz сабабларга кўра келмаган тақдирда, суд жавобгарнинг розилиги билан аризани кўрмасдан қолдиришга ҳақли (ФПК 174, 175-моддалари).

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, башарти даъвогар бунга қарши эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин (ФПК 224-моддаси). Бундай ҳолда, фақат суд жавобгарни сўроқ қилмасдан туриб ҳам ишнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама ва тўлиқ текширилганлиги ҳақида хулосага келган тақдирдагина никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиши мумкин.

Эр-хотиндан бири доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетган ва унинг суд мажлисига келиш имконияти бўлмаган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари нормаларига мувофиқ тарафларни хабардор қилиш чораларини кўради.

15. Судларга тушунтирилсинки, ОК 1-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли.

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда, суд ОК 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача муддат тайинлашга ҳақли. Бунда шунинг эътиборга олиш лозимки, ОК 218-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муддат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотин ярашиши мақсадида олти ойлик муддат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Эр-хотинга ярашиши учун муддат берилиши муносабати билан ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими тарафларнинг тушунтиришлари тинглангандан сўнг, зарур ҳолларда эса, бошқа далиллар текширилганидан сўнг чиқарилади.

Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, ярашиш учун берилган муддатни бунга жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муддат тугагунга қадар кўришга ҳақли. Ярашиш учун берилган муддатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва

ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Эр-хотин ярашиши учун ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади ва бундай ажрим келгусида ишнинг ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги сабабли, унинг устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас (ФПК 346, 348-16-моддалари).

Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилиб, эр-хотинга ярашиш учун муддат берилганда, суд ОК 112-моддаси ва ФПК 263-моддасига мувофиқ болалар таъминоти учун алимент ундириш масаласини муҳокама қилишга ҳақли.

16. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талаб, фақат, эр-хотин бундан буён бирга ҳаёт кечиришларининг ва оила батамом бузилганлиги сабабли уни сақлаб қолишнинг иложи йўқлиги аниқланган ҳолдагина қаноатлантирилиши лозим (ОК 41-моддаси).

Турмушда кечадиган вақтинчалик келишмовчиликлар ва тасодифий сабабларга кўра эр-хотин ўртасида келиб чиққан ихтилофлар, шунингдек эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккаласининг жиддий важлар келтирмаган ҳолда никоҳ муносабатларини давом эттиришни хоҳламаслиги никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Никоҳдан ажратишга асослар бўлмаганда, суд даъвони рад этади.

17. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво рад этилган тақдирда, мазкур даъво билан бирга берилган бошқа талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилиши лозим (ФПК 157-моддаси).

Агар даъвогар никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъводан воз кечса, ишнинг шу қисми иш юритишдан тугатилиши, эр ёки хотиннинг мазкур даъво билан бирга берган бошқа талаблари эса, мазмунан кўрилиши лозим.

18. Судларга тушунтирилсинки, айнан ўша тарафлар томонидан айнан ўша асослар бўйича никоҳдан ажратиш тўғрисидаги такрорий даъво аризаси суднинг иш юритувига бундай даъво ни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлиги ёхуд тарафлар ярашганлиги муносабати билан иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб, камида олти ой ўтгандан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай даъво янги асосларга кўра тақдим этилганда, такрорий даъво аризаси мазкур муддатга риоя қилинмасдан берилиши мумкин.

19. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво билан бир вақтда эр-хотин ўртасидаги умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги низони кўришда, судлар бундай низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилиш-қилмаслигини аниқлашлари лозим.

Агар низо учинчи шахслар ҳуқуқларига дахл қилса (масалан, мол-мулк деҳқон (фермер) хўжалиги мулки бўлиб, унинг таркибида эр-хотин ва уларнинг вояга етмаган болаларидан ташқари бошқа аъзолар ҳам бўлса) суд тарафларга уларнинг умумий тартибда алоҳида даъво тақдим этиш ҳуқуқларини тушунтириши лозим, чунки қонун (ОК 44-моддаси учинчи қисми) бундай ҳолларда никоҳдан ажратиш ва мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларни битта иш юритувда ҳал этишга йўл қўймайди. Бу қоида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари (АЖ, МЧЖ ва ҳ.к.) устав фонди омонатларига, шунингдек ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари пайларига нисбатан ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал этишга ҳам тадбиқ этилади. Бундай ширкатлар ва жамиятлар мулкни бўлиш масалалари фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.

Оила кодекси 44-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қоида эр-хотин томонидан банклар ёки бошқа кредит-молия ташкилотларига қўйилган омонатларни бўлиш ҳолларига (пул маблағлари эр-хотиндан қайси бирининг номига қўйилганлигидан қатъий назар) тадбиқ этилмайди, чунки бундай омонатларни бўлишда банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари ҳуқуқларига дахл этилмайди.

Агар эр ёки хотинга учинчи шахслар пул маблағлари берган ва уни эр ёки хотин ўз номига банк ёки бошқа кредит-молия ташкилотига қўйган бўлса, ФК нормаларига мувофиқ учинчи шахслар пул суммасини қайтариш тўғрисида (омонатни бўлиш тўғрисида эмас) даъво кўзғатишга ҳақли бўлиб, у алоҳида иш юритувда ҳал этилиши лозим. Деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоси бўлган эр ёки хотинга нисбатан талаблари ҳам шу тартибда ҳал этилиши мумкин.

20. Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ эр-хотиннинг бўлиниши лозим бўлган биргаликдаги умумий мол-мулкни деганда, улар томонидан никоҳ давомида орттирган мол-мулклар, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган ва ФК 81, 82, 209-моддаларига кўра фуқароларнинг мулк ҳуқуқи объекти бўла оладиган кўчар ва кўчмас ҳар қандай мол-мулклар тушунилади, башарти улар ўртасида тузилган никоҳ шартномасида мол-мулкка нисбатан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Судларга тушунтирилсинки, суд томонидан фақат ишни кўриш вақтида амалда мавжуд ҳамда эр-хотиннинг бирида ёки учинчи шахсларда (масалан, ижара, мулкдан текин фойдаланиш, омонат сақлаш ва ш.к. шартномалар бўйича) бўлган умумий мол-мулк бўлиниши лозим.

Мулкни бўлишда, шунингдек эр-хотиннинг умумий қарзлари (ОК 28-моддаси учинчи қисми) ва

оила манфаатлари йўлида вужудга келган мажбуриятлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи инobatга олинади. Бироқ судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўйни, шунингдек никоҳ маросимлари билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича қарзлар ва бошқа харажатлар инobatга олинмайди (ОК 44-моддаси).

Никоҳни ФХДЁ органларида қайд этмасдан бир оила бўлиб яшайдиган шахсларнинг мулкий низолари фуқаролик қонунчилиги нормалари бўйича ҳал этилади.

21. Оила кодексининг 25-моддаси биринчи қисмига мувофиқ никоҳга қадар эр ва хотиннинг ҳар бирига тегишли бўлган, шунингдек улардан бири томонидан никоҳ давомида ҳада тариқасида, мерос ҳуқуқи бўйича ёки бошқа текин битимлар бўйича олинган мол-мулк унинг ўз мулки ҳисобланади.

Эр-хотин томонидан текин асосларга кўра олинган, жумладан тўй совғалари, тўйдан сўнг ўтказиладиган маросимлар муносабати билан олинган совғалар, агар улар умумий фойдаланиш буюмларидан иборат бўлса, биргаликдаги умумий мулк таркибига киради. Агар бу совғалар эр-хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса, улар ўша эр ёки хотиннинг ўз мулки ҳисобланади (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно).

Эр-хотиндан бирига никоҳга киргунга (тўйга) қадар тегишли бўлган мол-мулк, бу буюмлардан никоҳ тузилганидан сўнг фойдаланилганлигидан қатъий назар, биргаликдаги умумий мулк таркибига кирмайди (масалан, мебел, гиламлар, идиш-товоқ ва келин сепини ташкил этувчи бошқа мол-мулк).

Оила кодексининг 25-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эр-хотиндан ҳар бирига тегишли бўлган мулк, башарти никоҳ давомида мазкур мулк қийматини анча ошишига олиб келган маблағ кўшилганлиги (капитал таъмирлаш, кўшимча иморат қуриш, янгидан жиҳозлаш ва ҳ.к.) аниқланса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки деб топилиши мумкин.

22. Оила кодексининг 24-моддасига мувофиқ эр-хотин ўзларининг биргаликдаги умумий мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини (эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш) ҳар иккаласининг розилиги бўйича амалга оширилиши лозимлигини инobatга олган ҳолда, агар умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги талабни кўришда эр ёки хотиндан бири иккинчисининг иродасига хилоф тарзда ўз хоҳишига кўра умумий мулкни бошқага ўтказган ёки оила манфаатига мос бўлмаган тарзда сарфлаган ёхуд мол-мулкни яширган бўлса, бўлиш чоғида ўша мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

Агар оилавий муносабатлар ва умумий хўжалик юритилиши амалда тугагандан сўнг эр-хотин

биргаликда мулк орттиришмаган бўлса, суд ОК 27-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ, ҳар бир эр ёки хотин томонидан улар алоҳида яшаган даврда топилган мол-мулкни улардан ҳар бирининг мулки деб топиши ва фақат эр-хотин томонидан умумий хўжалик юритилиши тўхтатилган вақтга қадар топилган мол-мулкни бўлиши мумкин.

23. Судлар эр-хотиннинг умумий мулкни бўлишда шуни назарда тутишлари лозимки, ОК 27-моддаси олтинчи ва еттинчи қисмларига кўра, вояга етмаган болалар эҳтиёжи учун олинган нарсалар (кийим-кечак, оёқ кийими, мактаб ва спорт анжомлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар), шунингдек эр-хотин томонидан уларнинг умумий мулки ҳисобидан улар ўртасидаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ҳам эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳисобга олинмайди.

24. Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда, судлар ОК 28-моддасига риоя этишлари ва, қоида тариқасида, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан келиб чиқишлари лозим.

Агар никоҳ шартномасида биргаликдаги мулкка нисбатан қонунда белгиланган тартиб ўзгартирилган бўлса, суд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низони ҳал этишда бундай шартнома шартларига риоя этиши лозим. Бунда шуни инobatга олиш керакки, ОК 31-моддаси бешинчи қисмига кўра, никоҳ шартномасининг эр ёки хотиндан бирини ўта ноқулай шароитга солиб қўядиган (масалан, эр-хотиндан бирини никоҳ даврида топилган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқидан батамом маҳрум этадиган) шартлари мазкур эр ёки хотин талаби бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда, суд айрим ҳолларда ОК 28-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ вояга етмаган болалар манфаатларидан ёки эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаатидан келиб чиқиб, эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекинишга ҳақли. Эр-хотиндан бирининг эътиборга молик манфаати деганда, жумладан нафақат эр ёки хотин ўзр-сиз сабабларга кўра даромад олмаган ёки умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган ҳоллар, балки эр-хотиндан бири соғлиғи ҳолатига ёки унга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра меҳнат фаолиятидан даромад олиш имкониятидан маҳрум этилган ҳоллар ҳам тушунилиши лозим. Агар никоҳ шартномасига мувофиқ эр ва хотин ҳиссалари тенглиги принциpidан чекиниш мумкин бўлмаса, унга фақат шартноманинг шу қисми ҳақиқий эмас деб топилгандагина йўл қўйилади.

Суд ҳал қилув қарорида умумий мулкда эр ва хотин ҳиссалари тенглиги қоидасидан чекиниш

сабабларини баён этиши шарт.

25. Эр-хотиндан бирига у ёки бу мулкни асл ҳолида бериш масаласини ҳал этишда суд мулкнинг хусусияти ва нима учун мўлжалланганлигини, уни сотиб олиш шартлари ва бошқа эътиборга молик ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Чунончи, автомобилни бўлишда суд эр-хотиндан қайси бири ундан амалда фойдаланганлигини, техник ҳолатига қараб келганлигини, уни бошқариш учун ҳуқуқи борлигини ва ҳ.к.ларни эътиборга олади.

Уйни асл ҳолида бўлиш масаласи суд томонидан фуқаролик қонунчилиги нормаларини инobatга олган ҳолда ҳал этилиши лозим (ФК 223-моддаси).

26. Бўлиниши лозим бўлган мол-мулк қиймати ҳал қилув қарори чиқариладиган кундаги бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Уйнинг қиймати низоли уй турган жойдаги нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулки қиймати юзасидан низо бўлган тақдирда тегишли экспертиза тайинланиши мумкин.

27. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, 1944 йил 8 июлга қадар никоҳни қайд этмасдан туриб оилавий муносабатларга киришган шахсларнинг мол-мулкига нисбатан эр-хотин ўртасидаги биргаликдаги мулк тартиби тадбиқ этилади. Бундай мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низоли ҳал этишда ОК 23-28-моддаларида белгиланган қоидаларга риоя этиш лозим.

28. Оила кодекси 27-моддасининг тўққизинчи қисмида никоҳдан ажратилган эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкни бўлиш учун белгиланган уч йиллик даъво муддатининг ўтишини никоҳ тугатилган вақтдан (яъни, ФХДЁ органларида никоҳдан ажратиш қайд этилган ёки суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан) эмас, балки шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб ҳисоблаш лозим (ФК 154-моддаси биринчи қисми).

29. Никоҳдан ажратиш ёки никоҳдан ажратишни рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний, асосли бўлиши ҳамда суд мажлисида ҳар томонлама текширилган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд томонидан аниқланган эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик сабаблари, суднинг оилани сақлаб қолиш имконияти борлиги ёки унинг узилкесил барҳам топганлиги тўғрисидаги ҳулосасига асос бўлган далиллар, суд томонидан у ёки бу далилларни рад этиш учун асос бўлган важлар, шунингдек суд қўллаган қонунлар кўрсатилади.

Никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвони қаноатлантириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

тарафларнинг барча талаблари бўйича, шу жумладан биргаликда кўриш учун бирлаштирилган талаблари бўйича ҳам суд ҳулосаларини;

фуқаролик ҳолатларини қайд этиш дафтарида никоҳдан ажратишни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар (никоҳ қайд қилинган сана, далолатнома ёзувининг рақами, никоҳни қайд қилган органнинг номи);

эр-хотиннинг фамилиялари — никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага мувофиқ (никоҳга кириш вақтида фамилия ўзгартирилган бўлса — никоҳгача бўлган фамилия ҳам);

эр-хотиннинг ҳар биридан ундирилиши лозим бўлган давлат божи миқдори ёки улардан қайси бири уни тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида кўрсатма (давлат божи миқдорини белгилашда суд улардан ҳар бирининг моддий аҳволини, оиланинг бузилишида айби даражасини ва бошқа муайян ҳолатларни, жумладан вояга етмаган болалар эр-хотиндан қайси бири билан яшаш учун қолаётганлигини ҳисобга олади);

мол-мулк қиймати — эр-хотиндан бирига мол-мулк асл ҳолида берилганда.

30. Судларга тушунтирилсинки, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли. Бироқ, унинг хоҳишига биноан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда суд томонидан унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин. Агар мазкур масала суд томонидан қарор чиқариш пайтида ҳал қилинмаган бўлса, фамилияни ўзгартириш фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан никоҳдан ажралишни қайд этиш пайтида ҳал этилади (ОК 220-моддаси).

31. Никоҳдан ажратишни рад этганда, шунингдек иш юритиш тугатилган барча ҳолларда, суд даъвогарнинг аризасига кўра унга никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани қайтаради.

32. Оила кодексининг 47-моддасига мувофиқ, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади.

Мазкур қоида никоҳ тугатилиши пайти қонунга кўра суднинг ҳал қилув қарори кучга кирган пайдан бошланиши тан олинган (1998 йил 30 апрелдан 2010 йил 15 сентябргача) даврга нисбатан тадбиқ этилмайди.

33. Судларга тушунтирилсинки, ОК 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишда, судья никоҳнинг ҳақиқийлиги қандай асос бўйича низолашилаётганлигини ва даъвогар ОК 51-54-моддаларига кўра айнан даъво аризасида кўрсатилган асос бўйича никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғри-

сидаги масалани қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасига кириш-кирмаслигини аниқлаши лозим. Агар аризачи бундай шахслар доирасига кирмаса, судья унинг даъво аризасини қабул қилишни ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан рад этади.

34. Оила кодексининг 49-моддасида кўрсатилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари қатъий бўлиб, уларни кенгайтириб талқин этишга йўл қўйилмайди. Бундай асосларга қуйидагилар киради:

Оила кодексининг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилиши;

сохта никоҳ тузилиши, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирса;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вирус (ОИВ/ОИТС касаллиги) борлигини иккинчисидан яширса.

Жумладан, агар никоҳни тузиш вақтида шахс ўз ҳаракати моҳиятини тушунмаганлиги ва уларни идора қила олмаганлиги натижасида никоҳга киришга нисбатан ўзининг ҳақиқий розилигини бермаганлиги аниқланса, никоҳ ОК 14-моддасида назарда тутилган шартлар бузилган деган асос билан суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, сохта никоҳ тузган шахслар иш суд томонидан кўрилгунга қадар амалда оила қурган бўлсалар, бундай никоҳ эр-хотин ҳуқуқларини қўриқлаш мақсадида сохта деб топилиши мумкин эмас.

35. Агар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво никоҳдан суд тартибида ажратилгандан сўнг берилган бўлса, судья даъво

аризасини қабул қилишни у судда кўришга тегишли эмаслиги сабабли рад этади (ФПК 152-моддаси биринчи қисми 1-банди). Бундай даъво фақат никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ва никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзуви белгиланган тартибда бекор қилинган ҳолда кўрилиши мумкин.

Агар никоҳдан ФХДЁ органларида ажратилган бўлиб, кейинчалик никоҳдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома ёзувини бекор қилиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида талаблар қўйилган бўлса, суд бу талабларни бир вақтнинг ўзида кўриши шарт.

36. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни кўришда, судлар оиланинг бузилиши сабабларини аниқлашлари ва оила бузилишида айбдор бўлган эр-хотин ва бошқа шахсларнинг номуносиб хулқ-атворларидан далолат берувчи фактларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим.

37. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари никоҳдан ажратишга доир ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб боришлари ва ушбу тоифа ишлар бўйича қонунчиликни қўллашда йўл қўйилган суд хатоларининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўришлари лозим.

38. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Б.Мустафаев

В.Назаров

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан "Мустаҳкам оила тўғусини тарғиб қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифалари" мавзусида илмий-амалий конференция материаллари тўплами нашр этилди (Олий ўқув курслари бошлиғи ю.ф.д. Т.А.Умаровнинг умумий таҳрири остида, масъул муҳаррир юридик фанлар номзоди М.А.Аминжонова) Т.: - 2012.

Ўшбу тўплагга олимлар, амалиётчилар, аспирант, тадқиқотчилар ва бошқа бир қатор мутахассисларнинг илмий-амалий мақолалари киритилган. Тўплагда мамлакат тараққиётининг

бугунги босқичида, оиланинг баркамол инсонни шакллантиш ва жамият барқарорлигини сақлашдаги аҳамияти, ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти, тарбияда маънавий қадриятларга таяниш, оилада ўзаро ҳурматни шакллантириш зарурлиги, мустаҳкам оила тўғусини оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик орқали тарғиб қилиш, оила қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган ижобий жараёнлар ёритилган.

Тўплагдан амалиётчилар, назариётчилар, ҳуқуқшунослар ва кенг жамоатчилик вакиллари фойдаланишлари мумкин.

2012 йил 15 май куни Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари томонидан "Жиноят процессида тортишув принципининг амал қилиш муаммолари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Тадбирда Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунос олимлар, судьялар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Конференцияда тортишув принципининг илмий-амалий жиҳатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётида амал қилиши билан боғлиқ муаммолар ва унинг жиноят ишини ҳар томонлама муҳокама этиш, қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқарилишидаги аҳамияти, жиноят процесси иштирокчиларининг фаоллигини ошириш масалалари муҳокама этилди. Конференция иштирокчилари томонидан мустақиллик йилларида, суд-ҳуқуқ соҳасида, амалга оширилган ўзгаришлар суднинг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақиллигини таъминланганлиги, бу эса жиноят процесси иштирокчилари тенглигини ўрна-

тиш ва судланувчининг айблилиги масаласини муҳокама этишда тортишув самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганлиги таъкидланди.

Олий ўқув курслари томонидан конференция ҳужжатлари "Жиноят процессида тортишув принципининг амал қилиш муаммолари" номли тўплаг шаклида нашр этилди. Тўплагда "Одил судлов ва тортишув принципи", "Жиноят процессида тортишув принципи ва инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси", "Жиноят процессида ўзаро тортишувни кўчайтирилиши - суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи", "Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари", "Жиноят процессида рад қилишнинг табиати", "Тортишув тамойили бу борада прокурорнинг ўрни қандай?" каби мақолалар жой олган.

Тўплаг амалиётчилар, юридик олий ўқув юртинининг талабалари жиноят процесси билан боғлиқ тадқиқот олиб борувчилар, ҳуқуқшунослар ҳамда жиноят ҳуқуқи билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- рус тилидаги қисқа аннотация

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- краткая аннотация статьи на узбекском языке



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари